

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙўНАЛТИРИШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ 2004

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Абу Райхон Беруний чомидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

А.Х.АГЗАМОВ, О.Ғ.ҲАЙИТОВ

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



ТОШКЕНТ 2004

Муаллифлар:

т.ф.д., проф. А.Х.Алғамов,
г.-м.ф.и., доц. О.Г.Хайитов

Ўқувчиларни қасбга йұнаптириш. А.Х.Алғамов,
О.Г.Хайитов. Томк. давл. техн. унв-ти. Томкент 2004.
186 б.

Ўқув құлтандамада фойдалы қазітма бойтықларидан
бири бұлған нефть вағандарының физик кимесін
хоссалари, хосил булдың пазариялары, үлардың иштегі
ва қидириш, қазиб олин шарттарын, шуниншідең,
улардан фойдаланып үсулдары ҳақида мағлumatтар
берилған.

Нефть ва газның қазиб олин шурғатына ва
даражасига, захираларни тәжісмлаптауда, экологияға ва
уларнинг манбаларига алохіда әттібор берилған.

Ўқув құлтандама нефть ва газ йұнаптиши буйича
таълим олаётгандың бакалавр ва қасб-хунар көлжеки
талабалары учун мүлжалашыланған.

**"Геология ва нефть-газ мұхандислик педагогикасы"
кафедраси**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва урга маҳсус
таълим вазирлигининг мурофиқтандырув кеңгаппана
Томкент давлат техника университетинин илмий-
услубий кеңгаппана томонидан өзінші тавсия
этілді.

Тәкризчылар: Техника фанлари доктори,
“ЎзЛИТГИнефтгаз” ОЛЖ
бош илмий ходими т.ф.л. Э.К.Ирматов

ТомДТУ «Геология ва нефть-газ мұхандислик
педагогикасы» кафедрасы, хизмат күрсеткіші доцент
А.В.Мавлонов

© Томкент давлат техника университети, 2004

КИРИШ

Нефть ва газ кундалик ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолди. Шу вақтга қадар инсоният тарихида жамиятининг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бундай фойдали қазилма бойликлари бўлган эмас.

Одамларни нефть ва газ билан биринчи маротаба дуч келган аниқ вақтни айтиш қийин. Бу инсониниң ўзи учун керакли бўлган фойдали нарсаларни синаси усули ва хатоларга йўл қўйини усули орқали қидирган цивилизациянинг дастлабки даврларида юз берган булини мумкин.

Бутуни купда нефть ва газ энергиясини истемол қилиш даражаси у ёки бу давлат ривожланишининг муҳим курсатчиларидан бири хисобланади. Бу эса ҳозирги замонининг объектив манзарасини ифодалайди, чунки ҳозир энергетикасиз саноат, транспорт, кинчюқ хужалиги ривожланишининг бирорта ҳам масаласини ечиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда жаҳон буйича истемол қилинаётган энергиянинг 39,38% - нефть, 25,84% - газ, 24,77% - кўмир, 8,98% - атом энергияси ва 1,03% - гидроэлектр энергияси тапкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач нефть-газ саноатини ривожлантира бориб ўзини нефть ва газга бўлган эҳтиёжини тұла қондира оладиган ва айни вақтда ҳар йили 8 млрд.м³ ҳажмдаги газни чет элга экспорт қилиш имкониятига эга бўлган жаҳондаги унча күп булмаган мамлакатлардан бирига айланди.

Бунга мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг стратегик режаларини амалга ошириш натижасида эришилмоқда, унга кура Республика нефть-газ саноати халқ хужалигининг устувор тармоқларида бири хисобланади.

Бизнинг халқ хўжалигимиз мустаҳкам энергетика базасига эга булини учун Президентимиз И.А.Каримов асосий стратегик вазифаларни белгилаб берди: нефть ва газ конденсати қазиб олини купайтириш; нефть ва газни қайта ишлани технологик жараёнларини чукурлантириш яни конларни очиш орқали углеводород заҳираларини, энгаввало унинг суюқ заҳираларини кўнайтиришга эришини.

Кўйилган вазифалардан келиб чиқиб, ўкув кулланмасини муаллифлари ўкувчиларни “нефть ва газ шима”, “нефть ва газ конлари қандай қидирилади ва ишлатилади”, “нефть ва газдан қандай фойдаланилади”

каби саволлар билан бирга, дүнённиң ҳозиртты ижтимоий манзарасини шакллантирипци да қазылма бойликларини роли ҳақида алоҳида тұхталиб үтишди (нефть ва газ қазиб олиш қандай бормокда, нефть ва газининг бошқа манбалари борми, жадал қазиб олишнинг оқибатлари нимага олиб келади, келажак энергияси ва ҳ.к.). Үкув құлланмаси нефть ва газ йұналиппидеги коллеж үкувчиларига мүлжалланғанлығы учуп муаллифлар унинг тузилишини савол-жавоб тарзидә баён этишди ва берилған материаллар баёнынни соддалаштиришга қаралат қилишди.

Аммо күрилған масалаларни мухимлиги нүктай назаридан құлланмадан олий үкув юртларининг талабалари ҳам фойдаланишлари мүмкін. Муаллифлар умид қыладыки, мазкур үкув құлланмада ҳар бир үкувчи үзи учун қызықарлы ва мұлоҳаза қилиб күрадиган маълумотларни, далилларни топади.

Муаллифлар тақризчиларга "УзДИТИнефтгаз" ОАЖ бош илмий ходими, техника фанлари доктори Э.К.Ирматовга ва геология-минералогия фанлари помзоди, хизмат күрсаттап доцент А.В.Мавлоновга қымматты мұлоҳазалари ва тақлифлари учун миннатдорчилік билдиришади, чунки уларниң меңнатлары туфайли үкув құлланмасининг сифати аяға яхшиланған.

Нихоят шуни таъкидлаш керакки, табиатның күп кирралы бойиклари жумладан, нефть ва газ тұғрисида ҳам күшлаб құлланмалар ёзилади. Нефть ва газ ҳақида ёзіб келинди, бундан бүён ҳам ёзилади. Бу түпнұарлы; дунё үзгарайпти, дунё ҳақидағы тасаввуримиз ва табиат ҳодисалари тұғрисидеги нүктай назаримиз үзгарайпти.

Муаллифлар үкув құлланмаси сипатини яхшилашта қаратылған тақлиф ва мұлоҳазаларии бажониділ қабул қилишади ва олдиндан миннатдорчилік билдиришади.

ВВЕДЕНИЕ

Нефть и газ стали неотъемлемыми элементами нашей повседневной жизни. В истории человечества еще не было полезных ископаемых, настолько прочно связанных с жизнью общества.

Сейчас трудно назвать даты, когда люди впервые столкнулись с нефтью и газом. Скорее, это было на самых первых шагах цивилизации, когда методом проб и ошибок человек искал для себя полезные вещества.

Сегодня уровень потребления энергии является важнейшим показателем степени развития той или иной страны. И это отражает объективную картину современного мира, так как без энергетики сейчас нельзя решить ни одной задачи развития промышленности, транспорта, сельского хозяйства и т.д. Мировая потребность в энергии в настоящие времена удовлетворяется за счет нефти на 39,38%, газа-25,84%, угля-24,77%, атомной энергии-8,98% и гидроэлектроэнергии-1,03%.

С приобретением независимости и развития нефтегазовой промышленности Республика Узбекистан стал одним из немногочисленных стран мира, которые полностью удовлетворяют собственные потребности на нефть и газ, при этом имеется возможность экспортировать до 8млрд.м³ газа в год.

Это стало возможным в результате осуществления стратегии Президента нашей страны И.А.Каримова, согласно которой нефтегазовая промышленность республики отнесена к числу приоритетных отраслей народного хозяйства.

Чтобы наше народное хозяйство опиралось на прочную энергетическую базу, Президентом Узбекистана И.А.Каримовым определены основные стратегические задачи: увеличение добычи нефти и газового конденсата; углубление технологических процессов по переработке нефти и газа, увеличение запасов углеводородов, прежде всего жидких, путем открытия новых месторождений.

В связи с поставленными задачами авторы при подготовке материалов этого пособия сочли необходимым привлечь внимание читателей не только к риторическим вопросам "что есть нефть и газ", "как ищут и разрабатывают месторождения нефти и газа", "как используются нефть и газ" и т.д., и к той роли, которую играют эти полезные ископаемые в формировании социальной картины современного мира (как растет добыча нефти и газа, хватит ли нефти и газа людям, есть ли другие источники нефти и газа, последствия интенсивной добычи, энергии будущего и т.д.) Учитывая то, что учебное пособие в основном рассчитано для учащихся бакалавров нефтегазового профиля, авторы построили его структуру в виде вопросов и ответов, при этом всячески избегали сложностей при изложении материала.

Однако, данное учебное пособие по рассмотренным в нем вопросам полезно и для студентов высших учебных заведений. Авторы надеются, что в данном учебном пособии каждый найдет для себя интересные факты, и богатую пищу для размышлений.

Авторы глубоко признательны рецензентам: главному научному сотруднику ОАО "УзЛИГИнсфтгаз" доктору технических наук Э.К. Ирматову и кандидату геолого-минералогических наук, заслуженному доценту А.Мавлянову за ценные замечания и предложения, учет которых позволил значительно улучшить качество учебного пособия.

В заключение необходимо отметить, что любая попытка написать учебное пособие о таких многогранных дарах природы, как нефть и газ, никогда не может быть исчерпывающей. О нефти и газе писали и будут писать. И это понятно: меняется мир меняется наше представление о нем, точки зрения на явления природы и общественной жизни.

Авторы с благодарностью примут замечания читателей, направленных на улучшение качества учебного пособия.

INTRODUCTION

Oil and gas became integral elements of our daily life. There were no fossils in human's history which were connected with society's life so stable.

It is difficult to name dates now when people discovered oil and gas. Most probably, it happened on the first steps of the civilization when by method of the tests and mistakes a man looked for useful substance for himself.

Today a level of consumption's energy is the main index of the development of one or another country. It reflects an objective picture of the modern world, because without power engineering we can not decide tasks of the development of the industry, transport, agriculture, etc. The world requirements of the energy now is satisfied at oil expense by 39,38 per cent, gas 25,84 per cent, coal 24,77 per cent, hydroelectroenergy 1,03 per cent.

With gaining independence and development of oil and gas industry the republic of Uzbekistan became one of the not numerous country of the world, which, completely satisfies its own requirements of oil and gas and also there is opportunity to export up to 8 cubic billion gas per year.

It became possible at the result of the accomplishment of the strategy of our president I.A. Karimov, according to which oil and gas industry of our republic applies to a number of priority field of the agriculture.

In order our agriculture will be supported by solid power base, I.A. Karimov defined main strategically tasks, such as an increase of output of oil and gas and gas condensate, the intensification of technical processes on oil and gas, an increase of hydro carbon reserves, first of all liquid ones by discovery of new oil field.

In connection with set tasks the authors for preparation materials of this textbook considered that it is necessary to attract reader's attention not only to rhetorical

questions like "what is oil and gas industry", "how oil field is found and exploited", how oil and gas industry is used", and also to questions like " what roles of these fossils are in the formation of modern society (what output of oil and gas is, will be enough oil and gas, has another recourses of oil and gas, what consequences of intensive output of oil and gas for the future). Taking into consideration that the textbook is for pupils of the colleges of oil and gas field, the authors made construction of the textbook of the questing ons and answers avoiding complication stating the material of the textbook.

However this textbook is useful for the students of the universities. The authors hope that everybody can find interesting facts to his liking. The authors thank reviewers such as a main researcher of OAO "UzLITI neftgas" a doctor of technical sciences E.I. Irmatov and a candidate of geological mineralogical science, an assistant professor A.Mavlyanov for remarks and purposes which improved quality of the textbook.

In conclusion it is necessary to notice that every attempt to write a textbook about versatile gifts of the nature like oil and gas never be comprehensive. Always oil and gas were written and will be written about. It is understandable because a world is changed, we change our point of view about natural phenomenon's and society's life.

The authors will take into consideration all remarks of the readers in order to improve the quality of the textbook.

Kirish

Neft va gaz kundalik hayotimizning ajralmas tarkibiy qismi bo'lib qoldi. Shu vaqtga qadar insoniyat tarixida jamiyatning hayoti bilan chambarchas bog'liq bunday foydali qazilma boyliklari bo'lgan emas.

Odamlarni neft va gaz bilan birinchi marotaba duch kelgan aniq vaqtini aytisn qiyin. Bu insonning o'zi uchun kerakli bo'lgan foydali narsalarni sinash usuli va xatolarga yo'l qo'yish usuli orqali qidirgan sivilizatsiyaning dastlabki davrlarida yuz bergen bo'lishi mumkin.

Bugungi kunda neft va gaz energiyasini iste'mol qilish darajasi u yoki bu davlat rivojlanishining muhim ko'rsatkichlaridan biri hisoblanadi. Bu esa hozirgi zamonning ob'yekтив manzarasini ifodalaydi, chunki hozir energetikasiz sanoat, transport, qishloq xo'jaligi rivojlanishining biorita ham masalasini yechib bo'lmaydi. Hozirgi vaqtida jahon bo'yicha iste'mol qilinayotgan energiyaning 39,38% - neft, 25,84% - gaz, 24,77% - ko'mir, 8,98% - atom energiyasi va 1,03% - gidroelektor energiyasi tashkil etmoqda.

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach neft-gaz sanoatini rivojlantira borib o'zini neft va gazga bo'lgan ehtivojini to'la qondira oladigan va ayni vaqtida har yili 8 mlrd.m.kub. hajmdagi gazni chet elga eksport qilish imkoniyatiga ega bo'lgan jahondagi uncha ko'p bo'lмаган mamlakatlardan biriga aylanadi.

Bizning xalq xo'jaligimiz mustahkam energetika bazasiga ega bo'lishi uchun Prezidentimiz I.A.Karimov asosiy strategik vazifalarni belgilab berdi: neft va gaz kondensati qazib olishni ko'paytirish, neft va gazni qayta ishlash texnologik jarayonlarini chuqurlashtirish, yangi konlarni ochish orqali uglevodorod zahiralarini, eng avvalo uning suyuq zahiralarini ko'paytirishga erishish.

Q'o'llanmasini mualliflari o'quvchilarni «neft va gaz nima»,

«neft va gaz konlari qanday qidiriladi va ishlataladi», «neft va gazdan qanday foydalaniladi» kabi savollar bilan birga, dunyoning hozirgi ijtimoiy manzarasini shakllantirishda qazilma boyliklarini roli haqida alohida to'xtalib o'tishdi (neft va gaz qazib olish qanday ortmoqda, neft va gaz zahiralari odamlarga yetadimi, neft va gazning boshqa manbalati bormi, jadal qazib olishning oqibatlari nimaga olib keladi, kelajak energiyasi va h.k.). O'quv qo'llanmasi neft va gaz yo'nalishidagi kollej o'quvchilariga mo'ljallanganligi uchun mualliflar uning tuzilishini savol-javob tarzida bayon etishdi va berilgan materiallar bayonini soddalashtirishga harakat qilishdi.

Ammo ko'rilgan masalalarni muhimligi nuqtai nazaridan qo'llanmadan oliv o'quv yurtlarining talabalari ham foydalanishlari mumkin. Mualliflar umid qiladiki, mazkur o'quv qo'llanmasida har bir o'quvchi o'zi uchun qiziqarli va mulohaza qilib ko'radigan ma'lumotlarni, dalillarni topadi.

Mualliflar taqrizchilarga «O'zLITIneftgaz» OAJ bosh ilmiy hodimi, texnika fanlari doktori E.K.Irmatovga va texnika fanlari nomzodi, «O'ZBEKNEFTGAZ» milliy holding kompaniyasi boshqaruvi boshlig'i R.K.Sidiqxo'jayevga qimmatli mulohazalarini va takliflari uchun minnatdorchilik bildirishadi, chunki ularning mehnatlari tufayli o'quv qo'llanmasining sifati ancha yaxshilandı.

Nihoyat shuni ta'kidlash kerakki, tabiatning ko'p qirrali boyliklari jumladan neft va gaz to'g'risida hali ko'plab qo'llanmalar yoziladi. Bu tushunarli dunyo o'zgarayapti, dunyo haqidagi tasavvurimiz va tabiat hodisalari to'g'risidagi nuqtai nazarimiz o'zgarayapti.

Mualliflar o'quv qo'llanmasi sifatini yaxshilashga qaratilgan taklif va mulohazalarni bajonidil qabul qilishadi va oldindan minnatdorchilik bildirashadi.

1. ЕРНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Нефть ва газни ҳосиіл булиши муаммоси сайёрамизнинг ва Ердаги ҳаётнинг пайдо бўлиш муаммоси билан уйғуланиб кетади. Бу муаммо турли фап вакиллари, (кимёгарларни, микробиологларни, геологларни, астрономларни, физикларни ва бониқатарни) қизиқинини жаңб қилган ва ҳаяжонга солган.

Нефть ва газ сайёрамиз ҳаракатининг маҳсулидир, шунинг учун уни Ернинг тузилиши ва тарихисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ернинг массаси $6 \cdot 10^{21}$ т бўлиб, 88 та турли кимёвий элементлардан ташкил тошган. Ернинг таркибига кирган ҳар қандай элементнинг умумий микдори, унинг ўртача микдори қанча кам бўлса ҳам, улкандир. Ернинг катта қисмини кузатиб бўлмайди унинг юзадан үрганиладиган кесимишинг оғирлиги Ернинг умумий массасидан 5000 марта кам, 10 км чуқурликкача бўлган ҳар қандай элементнинг микдори жуда катта сондан иборатдир. Ернинг маркази асосан темир ва никелдан иборат бўлган металли ядродан; бу ядро эса магний ва темирга бой бўлган қаттиқ жинсдан иборат мантия қобиги билан уралган. Ернинг умумий массасини 99,6%идан кўпроғини ядро ва мантия ташкил этади. Мантия устида тўғридан-тўғри кузатиб бўладиган Ернинг устки қаттиқ қатлами жойланган. Ер массасининг 0,375%ини қаттиқ қатлам ташкил этади. Қатлам икки қисмдан иборат: бири океан сатҳидан юқори, иккинчиси океан остида ётади. Биринчи қисм денигизлар билан қошлиланган қитъалар атрофидағи энсиз зона билан биргаликда континентал нўст, иккинчиси океан нўсти дейилади.

Океан, кўл ва дарёлардаги сувлар, ердаги ковак ва ёриқтарлардаги сувлар, ҳамда ер сиртидаги тоғ жинсларидағи сувлар биргаликда гидросфера дейилади. Гидросфера Ер массасининг 0,025%ини ташкил этади. Ер массасининг атиғи 0,0001%ини ташкил этадиган

газсизон атмосфера бутун сандарниң иштегендеги туралы. Ер пүстининг юқори қисми гидросфера ва атмосфера турли хил үсүмлік ва ҳайвондарнинг яшаш жойи ҳисобланади. Ҳамма жошли манжудот биосфера дейилади. У Ер массасининг таҳминан 0,0000003%-нин ташкил этади. Биз Ернинг түрлітә тапки қобиғидаги нұстистар – Ер, гидросфера, биосфера ва атмосферадағы ресурслардан (бойликлардан) фойдаланамыз. Мантия ва ядро ҳали шунчалық үрганилмаганки, уларни ҳатто потенциал бойлик манбалари сифагида ҳам қараб бўлмайди.

Ер пүсти

Минерал бойликларнинг асосий қисми ер пүстидан олинади. Ер пүсти, гидросфера ва атмосферадан кўп жиҳатдан жиљдий фарқ қиласи. Ер пүсти асосан минераллардан - үзига хос хусусиятга эга бўлган ва одатда содда бирималлардан пайдо бўлган қаттиқ кристаллардан тузилган.

Денгиз тубининг таркибини текширип айча мураккаб, аммо ҳозир океан пүстидаги жинслар таркиби старлича яхши үрганилган. Океан пүсти кальций, магний, темир, алюминий ва кремнийлар билан бой бўлган минераллардан ташкил топган. Бу минераллар денгиз тубига отилган лаваларнинг совуши натижасида ҳосил бўлган. Лавалар эса базальт деб аталувчи төғ жинсларини ҳосил қиласи. Океан пүсти сув окимлари, атмосфера, харакатдаги муз ва шамол таъсирида ҳосил бўлати. Бундай материалнинг катта қисми қитъаларда ва континентал чеккалардаги денгиз ҳавзаларининг чукиб кетган континентал чеккаларида қолади. Вакт утиши билан ҳосил бўлган ётқизиклар қатлами ортиб боради ва кагтароқ чуқурликка чукиб, натижада юқорида ётган ётқизиклар босими үсиб боради ва ҳарорат кўтарилади, бу эса материалнинг физикавий ва кимёвий жиҳатдан шакл үзгаришига олиб келади. Тогнинг ҳосил бўлиши жараённида ҳам ҳарорат ва босим ошиши мумкин, бунда континентал

иўстнинг ҳаракатлари тоғ жинслари блокларининг тўқнашувига, уларнинг зичлапшувига ва ўзгаришига олиб келади. Натижада вужудга келган мстаморфик жинсларга қараб, уларни чўкиди ёки отилиб чиқсан жинслардан ҳосил бўлганини айтиш мумкин. Сиқилган чўкиди жинслар етарли даражада чукурроқ чўкканида, уларнинг эриши бошланади – магма ҳосил бўлади. Бундай ҳолат асосан сув остида юз беради, фақат баъзи оролларда, масалан, Гавай ёки Исландия оролларида базальт лавалари қуруқликка тарқалади, сўнгра эрозия ва шуран таъсирига учрайди.



Континентал нўст бутун Ер пўсти массасининг ярмидан сал кўпроғини ёки Ер массасининг тахминан 0,29%ини ташкил этади. Ер пусти, Ер мантиясининг энг юқориги қисми билан биргаликда *литосфера* дейишиб, у қаттиқ ва мўрт жинсларнинг 100 км қалинликдаги зонасидан иборат.

Литосфера Ер қобиининг пластик қисмидаги эҳтимол, мантияниң суюқ қисми – *астеносфера*да ётади деб тахмин қилинади (1.1-расм). Литосферанинг тури қисмларининг зичлилик хусусиятлари, нима учун океан ҳавзалари улардан баландла турган қитъалардан пастда жойлашгандигини тушуниришга имкон яратади.

Океаник пўстнинг жинслари қитъа жинсларига қараганда анча зичроқлир. Уидан ташқари Ер гидросферасида, сайёра сиртидаги океаник пўстнинг кўпроқ ботини натижасида ҳосил бўлган чукурликлардаги сувга қараганди; бир мунча кўп сув бор. Шунинг учун океан сувлари қитъа чеккаларини кўмали, бунда континентал пўстнинг баъзи бир қисмлари сув остида қолади, бу қисмлар *континентал шельф* ва *континентал ёнбагир* дейилади.

1960-йилларда Ернинг қаттиқ устки 100 километри – мўрт литосфера – пластик астеносфера сиртида оҳиста сирғанини, улар билан бирга қитъалар жойини ўзгартириши исботланган эди. Литосфера олтига жуда катта ва бир нечта майдароқ блокларга

бўлингани, бу блоклар *плиталар* дейилади (1.2-расм), бунда ҳар бир плита озрок ёки кўпроқ эркин ҳаракат қиласиди.



1.1-расм. Ерниг турли қобигларини кўрсатувчи кирқимлари:

Ерниг континентаи қисмииниг қалинлиги 60 км гача бўлиб ўртача қалинлиги 30 км ни ташкил қиласиди. Океаник пўсти юнқа (такминан 10 км), бундан ташқари континентал пўстдан кимёвий таркиби ҳам фарқ қиласиди; б - Ерниг асосий уч қобиги: ўнга - тошли пўст, мантия ва металл ядро, чаңда - физикавий хусусиятлари буйича ажralадиган қаттиқ ва мўрт литосфера, пластик ва енгил деформацияланувчан астеносфера ва оратиқ хусусиятли мезосфера.

Гидросфера

Ер сиртидаги ва унинг атрофидағи ҳамма сувлар, музликлар ҳамда сув буқлари *гидросферага* киради. Маълум даражада гидросфера атмосфера

билин ҳам, ер шусти билан ҳам ўзаро таъсирда бўлачи, бунда Ер шусти билан ўзаро таъсирга киришганда муҳим воқеалар (ҳолисалар)ни келтириб чиқарувчи реакциялар бўлачи – тоғ жинслари нураши, дентиз сувларининг шўрлигини ошиши, ҳамда дарё ва кулуқчардаги ичимлик сувининг таркиби шакланади.

Гидросферанинг энг катта бойлиги сувдир, аммо Ернинг бу қобигида сувдан ёшқа яна бир қанча муҳим бойликтар мавжуд. Ер сиртининг 70,8% ини эгаллайдиган ва ургача чукурлиги 3,96 км булган оксанлар тоғ жинсларидан ва қитъалардан чиқариб ташланган түпроқдаги шунингдек, сув ости вулқонларидағи газлар таркибидаги эрийдиган моддалар резервуар ҳисобланади.

Атмосфера

Атмосфера ҳаџаи ташқари аралапиб кетган булиб, ҳамма ерда деярли бир хил таркибга эга; ундан ташқари уни гўлиқ гадқиқот қилип имконияти бор. Атмосфера таркиби писбатан одий булиб, етарли даражада аниқдир. Атмосферадаги газларни баъзи гаркибини баҳолар эканмиз, биз яна “захиралар” тоифасидан фойдачанишимизга туғри келади.

Учта газ – азот, кислород ва аргон – атмосфера ҳажмининг 99,9% ини ташкил этади. Азотнинг микдори энг күп булиб ўчит учун зарурый таркибларга эга. Кислород ва аргон ноёб газ – неон, ксенон ва крионилар каби газлар атмосферадан жуда кам микдорда ажратиб олинади. Бу газлар атмосферадан узлуксиз олинмайди, шунинг учун уларни қайта тикланувчи ресурслар дейиш мумкин. Биз ишлатадиган уларнинг микдори шунчалик камки, бу “олиш” атмосферанинг умумий таркибига деярли таъсир қилмайди.

Атмосферадан олинадиган элементларга писбатан Ернинг газ қобиги амалда чексиз маңба ҳисобланади.



1.2-расм. Ернинг асосий литосфера плиталари.

Сирединг зоналарида юқори мантиядан магма күтарилади, қотади ва яғы литосферапи ҳосил қиласы; субдукция зоналарида битта литосфера плитаси бошқасини остига кираади ва астеносферага ютилади. Трансформли бузилишлар - бу плитадаги ёриқлар, улар бүйлаб ажраған алохидә қисметарниң бири-биридан нисбатан сиңижинидан юз беради. 1-сирединг зоналари; 2-субдукция зоналари; 3-трансформли ёриқлар; 4-аниқтанмаган чегаралар.

Ер қатламидағи барча коңлар бир ёки бир нечта геокимёвий давр (цикл) натижасыда шақталғандыр. Уларни ургапиши натижасыда күплаб мұхим хуносаларни чиқариш мүмкін. Чүкинді жинсларниң ётиш чукурлігі платформа обласында 2–3 км оралықда, континентал ботиқцикларда 12 км таға үзгәради. Улар тошға айланған қадимғи ҳайвоны ва үсимшілдерни күміб қатламларни хронологик кетмектикада ҳосил қиласылар, натижада (1.3-расм) палеонтолоғик жағынан жаңынан анықталған тектоникалық қарастырылғанда өзара қарастырылғанда өзара


түнгизини давомийлиги таҳминан 500 млн йилни, яъни Ер тарихининг 10% ини ўз ичига олади.

Чукинди қатламда ётган суюқлик ва газларнинг босими одатда Ер сирти сатҳидан ўлчалган сув устунининг гидростатик босимига тенг бўлади. Ёник қатламлардаги босим гидростатик босимдан юқори бўлиб, геостатик босимга яқиндир. Чуқурликнинг ўсиши билан жинсларнинг зичлиги ортали ва қатламлардаги босим катталашади. Чуқурликнинг ўсиши билан ҳарорат ҳам кўтарилади.

Ер сиртининг ҳарорати 0 дан + 80°C гача ўзгариб туради. Чуқурликнинг ўсиши билан ҳарорат ўзгариши тез йўқолади. 1 м чуқурликда ҳароратнинг кунлик тебраниши, 15-20 м чуқурликда эса йиллик тебраниши йўқолади. Бу чуқурлик ҳароратнинг пейтрайт қати дейилади. Жуда катта чуқурликларда ҳароратни тұғридан – тұғри ўлчаб бўлмайди, шунинг учун геологлар ҳисоблаш усулларидан фойдаланадилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ер сайёраси қандай тузилган?
2. Ер пусти нима?
3. Гидросфера нима?
4. Атмосфера нима?
5. Хронологик жадвал нима?



1.3-расм. Геохронологик жадвал

2. НЕФТЬ ВА ГАЗ НИМА?

Нефть ва газ тоғ жинсларицир. Улар қум, гил, оқактош, тош тузи ва бошқалар билан биргаликда чукинди жинслар гурухига киради. Биз жинс деганда Ер пустини ва Ернинг янада чукурроқ остини ташкил этувчи қаттиқ моддаларни тушуниб ўргантанмиз. Лекин, суюқ, ҳатто газсимон жинслар ҳам бор экан. Нефть ва газнинг асосий хоссаларидан бири уларнинг ёниш хусусиятидир. Торф, қўнгир қўмир ва тош қўмир, антрацит ва бошқа бир қатор чукинди жинслар ҳам шундай хусусиятга эга. Ёнадиган ҳамма жинслар *каустобиолит* деб ном олган маҳсус оиласага киради (каустобиолит грекча суз булиб, “каустос” – ёнадиган, “биос”- ҳаёт, “литос”- тош, яъни ёнувчи органик тош демакдир). Булар орасида қўмир қаторли ва нефть қаторли каустобиолитлар мавжуд, нефть қаторлари *битум* дейилади. Мана шу битумларга нефть ва газ киради.

Барча каустобиолитлар таркибида турли нисбатда углерод, водород ва кислород мавжуд. 2.1-жадвалда ёнувчи жинсларнинг асосий элементлари келтирилган.

2.1-жадвал
Ёнувчи жинсларнинг асосий элементлари


Каустобио литларнинг турлари	Жинслар	Асосий элементлар микдори, %			С/Н
		C	H	O	
Кўмирли	Антрацит	94,0	1,5	1,0	63,0
	Тош қўми	86,4	5,0	8,6	17,0
	Қўнгир қўмир	69,9	6,4	23,7	10,9
	Торф	63,8	6,5	29,7	9,8
Нефти Битумлар	Нефть: Отир	86,4	13,1	0,5	6,5
	Енгил	84,3	14,0	1,7	6,0

Нефть кимёвий жиҳатдан углеводород ва углеродли бирикмалардан тузилган мураккаб аралашма

булиб, қуидаги асосий элементлардан иборат: углерод (84-87%), водород (12-14%), кислород, азот ва олтингугурт (1-2%), олтингугурт баязан 3-5% таңа ортади. Нефталарда одатда углеводородлы, асфальтен смолали, парафинли, олтингугуртли ва кулзол қисмлари ажратилади.


Нефтнинг асосий қисмими учта углеводородлар гурухи ташкил этади: метанли, наftenли ва ароматик.

Метанли УВ (алканли ёки алканлар) кимёвий жиҳатдан анча барқарор бўлиб, улар тўйинган УВ тегишли ва C_nH_{2n+2} формулага эга. Улар қуидаги структурага эга:




Агар молекуладаги углерод атомлари сони 1 дан 4 гача бўлса (CH_4 – C_4H_{10}), у ҳолда УВ газ ҳолатда, агар 5 дан 16 гача бўлса (C_5H_{16} - $C_{16}H_{34}$), УВ суюқ ҳолатда ва 16 дан юқори бўлса ($C_{17}H_{36}$ ва хоказо), қаттиқ ҳолатда (масалан, парафин) булади.

Нафтенли (цикланли ёки алициклик) УВ (C_nH_{2n}) бўғим – бўғим тузилган, шунинг учун бу ерда ҳам уларни карбоциклик биримларни ҳам дейишади.



Кўриб турибмизки, углероднинг водород билан ҳамма боғланишлари бу ерда ҳам тўйинган, шунинг учун нафтенли нефтылар ҳам барқарор хоссаларга эга.

Ароматик УВ ёки аренлар (C_nH_n) таркибида водород жуда кам. Унинг молекуласи углерод билан түйинмаган боғланишли ҳалқа күринишига эга шунинг учун улар түйинмаган ёки чекланмаган УВ дейилади. Шу сабабли уларнинг кимёвий жиҳатдан бекарорлиги келиб чиқади.



Нефтнинг асфальтен-смолали қисми тим қора рангдаги модда. У қисман бензиңда эрийди. Эриган қисми асфальтен, эримаган қисми *смола (қатрон)* дейилади. Нефть таркибидаги смоланинг умумий микдорида 93% гача кислород бўлади.

Порфириналар – органик келиб чиқсан ўзига хос азот бирикмалариридир. Улар усимликларнинг хлорофилларидан ва ҳайвошларнинг гемоглобинларидан ҳосил бўлган деб хисобланади. Порфириналар 200-250°C ҳароратда парчаланади.

Олтингурут нефть ва углеводородли газларда жуда куп булиб, эркин ҳолда, ёки бирикма күринишида (водород сульфид, меркаптанлар) бўлади. Унинг микдори 0,1 дан 5% гача ўзгаради.

Золь(кул) қисми нефть ёндирилгандан кейин колган қолдик. У гурли минерал бирикмаларидаи, купроқ темир, никель, ваниадий, баъзан натрий тузидан иборат.

Нефтни таснифлашда асос қилиб унинг кимёвий таркиби олинади. Нефть күнинча ундаги УВ турига қараб бўлинади. Масалан, метанли нефть (метанли УВ 65% дан кўн), нафтенли нефть (нафтенли УВ 66% дан кўп), нафтенли – метанли ва ароматли нефтлар мавжуд. Нефть ундаги парафин,

олтингугурт, асфальтен ва смолага қараб ҳам тасниф қилинади.

Бундан III аср илгари “газ” сузи нүқ эди. Уни биринчи марта XVII асрда голландиялик олим Ван-Гельмонд киритган (тахминаш грекча “хаос” сузидан). У қаттиқ ва суюқ жисмлардан фарқли равишда (одатдаги шароитларида) ўз хоссаларини сакрашсиз узгартирмасдан бутун бўшлиқда бемалол тарқаладиган моддани англатар эди. Шундан бери “газ” сузи дунёнинг ҳамма асосий тилларига кириб келган.

Биз фақат турмушда ва саноатда ёкилғи, кимё саноатида хом ашё сифатида кенг қулланиладиган углеводород газларини кўриб чиқамиз.

Углеводород газларици, келиб чиқишига караб икки гурухга ажратиш мумкин: а) табиий, яъни Ер остида ҳосил булған, б) қаттиқ ёки суюқ ёнилғидан олинадиган сунъий газ.

Табиий газ метан қаторидаги турли углеводородлар ҳамда ноуглеводород компонентлар - водород сульфид, гелий, азот, карбонат ангидрид ва бошқалар бирикмасидир.

Ҳамма углеводород газларининг таркиби асосан метан ва метандап CH_2 (метилен) гурухи билан фарқ қилувчи, метан гомологлари ҳисобланувчи, мураккаброк углеводород гурухларидан (этан, пропан, бутан, пентан ва бошқалардан) иборат.

Углеводородлар – метан (CH_4), этан (C_2H_6), пропан (C_3H_8) ва бутан (C_4H_{10}) – рангиз газлардир; углероднинг 5 дан 16 тагача атомига эга бўлган углеводородлар атмосфера босимида ва мультадил ҳароратда суюклиkdir. Углероднинг 16 тадан купрок атомига эга бўлган углеводородлар (пентадекандан бошлаб) қаттиқ моддалардир (масалан парафин).

Нефть булмаган қатламларда ёгувчи углеводород газлари, газчиларнинг ва нефтчиларнинг атамаси буйича табиий газ (эркин газ), уларнинг конлари эса – газ конлари дейилади. Нефтда эриган ва нефти қазиб олиш жараённида ундан ажralиб

чиқадиган углеводород газлар нефти газ ёки йулдон газ дейилди.

Газконденсатли деб шуидай газ конига айтиладики, босым камайтирилгандынан ундан чиқкан газдан суюқ углеводород фаза – конденсат ажралиб чикади.

Газ конларидан чиқкан газ асосан (ұажм буйича 90% дан ортиқ) метандан әзборат (2.2-жадвал).

Газда конденсаттинг таркиби 10 дан 350 г/м³ гача, айрым конларда эса 800 г/м³ гача булиши мүмкін.

Табиий газнинг ноуглеводород таркибига азот, карбонат ангирид гази, водород сульфид, аргон, гелий киради, баязан водород ва симоб учрайди; CO₂, куп ҳолларда 3%дан юқори, баязан эса 10-15% гача булиши мүмкін. Гелий микдори одатта фоизнинг юздан ва мингдан бир улушларини ташкил этади. Гелий микдори 5-8% булган конлар сони саноқлидір.

Водород сульфид микдори 0 дан 6% гача үзгәради. Жуда катта чукурликлардаги уюмларда таркибіде водород сульфид 25% гача ва ундан ортиқ булган газлар ҳам маълум.

Водород сульфид таркибіде булган конларга ишлешдеги Уртабулоқ ва Муборак газ конлари мисол булади.

Бу конлардаги газларда водород сульфид микдори ұажм буйича 3 дан 4,9% гача үзгәради.

Гелий ва водород сульфид табиий газнинг жуда кимматли ноуглеводород компонентларидір.

Водород сульфид ва карбонат ангирид гази асбоб-ускуналарни (жиҳозларни) емиришга олиб келадиган тажовузкор элементлардир.

2.2-жадвал

Баъзи конлардаги табиий ва нефтыли газларнин таркиби.

Конлар	Коннинг ётиш чукурлиги, м	Метан	Этан	Пропан	Бутан	Пентан + юкори	Карбонат аниидрит	Азот + ноёб газлар	Водород сульфиц	Газдаги конденсат ингикдори, г/м ³
Газ конденсатлы уюmlар										
Уртабулок	2185	88,0	1,4	0,37	0,15	0,21	4,7	0,1	5,0	11,6
Шурған	3100	89,9	4,10	0,93	0,37	1,03	2,72	0,72	0,08	58
Одамтош	1750	78,8	8,1	3,7	1,9	3,4	1,8	2,2	0,28	163
Нефтьсгазконденсатлы уюmlар										
Жапубий Кемачи	2500- 2600	8,15	10,31	3,26	0,73	1,60	3,35	0,56	0,04	43
Умид	2500- 2600	90,8 7	3,62	0,85	0,32	0,52	3,20	0,55	0,07	56
Курук	2400- 2500	87,9 0	5,41	2,12	0,56	0,73	1,15	0,87	1,18	20
Нефтили уюmlар										
Шимолий Уртабулок	4100- 4300	78,0	10,6	5,5	2,8	1,8	0,6	0,7	-	-
Шаркий Ташли	1100	59,9	18,1	10,3 5	4,95	3,28	1,22	2,20	-	-
Наманган	3570	44,1	16,3	15,1	9,3	11,8	0,4	3,0	-	-

Назорат саволлари.

1. Каустобиолитлар нима?
2. Нефтьининг кимёвий таркиби ҳакида гапириб беринг.
3. Метанли, наftenли ва ароматли углеводородлар нима билан фарқ қиласи?
4. Табиий газнинг кимёвий таркиби ҳакида гапириб беринг.
5. Табиий газдаги ноуглеводород компонентларининг узгариш чегараси қандай?

3. ЁНУВЧИ ГАЗ – ҚАНДАЙ ГАЗ?

Газ ёқилғининг энг яхши турдидир. Газ тутусиз ва қурумсиз ёниши, ёнгандан кейин кул қолмаслиги, истеъмолчига етказишининг арzonлиги ҳамда осонлиги шунингдек сиқилған ҳамда ва суюлтирилғаш ҳолада сақлаш мүмкінлиги, зааралы моддаларининг йүқлигиги, ёкиш ва ёним жараёници бошқарип осонлиги, ёнін фойдаланыладиган курилмаларни фойдалы или көэффициентининг катталиғи билан ажралиб туради.

Газни қазиб олишда бопқа турдаги ёқилғиларни-күмир, торф, нефтерни қазиб олипта сарфланадиган маблагта нисбатан кам маблаг кетиши катта ахамиятта әтга.

Агар күмирни қазиб олипта сарфланадиган маблагни (ёқилғининг шартты 1 тоннаси ҳисобида) 100% десак, газни олипта маблаг факат 10%ни ташкил этади.

Газ ёқилғи сифатида катта микдорда ишнатылади, у күмир, мазуг (қорамой) каби ёқилғиларни бутунлай ёки қисман үрнини босади ва кимё саноатида асосий хомаштө ҳисобланади.

Үй жойларни газлаштириш, халқнинг маший турмуш даражасига катта таъсир қылади, бу ёқилғининг бундай арзон ва қулай турдан фойдаланувчи Республикализнинг ҳар бир яшовчиси буни доимо сезиб туради.

Күмир, үтип ва бопқа қаттік, шунингдек, суюк күриништаги ёқилғилар ёнганда атмосферага катта микдорда тутун, курум, ёқилғининг ёнмаган заррачалари, сульфид ангилирид ва бопқа зааралы моддалар чиқади. Теварак-атроф күл, шлак ва уларнинг чанглари билан ифлосланади. Ёқилғининг ёниши натижасида катта микдорда ҳавога чиққан зааралы моддалар, айникса йирик саноат марказларида ҳаво таркибини кескин үзгартыради, заһарловчи моддалар концентрациясини күшинча уларнинг кипишилар соғлигига таъсирининг йүл күйилши мүмкін чегарасига яқинлаштиради.

Атмосферада заңарли моддалар концентрациясининг йўл қўйиши мумкин бўлган максимал чегараси қатъий санитар меъёрлари билан чеклашган, масалан, 1m^3 ҳавода углерод икки-оксиди 3,0, сульфити анидриди, 0,5 азот оксидлари 0,085, заңарли бўлмаган чанглар 0,5, қурум 0,15 граммгача чекланган. Ёқилгининг асосий истеъмолчилари, демак ҳаво ҳавзасини ифлослантирувчи бош “айбдор” саноат корхоналари, электр станциялари ва транспорт экан.

Каттиқ ва суюқ ёқилгини газсимон ёқилғига алмаштириш буг қозон курилмаларидан чиқаётган чиқинди газлар таркибидағи заңарли моддалар-қурум, сульфит анидриди, углерод икки оксидларини камайтиради. Масалан, агар кўмир ёқилганда атмосферанинг ифлосланиши 100% десак, қорамой ёқилганда ифлосланиши 60%, газ ёқилганда эса фақат 20% ни ташкил этади.

Катта унумдорликдаги буг қозонларида турли ёқилғигарнинг ёниши натижасида атмосферага чиқиб кетадиган зарарли моддалар микдори қўйидаги 3.1-жадвалда берилган (g/cm^3 ҳисобида):

3.1-жадвал

	Кўмир	Суюқ ёқилғи	Табиий газ
Қурум, чанг	0,6-3	0,07-0,35	0,07-0,0035
Сульфид анидрид	1,07-7,7	0,7-4,0	Қолдик
Азот оксидлари	0,25- 2_{+2}	0,2-1,1	0,8-1,7
Углерод икки оксида	0,004	0,056	0,015

Электр станцияларини, буг қозоңларини саноат корхоналарини ва хонадонларни табий газга үтказиш ҳавонинг ва аҳоли япайдиган пунктлар атроф-муҳитини ифлослантириши анча камайтиради.

Шунни айтиб үтиш керакки, табий газга үтгандан сўнг ва кокс омборларида ҳавони тозалаш қурилмаларининг зарурияти йуқолди, бу қурилмаларниң ўзлари ҳам ҳавони ифлослантириши манбаи эди, натижада бу корхоналарда ишлаш шароитлари яхшиланди.

Газни ҳар бир истеъмолчига қувур орқали ҳар доим ҳам бериб бўлмайди. Биринчи сабаби – унча катта бўлмаган аҳоли пунктларини газ қувури үтган трассаларда жойлашмаганилиги бўлса, иккинчи сабаби – асосий газ қувури ётқизилмаган йирик шаҳарлардир. Ва ниҳоят, ҳар бир майдага истеъмолчига газ қувури үтказиб бўлмайди. Бундай ҳолда шима қилиш керак? Чораси тонилди. Исталғаш истеъмолчига хоҳлаган вактда газни суюлтирилган ҳолда етказиб бериш мумкин. Табиятниң үзи газни шундай хоссаларга эга қилиб яратган.

Одатда суюқ газ деганда суюлтирилган пропан ва бутан тушунилади. Пропан ва бутан йўлдош (нефть) газлари, газ конденсати контаминацияни чиқағиган табий ёғли (мойли) газлар ва нефтии қайта ишлашдан чиққан газлар таркибига киради. Суюлтириладиган газларниң мухим хусусиятларидан бири унинг сиқилувчанилигидир, яъни газсимон ҳолатдан суюқ ва аксинча ҳолатга нисбатан тез үтишидир. Суюлтириладиган газниң асосий компонентларини – пропанни ва бутанини суюлтириш учун уларниң босими ва ҳароратини бироз ўзгартириш етаришидир. Пропан 25°C ва 1 МПа босимда, ҳамда 45°C ва 15 МПа босимда суюқ ҳолатга үтади; бутан эса 25°C ва 0,2 МПа босимда, ҳамда 45°C ва 0,4 МПа босимда суюқ ҳолатга үтади. Пропан – бутан аралашмаси хона ҳароратида ва 0,3-0,5 МПа босимда суюлади.

Суюқ газлар ҳажми, сувдан фарқли равинида, юқори ҳароратда ортади. Масалан, ҳарорат - 12°дан + 25°C гача күтарилғанда пропан ҳажми таҳминан 11% ортади.

Суюлтирилған газнинг афзалиги шундаки, у суюқ ҳолатда транспорт қилинацца ва сақланади, газ ҳолатда эса ишлатылади. Масалан, суюлтирилған газ үз ҳажмининг таҳминан 1/250 қисмими ишғол қилади (пропан - 1/269, бутан - 1/235).

Суюлтирилаған газларнинг бундай “икки хиллиги” транспортда ташину ва сақлаш (ҳажми катта әмас) қулайлигига, ҳамда шохобчали газларни истеъмолчиларга тарқатиш ва ёкишда афзаликларга этадир.

Суюлтириладиган газларнинг яна бир афзалиги уларни ёкқанды юқори иссиқлик берисидир. Пропан ёнгандаги энг кам иссиқлик 87,2 минг кЖ/m³, буганники эса 113,2 минг кЖ/m³ ташкил этади (3.1-жадвал). Суюлтирилған газнинг ёниш иссиқлигиги табиий газнинг ёниш иссиқлигидан 3 марта күп. Масалан, ташқи диаметри 0,3 м, баландиги 0,47 м бўлган баллонда 10 кг суюлтирилған газ бўлағи, бу газ буёланганды пропан-бутандан 5m³ буғ ажралади, бу буғнинг ёниш иссиқлиги 48 минг кЖ тенг. Битта оиласи овқат пипириши ва сув иситини учун 1 ойга бундай баллондан иккитаси старлидир.

Суюлтирилған газнинг бопиқа ёқилғилардан муҳим афзаликларидан яна бири уларда олтингурутнинг йўклигидир, бу эса газ ёнганды ҳавода заҳарли аралашмаларнинг анча пасайишига олиб келади.

Суюлтирилған газ юқори антидетонация хоссаларига эга (пропан – бутанинг октан сони 120), шунинг учун улар транспортда ёнилғи сифатида ҳам ишлатылади.

Суюлтирилған газларни - 35°дан + 45°C гача ҳароратда ишлатиш мумкин, аммо қиши мавсумида табиий буғланиши тапқи қуришмаларда буган

қўлланилмайди, чунки буган наст ҳароратда буғланмайди.

Табии газни магистрал қувурларидан узокроқда жойлашган районлардаги истъмолчилар суюлтирилган газни алоҳида-алоҳида ишлатилишлари мумкин.

1000 кишини суюлтирилган газ билан таъминлаш учун ўрта ҳисобда 14 минг тонна металл, табии газ билан таъминлаш учун 39-500 минг тонна металл сарф қилинади. Суюлтирилган газ билан таъминлашга кетган солиштирма харажаг табии газ билан таъминлашга кетган солиштирма харажатдан 1,8-2,2 марта кам бўлади.

Хозирги вақтда суюлтирилган газни ишлаб чиқарип газ саноатинини алоҳида кичик тармоғи сифатида ривожланиб бормоқда.

Пропан ва буган газни қайта ишлани заводларида йўлдош газларни ва газ конденсат конлари газларини ажратиш йўли билан олинади.

Суюлтирилган газларни олишнинг асосий манбаи нефтни барқарорлантиришидир. Нефть конларида нефтдан йўлдош газ ажратилгандан кейин ҳам газнинг бир қисми эриган ҳолда нефтда қолади. Шунинг учун нефть конларида қўшимча қурилмалар қурилган булиб, уларда таркибида эриган газ бўлган нефть, унда қолган барқарор бўлмаган газни бензинни ажратиб олиш учун барқарорлаштирали, газни бензин таркибида эса катта микдорда мстан-буған фракцияси мавжуд.

Аммо суюлтирилган газларниң ярмидан кўни нефтни қайта ишлап заводларида олинади. Уларниң таркиби заводда қабул қилинган жараёнга боғлиқ.

Суюлтирилган газлар етказиб берувчи заводлардан базаларга ва газ тўлдирувчи станцияларга босимни ёки изотермик сигимли идиниларда олиб борилади. Олиб бориш учун маҳсус темир йўл ёки автомобил цистерналаридан ёки кема-танкерларидан транспорт воситасида фойдаланилади.

Йирик истеммолчилар, масалан, ким ё заводлари стказиб берувчи заводлардан узокда бўлмаса, улар кувур орқали суюқ газ билан таъминланади.

Маиший истеммол, автомобиль транспорти ва майда корхоналар эҳтиёжи учун мўлжалланган суюқлаштирилган газ базалардан ва газ тўлдирувчи станциялардан тарқатилади.

Етказиб берувчи - заводларда, базаларда, газ тўлдирувчи станцияларда ва истеммолчиларда суюлтирилган газларни сақлаш учун ҳажми $25\text{-}200\text{m}^3$ бўлган цилиндр резервуарлардан фойдаланилади. Етказиб берувчи - заводларда кўпинча ҳажми 4000 m^3 бўлган сферик резервуарлардан фойдаланилади. Ювилган тузли ётқизикларда ер ости резервуарлари яратилади.

Назорат саволлари.

1. Газнинг бошқа ёқилғилар олдидаги асосий афзаликларини айтинг.
2. Нима учун суюқ газ ишлатилади?
3. Суюлтирилган газларнинг хусусиятларини ва бошқа ёқилғилардан афзалик томошларини айтинг.
4. Суюлтирилган газлар маибалари ҳақида нималарни биласиз?
5. Суюлтирилган газ қандай сақланади ва истеммолчиларга қайси тарзда тарқатилади.

4. НЕФТЬ ВА ЁНУВЧИ ГАЗЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Нефть ва ёнувчи газларнинг келиб чиқишини тушунгирисида асосан иккита концепция бўлиб, улар 100 йилдан ортиқ бир-бирига қарама-қарни келмоқда. Уларнинг бирини вакиллари - органиклар - нефть ва табиий газ ер пустининг чўкинди қоплама қисмида қадимги деңгиз ва кўшларда яшаган ҳайвон ва ўсимликлар қолдиқларини узоқ вақт давомида чукур ўзгариши (чирини) натижасида ҳосил бўлган дейипшади. Уларнинг муҳолифлари - ноорганик назария тарафдорлари - нефть ва ёнувчи газ, ер мантиясида ноорганик йўл билан ҳосил бўлганилигини исботламоқчи бўладилар. Биринчи концепция органик ёки биоген (грекча «биос» - ҳаёт, «генезис» - келиб чиқиш), иккинчиси ноорганик ёки абиоген (грекча «а» - но маъносида) дейилади.

Афсуски нефтини ва ёнувчи газни қандай ҳосил бўлганилиги ҳақида ҳанузгача бир аниқ жавобга эга эмасмиз.

Шу билан бирга, бу саволнинг тўғри жавобига бошқа муҳим савол жавоби ҳам боғлиқ, нефть ва табиий газ конлари қаерда ҳосил бўлади? Улар Ер пустининг қандай аниқ нуқталарида кўп тушланган? Нефть ва газ конларини излаш ва қидириш ишларининг кенг ривожланиши билан бу саволлар алоҳида долзарб ва амалий аҳамият касб этади. 1932 йилда академик И.М. Губкин: «Нефть ҳосил бўлинни жараёни ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлганимиздагина», ер қатламида қандай қилиб нефть уюмлари ҳосил бўлганилигини билиб оламиз ва қаерларда нефтини излаш кераклигини ва уларни излашни мақсадга мувофиқ қандай амалга ошириш ҳақида аниқ кўрсатмалар оламиз деб ёзган эди. Ҳозирги вақтга келиб геологлар нефть ва табиий газ конларини излашнинг назарий асосларида катта ютуқларга эга бўладилар. Нефть ва ёнувчи газни ўрганишини ташкил этишда фан катта ютуқларга

Эришиди, аммо улар тұғрисида ҳали бақсلى ва аникланмаган муаммолар жуда күп. Шунинг учун, амалийётчи - нефчилар орасида изгөв-қидирав жараёнининг боп таркибий қисми бурғулап экашығи ҳақидағи фикр ҳали ҳам сақтаниб қолмокла.

Нефтнинг келиб чиқиши муаммосига олимлардан бириңчи булиб М.В.Ломоносов әътибор қаратди.

XVII асрнинг 50-жылари бопшарыда у нефть ноорганик йүл билан келиб чиққанни таъкидлағы. Аммо 1763 жылда М.В. Ломоносов үзининг "О слоях земных" номлы машхур асарида нефть ҳақида: «Ер остидаги иссиқлик натижасида ҳосил бұлағтаң тош күмирлардан үша құнғир ва қора мойти молда Ер остидан ҳайдаб чиқарылади, ҳамда куруқ, нам ва сув билан тұлдырылған түрли тенік ва көвакларға түшади...», күмир үсімшік қолдиклардан ҳосил бұлғанлиги сабабли нефтиң ҳам шу үсімшіклардан келиб чиқкан деб өзгән зи. М.В. Ломоносов, нефтнинг зияннан кичиғиги билан бу нүктай назарни асослаб берган. У юқоридай асарида: «Үша әнувчи ер ости молдаларининг үсімшіклардан келиб чиққанligiga уларнинг сиғышындаға қараб иионч ҳосил қилип мүмкін деган зи, чунки ҳамма минераллар сувда чұкади, нефть эса унда сузади.» М.В. Ломоносовнинг бу ини билан нефть ва әнувчи газдарнинг органик йүл билан пайдо бұлғанлиги ҳақидағи концепция тарихи бошланады.

Нефть ва әнувчи газдарнинг келиб чиқинини органик концепцияси ташқи мухолиф - ноорганиктар билан ҳам, ички мухолифлар билан ҳам кучли кураш натижасида ривожланди ва такомильтанды. Органик тарафдорлар орасида ҳам гоҳ-гоҳ жиһдій бақслар юзага келганды. Масалан, нефть учун бошланғыч молда үсімшік бұлғанми ёки ҳайвон организмларыдан ҳосил бұлғанми деган тортишув қизғын бұлған. Натижасида нефть ҳам үсімшіклардан, ҳам ҳайвонлар қолдикларыдан ҳосил бұлған дегендар ютиб чиқкан. Тортишувға сабаб бұлған яна бир мавзу - нефтнинг



ётиш жойидир. Баъзи бир олимлар нефть ўзининг дастлаб (биринчи) ҳосил булган жойидаги уюмларда ётади деб ҳисоблайдилар. Бу тушунча лотинча «in silu» «яъни жойда» деб аталади. Қарама – қарши нуқтаи назардаги олимлар эса нефть аввал бир жойда ҳосил бўлган кейин, бошка жойда йигилган, яъни нефть иккинчи ётиш жойидаги уюмларда тўпландиган деб таъкидланган. Мана шу нуқтаи назар тўғри деб топилди.

Нефть ва табиий газларнинг органик келиб чиқиш концепцияси ўзининг ривожланиши даврида турли фанлар ютуқларига, биринчи навбатда геологик кузатишларга таянган. Муҳим далиллардан бири нефть ва табиий газларнинг маълум тўпландиган жойларининг 99,9% кўпроғи чўкинди қатламлар билан боғлиқ. Бу эса олимларни энг муҳим холосага келтирди. Нефть чўкиндиларнинг йиғилиш жараёни маҳсулни экан.

Геологлар эътиборни нефть ва табиий газлар конларини Ер қагламида потекис жойтанилдигига қаратдилар. Бу конлар чўкинди жинсларнинг аниқ мажмуалари билан боғлиқ.

Бунда айрим маҳсулдор мажмуалар бошқаларидан утказмайдиган жинслар (туз, ангириллар) деб аталувчи катта қалинликдаги мажмуалар билан ажралиб туради. Бу эса бир мажмуадаги нефть ва газларнинг бошқасига утмаслигини кенг миқёсда таъмиштайди. Нефть ва газ конлари кўпинча утказмайдиган жинслар билан уралган утказувчи жинслар линзаларда жойлашиши аниқланган.

Чўкинди жинслар таркибини бевосита ўрганиши натижалари жуда қизиқ бўлди. Ҳамма чўкиндиларда юкори архейдан бошлаб (яъни Ерда ҳаёт бошланган вақтдан) то ҳозирги чўкиндиларгача - ҳар доим тарқалган органик молдалар ва уларнинг ўзгарган маҳсулотлари бор. Жинслардаги органик молданинг умумий микдори чўкинди жинслар массасининг 0.2-0.9% оралиғида ўзгарилиши. Аммо чўкинди жинсларнинг жуда қалин қатламлари орасида органик молдалар

билаң бойиган жинсларнинг айрим қатламлари бор. Масалан, гил күмларга ва карбонатларга нисбатан уртacha 2-4 марта органик моддаларга бой.

Чўкинди жинслар таркибидаги органик моддалар нималардан иборат? Улар турлича таърифланиши мумкин хусусан моддани органик эритувчиларига; хлороформга, тўрт хлоридни, углеродга, бензолга, эфирга ва бошқаларга. Нисбатан таърифланиши мисоли ишлар жумласидандир. Улардаги моддаларнинг эрувчалик даражасига караб чўкинди жинсларнинг органик моддалари учта фракцияга бўлинали: битумоидлар, гуминали кислоталар ва кероген.

Битумоидлар - органик моддалар қисми бўлиб улардан органик эритувчилар таъсирида олинип мумкин.

Битумоидлар тарқоқ органик модда умумий ҳажмининг фоиз улушидан то 10-15% қисмини ташкил этади. Улар таркиби бўйича уюмлардаги нефть таркибига ўхшашиб. Уларда 5% дан 55% гача суюк ва қаттиқ углеводородларнинг учала гуруҳи мавжуд. Ҳамма тарқоқ органик моддаларда углеводородларнинг умумий микдори 0.05% дан 2% гача ўзгариб туради. Бу эса олимларни ушбу холосага олиб келди: чўкиндилар органик моддаларга қанча бой бўлса ва улардан олинадиган битумоид қанча юқори бўлса, улардан олинадиган углеводородлар шунча кўп бўлади. Гуминали кислоталар тарқоқ органик моддаларга ишқорли ишлов берини натижасида олинади. Тарқоқ органик моддалар умумий массасининг 15-20% - гуминли кислоталардир. Органик модданинг эримайдиган колидиги **кероген** дейилади (грекча “керос”- мум, “генао”- туғаман). Кероген таркиби ва хоссаларига кўра қўнғир ва тош кўмирга ўхшайди. Унинг микдори тарқоқ органик модда умумий массасининг 70-80 фоизидан ортиқидир.

Органик йўл билан исфть олиш мумкинлигини тасдиқлаш учун маҳсус илмий тажрибалар ўтказилди. Тахминан юз йил аввал немис кимёгари К.Энглер

биринчи бўлиб мойни 1 Мпа босим ва 420°C ҳароратда ҳайдашни амалга ошириди. Натижада 492 кг балик мойидан зичлиги 0,8105 бўлган 299 кг ёғ (61%), ёнувчи газ ва сув олинди. Ёғнинг 90% жигар рангдаги углеводородлардан иборат эди. Ёғни бўлиб ҳайдалгандан сўнг унинг шаст фракцияларида асосан метани углеводородлар шайдо бўлди (пентандан бошлаб ва юқори). 300°C дан юқори ҳароратда қайнаган фракциядан нарафин ажратиб чиқди. Ундан ташқари, таркибида жуда кам микдорда олефинылар, нафтенлар ва ароматик углеводородлар бўлган суртма ёғлар олинди. Таркиби буйича табиий нефтлардан фарқ қилувчи мойларни босим остида ҳайдаш натижасида ҳосил бўлган бу маҳсулотга К.Энглер “протопетролеум” (грекча “протос” - биринчи, инглизча “петролеум” - нефть) деган ном берди. К.Энглер немис геологи Г.Гёфер билан биргаликда бу тажрибага асосланиб, нефть ҳайвон мойларидан ҳосил бўлган - деган хулоса чиқардилар.

Аммо шу даврнинг ўзида К.Энглер ва бошқа тадқиқотчилар томонидан чакамух, зайдун ва бошқа усимлик ёғларидан ҳам углеводородлар олишган эди.

XX асрнинг бошларида Г.Потонье нефть сув ўтлари ва ҳайвон қолдиқларининг аралангасидан ҳосил бўлган аниёдан-сопрапелдан чиқсан деган фаразни илгари сурди. Сопрапел-сув ўтлари ва ҳайвон қолдиқлари билан бой кўл ва кўрфаzlардаги лойқа ва чириган балчиқлир. 1919 йилда академик Н.Д.Зелинский Балхаш кўлидаги сопрапелни қайта ҳайдади. Натижада бекарор (хом) қорамой (63,2%), кокс (16,0%) ва газ (20,8%) ажратиб чиқди. Газ метан, углерод икки оксиди, водород ва водород сульфитдан иборат эди. Сувсиз қорамойни иккинчи марта ҳайдаганда бензин, керосин ва оғир мойлар ажратиб олинди. Бензин таркиби метанли углеводородлардан, нафтенли углеводородлардан, ароматик углеводородлардан иборат.

1912 йилда К.Энглер нефтининг ҳосил бўлиш жараёнида табиий аномосиликатларнинг (гилларнинг)

муайян үрни ҳақида тахмин қилди. 1921 йилда япон олими Кобаяси балиқ майини босимсиз қайта ҳайдаб сунъий нефть олди, катализатор қўйгандан кейин эса алюминий гидросиликатини олди. Шунга ўхшаш тажрибаларни бошқа тадқиқотчилар ҳам ўтказдилар. Бу эса тадқиқотчиларни табиий шароитда таркибида дастлабки тарқоқ органик моддалар бўлган гилли қатламлар бундай катализаторлар бўлиши мумкин деган фикрга олиб келди.

Академик А.Д.Архангельский мана шу гилли жинсларда тарқоқ органик моддаларнинг қайта узғаришини кўрсатди. Шунинг учун гилли жинслар нефть ҳосил қилувчи ёки нефть яратувчи жинслар деб атала бошланди. И.М.Губкин балчиқлардаги тарқоқ органик моддалардан нефтнинг ҳосил бўлиши чўкинди жинсли қатламларнинг жуда кенг майдонларда содир булаётган ўлкавий жараёилардан иборат эканлигини кўрсатди.

Хозирги вақтда органик концепция нуқтаи назаридан нефть ва ёнувчи газларнинг ҳосил бўлиши кўйидагича таъкин қилинади.

Денгиз ва кўллардаги сувнинг юқори қатламлари планктон деб аталувчи майда организмлардан, асосан сув ўтларидан ҳамда қисқичбақасимошлардан иборат. Мана шулар туфайли чўкиндиарда органик моддаларнинг асосий массаси ҳосил бўлган. Планктон қуриб нобуд бўлгандан кейин катта микдордаги ўсимлик ва ҳайвон организмлари қолдиқлари ҳавзалар тубига чўкиб, минерал заррачалар орасига тарқалади ва балчиқларда тушланади.

Тарқоқ органик моддалардан жуда катта микдорда суюқ углеводородлар - микронефть ҳосил бўлади. Бу ердаги ҳарорат 60° дан 160°C гача бўлади. Бу зонани Н.Б.Вассоевич нефть ҳосил бўлиши ўчоги ёки нефть ҳосил бўлишининг боли зонаси деб атади. Кейинчалик у бу зонанинг куйи чегарасини 6 км туширди. Мана шу чукурликкача нефть ҳосил бўлиши мумкин. Катта чукурликда (бу чукурликлардаги

ҳарорат 150-200⁰С юқори бўлади) асосан метан ҳосил бўлади. Бу минтақани газ ҳосил бўлувчи асосий зона сифатида С.Г.Неручев, О.М.Акрамхўжаев ва бошқа олимлар ҳам ажратишган.

- 1) Мұхим саволлардан бири бўлиб тарқоқ нефтни – микронефтни турли миқёсдаги углеводород тўпларига тўшланиши механизми ҳисобланади. Карапастган концепцияга мувофиқ гил ва оҳакли бағчиқлар нефть ҳосил қилувчи жинслардир.
- 2) Улар чуқурлашган ва зичлашган сари, тарқоқ нефть газ ҳолатидаги углеводородлар ва сув билан биргаликда батчиқлардан юқори ётувчи ғовак жинсларга (қумтошлар ва бопқалар) сикиб чиқарила бошланади. Бу жараён бирламчи кўчиш (лотинча “миграцио”- кўчим) деб аталади. Бу жараён билан чўкиндишларда кўмилган тарқоқ органик моддалар ўзгаришининг учинчи – термокаталитик (грекча “термэ”- иссиқлик, “каталисис”- эриш, бўлиниш) босқичи тугайли.

Ғовак жинсларга тушгаи микронефть узининг кимёвий таркиби буйича ҳали ҳақиқий нефтга мос келмайди. Унда ҳали енгил компонентлар мавжуд эмас, оғирроқ қисмида эса углеводороднинг ҳамма гуруҳлари йўқ. Микронефть ғовак мұхитдагина ҳақиқий нефть хоссаларига эга бўлади.

Кейинги тектоник ўзгаришлар вақтида гравитация ва бошқа кучлар таъсири остида микронефть қатламларининг қиялиги буйича сесин юқорига силжий бошлайди. Шундай қилиб, нефть ва табиий газларнинг иккинчи кўчиши бошланади. И.М.Губкиннинг фикрича бу вақтни нефть кони инакланишининг бошланиши деса бўлади. Бу жараёни ўтмишда бўлғанилигига қўйидаги кузатилилар мисол бўлади. 1934 йилда Т.Л.Гинзбург-Каагичева бошчилигидаги кимёгарлар Қора деңгиздаги ҳозирги бағчиқларда углеводородлар борлигини аникладилар. 1950 йилда В.В.Вебер ва бопқа тадқиқотчилар Таман ярим оролидаги кўл, кўрфаз ва қўлтиқлардаги ҳозирги чўкиндишларнинг газ фазасида метандан ҳам оғирроқ

углеводородлар борлигини аниқлашилар. Уша йилнинг узида америкалик олим П.В.Смит Мексика курфазида, Тигич оксанининг Калифорния қирғозларида, Ориноко дарёсининг дельтасида ва бошқа жойлардаги ҳозирги чүкиндиларда углеводородлар борлигини аниқлаши. Кейинчалик нефтли углеводородлар ҳамма сув ҳавзаларининг ҳозирги чүкиндиларида аниқланши. Миссисипи, Волга ва бошқа дарёлар дельталарида метан газининг тұшланған жойлари аниқланған.

Хитойнинг Шанхай туманида жойланған Яңызы дарёси, Вьетнамдаги Тхай-Бинь провинциясида жойланған Қизил дарёси дельта чүкиндиларидан унча чукур бұлмаган (15-30 м) құдуқлар ёрдамида газ олиниб, маҳаллий ақолининг тұрмуш әхтиёжлари учун фойдаланылған.

Ҳозирги замон чүкиндиларида углеводородларнинг борлиги, чүкиндилардаги тарқоқ органик молдауларнинг нефтта айланышындағи дастлабки босқыч маҳсули әкаптеги таҳмин қилинг асос бұлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, нефтининг ноорганик келиб чиқиши ҳақидаги дастлабки таҳминни айтған олимлардан бири М.В.Ломоносов (1742 й.) әди.

XIX асрнинг бошларида машхур немис табиатшуноси А.Гүмбөльдт нефтиң чукурлукда келиб чиқишини айтған. У, жумладан, ҳозирги вактда ҳаракатдаги вулканларнинг маҳсулоти таркибида углеводородларнинг борлигига асослауди. 1866 йилда француз кимёгари П.Бертель тажрибалар үтказа туриб, асетиленни жуда наст ҳароратда оғир углеводородларга үтиши мүмкінligини аниқлаши. У мана шунға асосланиб, умумий хулоса чиқарды: метеоритларнинг углеводороды бирикмалари сүпъий йүл билан ҳосил бұлған чамаси ва сайёраштар массасидаги углеводородлар ҳам худди шу йүл билан юзага келген.

Кейинчалик нефтининг ноорганик ҳосил булиш конценциясининг турли вариантылар ишлаб чиқылди. Бу вариантыларнинг энг эътиборлisisи рус олими Д.И.Менделеев ишлаб чиққан минералли (карбидли)

фараздир. У 1877 йилда рус кимёгарлари жамиятининг йигилишида уз қарашларини баён қилди. Д.И.Менделеев уз фаразини бундай таърифләди: “Дараҳтни, сув ўтларини ва ўсимлик қолдикларини қуруқ қайта ҳайдалганда мойларнинг емирилишидаги каби – мойлар таъсирида нефть углеводородига үхшаш углеводородлар ҳосил бўлди, натижада ҳаёлингиз биринчи павбатда мана шу нефть ҳосил бўлиш мағбаига қаратилади. Аммо нефтнинг ўсимлик қолдикларидан ҳосил бўлганлти ҳакидаги фараз албатта емирилишининг асосий қолидиги бўлган кўмири назарда тугади. Нефть эса Пенсильвания ва Канаданинг силур ва девон даври ётқизикларида ҳам учраб туради, уларнинг таркибида эса кўмир йўқ, ҳамда у даврлар организмларга унча бой эмас.

1) Тошкўмир, юра ва умуман янги даврлардаги ўсимлик қолдикларидан тош кўмир ҳосил бўлган, уларнинг таркиби ва тузилишига қараб, улар торф каби парчаланишга учраган, бирок суюқ углеводородлар нефтда бор массадан ҳосил була олмайди.

Нефтни сув босинигача бўлган дейилса, биз учта тушунтириш мураккаб бўлган қийинчиликларга луч келамиз: ҳайвон қолдиклари жуда кўн питрит моддалар берипни керак эди, лекин улар нефтда жуда кам;

2) очилган конлардаги нефтни массасининг жуда кўшигини билан ҳайвон танасидаги мойнинг жуда камлигини мос келмаслиги;

3) нефть конларининг тоғ тизмалари билан паралеллиги мутлақ тушинарсиз қолмокда.

Д.И.Менделеев геологик фактларга қараб бундай дейди: “Нефть ҳатто силур давридаги жинсларда ҳам аниқланган, бу жинслар ердаги ҳаётнинг шундай даврига туғри келадики, уларда организмларнинг жуда кам қолдиклари қолган. Нефть ернинг юқори қатламларидан пастки (жуда қасимиги) қатламларига ута олмайди, негаки у сув юзига қалқиб чиқади (сув эса ернинг ҳамма қатламларига утади),

шунинг учун нефть сув сиртига ўтишига ҳаракат қиласи. Нефть конлари тоғ олди миңтақаларида булиб, тоғ йўқалини билан нараллел бўлгани учун нефтнинг органик қолдиклардан ҳосил бўлгани жуда шубхалидир, эҳтимонга яқини нефтнинг ҳосил булишини тоғларнинг ўсишида пайдо бўлган ёриқлар орқали уғиб ер қаъридаги таркибида қизиган метали бўлган ядрогача ўталиган сув таъсири натижаси дейиш мумкин (ядрони ер ичидаги деб олинимиз зарур). Метеоритлардаги темир таркибида кўпинча углерод (чўянига ўхшаш) бўлгани учун ер ичидаги стиб бўлмайдиган чукурликларда бундай углерод темир бор леб, нефть тоғ тизмаларнинг ўсишида пайдо бўлган жинсларидағи ёриқлар орқали оқиб ўтадиган сув таъсири натижасида ҳосил бўлган дейиш мумкин, негаки сув углеродли темир билан бирга темирили оксидларни ва углеводородларни берини керак. Тўғридан – тўғри тажрибалар шуни курсаталики (Клоен, Менделеев ва бошқалар), ойнасимон (манганатли, углеродга бой, кимёвий болик) чўян кислоталар билан ишлов берилганда суюқ углеводородларни беради, бу суюқ углеводородлар таркиби, кўрининши ва хоссалари бўйича нефть билан бир хил, углеродли уран эса сув таъсири остида углеводородларни тўғридан – тўғри беради.

Д.И.Менделеев давом этади: “Сув ер қаърига кириб нефть ва сув буғларининг аралашмасини ҳосил қиласи, бу аралашма эса Ер қатламиининг совук кисмларига ёриқлардан чиқали. Нефть буғлари куюқлашиб нефть ҳосил қиласи, агар тўсиклар бўлмаса улар ер ва сув сиртига чиқар эди. Нефтнинг бир қисмини жинслар шимиб олади (балки шунинг учун кўпгина смолали сланеплар, бояхетлар, ломапикит ва бошқалар ёнувчи маҳсулотлардир), иккинчи қисми сув устида сузиб, оксидланади, буғланади ва қирғоқларга ёриб чиқали, катта қисми эса ёниб CO_2 ва H_2O ҳосил қиласи. Агар ер қаъридаги сув ва нефть буғларининг аралашмаси ер сиртига тўғридан – тўғри чиқа олмаса, у ёриқлар бўйича ер

сиртига, совукрок қатламларга чиқиб ва у ерда совуши керак.”

1950 йилда профессор Н.А.Кудрявцев нефть ҳосил бўлишининг магматик фаразини ишлари сурди. Унинг фикрича, катта чукурликтарда – Ер мантиясида жуда юқори ҳароратли шароитларда углерод ва водород, углеводород радикаллари – СН, СН₂ ва СН₃, ни ҳосил қиласади. Босимниң фарқи натижасида улар мантия моддалари бўйлаб чукурликдаги ёрикликлар зонасига ўтади ва шу ёрикликлар бўйлаб юқорига, ер сиртига яқин кутарилади. Юқори қатламларда ҳарорат пасайиб борган сари бу радикаллар ўзаро ва водород билан бирланшилади. Натижада турли мураккаброқ нефтли углеводородлар ҳосил булади. Уларга углерод оксиди ва водородниң реакциясидан ҳосил булган углеводородлар (бу реакциялар саноатда сунъий бензин олишида қўлланилади), шунингдек, М. Берто, Д.И. Менделеев ва бошқалар курсатган, турли металл карбидлари ва сув реакциясидан ҳосил булган углеводородлар қўшилади. Н.А.Кудрявцев фикрича, турли реакцияларниң бўлиши ҳосил бўладиган углеводородларнинг ўта хилма-хил бўлишини таъминлайди, буларниң аралашмаси асосан эса табиий нефти тапкил этади. Углеводородли газларни ва нефтьларни кейинги ҳаракатлари улар Ер сиртига ёки чўкини қопламанинг ўтказувчи жисларига, бальзан улар билан чегараюш бўлган кристалл жислардаги тутқичларга олиб келади. Углеводородларнинг ҳаракати (миграцияси) сув билан тўла ёриклар бўйлаб юз беради, пайдо булади, бу ҳаракатнинг сабаби нефть ҳосил булган жойлардаги ва чўкини қатламлардаги босимларнинг катта фарқ қилиши, шунингдек сув ва нефть зичликларининг фарқидир.

Нефть ва ёнувчи газларнинг поорганик ҳосил бўлиши фарази тарафдорлари томонида космик фараз ҳам мавжуд. Ўтган асрнинг урталарида самовий жисмлар сиектрини ўрганиш бўйича ўтказилган талқиқотлар Юнитер ва бошқа катта сайёратар

атмосферасидаги кометаларнинг газли қобигларида углерод ва водородларнинг бирлашмаси учраб туришини кўрсатди. Бу маълумотларга таяниб рус геологи В.Д.Соколов ушбу фаразни олдинга сурди, бу фараз буйича Ердаги углеводородлар унинг “қизгин ривожланиши” даврида углерод ва водородни бирлапшиши натижасида ҳосил бўлган. 1957 йилда академик В.Б.Порфириев космик фарази ҳозирги замон вариантини баён қилди. Унинг фикрича Ернинг совуни ва сайёра шаклига келиши даврида уни дастлабки газ мөлдасидаи водород қоплаб олган. Бу водород чуқурликдаги ёриқликлардан Ер сирти томон ҳаракатида суюқ магмадаги углерод билан реакцияга киришади ва нефти углеводородларни ҳосил қиласди.

Охирги йилларда ноорганик фаразни кўп бошқа вариантлари юзага келди. Аммо уларнинг биттаси ҳам ҳар томонлама тўлиқ асослаб берилмаган.

Нефть ва табиий газларнинг ноорганик келиб чиқишнинг фарази органик фараз каби бир қатор геологик кузатишлар ва кимёвий тажрибаларга таянади.

Ноорганик фаразнинг тарафдорлари жаҳонда 30 га яқин саноат ва ярим саноат нефть уломларини магматик ва метаморфик жинслар билан боғлиқлини таъкидлашади. Ундан ташқари 200 дан ортиқ ҳолатда магматик ва метаморфик жинсларда углеводородларнинг минерологик аралашмаси борлиги кўрсатилган. Масалан, Швеция ва Норвегиядаги бир қатор марганец конларида пегматитли томирларда асфальтит борлиги аниқланган. Канадада магматик жинсларни тенглиб ўтган пегматитли томирлар билан боғлиқ суюқ нефть топилиган. Ҳозирги вулқон газларида жуда кам микдорда углеводород газлари учрайди.

Суюқ нефть аломатлари Этна (Сицилия) ва Кракатау (Малай архипелаги) вулқонларида отилган маҳсулотларда аниқланган. Магматик ҳаракат натижасида нефтнинг янада самаралироқ чиқиши Марказий Апддай Толим вулқонида, Янги

Зеландиядаги учған Эгмонт вулқонида күзатылған. Магматик вулқон ҳаракатипи тиilik балчиқли вулқонга ўтиши Ява оролидаги Папандаянга вулқонини таърифлашда күрсатылған. Нооргапик фараз тарафдорлари жағондаги ҳамма вулқонлар ҳар йили ўртаса $3,3 \times 10^5$ т углеводород чиқарып тапшылғанын ҳисоблаб чықтылар.

Углеводородларни синтез қилиш (бириктириш) мүмкінлиги одий экспериментлар билан ишботланады. Үтган аспиринг охирида карбидли фаразни текшириш учун бир катор тажрибалар үтказилди. Хусусан, чүнгінде хлорид ва сульфат кислотаси билан таъсир қылди. Натижада водород ва нефть ҳидига эга болған углеводородлар аралашмаси олинди. Бонка тажрибаларда чүнгінде ўрнига, темирли марганец олинды ва унга кислота билан әмас, $100\text{-}300^\circ\text{C}$ иссық сув билан таъсир этилди. Бунда ҳам нефтта үхшаш углеводород аралашмаси ҳосил болды.

Фарангистонлик кимёгарлар П.Собатье ва Ж.Сандэрән тажриба учун металл әмас, ацетилен билан водород аралашмасини олиб, никель билан бирга қиздиришти.

4) Улар ароматик углеводородларға бой мөлдә олдилар. Метанни сув ва аммиак билан пиролиз (юқори ҳароратлы шароитда қайта ишлов) қилиш буйича ҳам тажрибалар үтказилди. Натижасыда унлаб органик мөлдәлар олинди: еңшіл углеводородлардан тортиб то металл-нарафин мажмуаларгача.

Юқорида ёритилған иккى фаразни ҳар бири ҳам күп жуда камчылайларга эга. Ҳозирги вактда органик фараз тарафдорлари устунлик құлымокдалар. Нефть ва ёнувчи газларнинг келиб чиқыны мұаммосига жағонда булиб үтган күншаб конгрессларда кагта ахамият берилди. Конгресс иштирокчиларининг күнчилиги органик фараз тарафдорларидир. Бу фараз күпроқ үйгүнлиги, етуклигі ва фикрларни якупланғанлиғи биңан ажралиб турады.

Охирги пайтда нефть ҳосил бўлишининг микстгенетик назарияси жадал ишилаб чиқилмоқда, бу назария органик ва ноорганик назарияларни муросага келтириши мумкин.

Назорат саволлари.

1. Нефть ва газ ҳосил бўлишининг органик фарази ҳақида гапириб беринг.
2. К.Энглер ва Г.Потонье тажрибалари ҳақида нималарни биласиз?
3. Нефть ва газ ҳосил бўлишининг ноорганик фарази ҳақида гапириб беринг.
4. Нефть ва газ ҳосил бўлишининг магматик назарияси ҳақида нималарни биласиз?
5. Нефть ва газ ҳосил бўлишининг космик фарази ҳақида нималарни биласиз?

5. НЕФТЛАР ВА ЁНУВЧИ ГАЗЛАР ҚАНДАЙ ХОССАЛАРГА ЭГА?

Нефтларнинг ва газларнинг асосий хоссаларини кўриб чиқишдан олдиң физик катталикларни улчов бирликлари хусусида қисқача тұхталиб үтамиз.

Хозирги вактда үлчов бирликларининг 1960 йилда қабул қилинган ягона Халқаро системаси құлланилади. Бу система жаҳоннинг ҳамма тилләрида қисқача СИ номи билан юритилади, унинг бирликлари СИ бирликлари дейилади.

Бирликларининг Халқаро системасында асосий бирликлар сифатида узунлик бирлиги – метр (м), вакт бирлиги – секунд (сек), масса бирлиги – килограмм (кг), электр ток кучининг бирлиги – ампер (А), термодинамик ҳарорат бирлиги – Кельвин (К), мөдә микдори бирлиги – моль (моль), ёргулук кучининг бирлиги – кандела (кд) құлланилади. СИ қолғап ҳамма бирликлари асосий бирликлардан келиб чиқади.

Халқаро система бирликтари амалда құлланилғанда құпинча жуда катта ёки кичик бўлиб қолади, шунинг учун олл қўшимчалари (кило, мега ва бошқ.) ёрдамида ўнли, карралы ва қисмли бирликлар ҳосил қилиниши мумкин.

Нефть ва ёнувчи газларнинг бошқа энерго – ташувчилардан фарқи, жаҳоншумул шоп-шухрат келтирган асосий хоссаси уларнинг ёнганды катта микдорда иссиқлик берин қобилиятидир. Ёниш иссиқлиги леб ёнганды чиққан иссиқлик микдорини ёқилғининг охиригача тұла ёнгаи массаси (яни, CO_2 карбонат антидрид ва H_2O суб ҳосил бўлғунча) нисбатига айтилади.

Суюқ ёки қаттиқ ёқилғининг ёниш иссиқлиги $H=Q/m$ формула бўйича аниқланади, бунда, H – берилған ёқилғининг ёним иссиқлиги, J/kg ; m – охиригача тұла ёнган ёқилғининг массаси, кг; Q – ёнганды чиққан иссиқлик микдори (сувнинг буғланишында кетган иссиқлик ҳам киради), J . Паст

H_n ва юқори H_o ёниш иссиқлиги фарқланади. H_o катталик H_n каттаикдан ёниш ҳосил бўлган сувни буғланишга сарфланган иссиқлик миқдори қадар катта. Одатда физикада ва техникада H_o , кимёда эса H_o каттаигидан фойдаланилади.

Газсимон ёқилинлар учун газнинг H нормал шароитдаги ёним иссиқлигидан фойдаланилади, яъни $P = 101,325 \text{ кПа}$ босим ва $T = 273,15 \text{ К}$ (0°C) ҳароратда.

1980 йилгача турли ёқилинларинг ёниш иссиқлиги килокалорияларда – ккал – ўтчанар эди. (1ккал – 1г дистилланган сувни нормал атмосфера босимида $19,5^\circ\text{да}$ $20,5^\circ\text{C}$ гача 1°C иситишга кетган иссиқлик миқдори); 1 ккал/кг= $4186,8 \text{ Ж/кг}$.

Нефть, табиий ва ёнчувчи газ ҳамда уларни ҳосиллари ёқилигининг ҳамма турлари ичида бўлиб энг кагта ёниш иссиқлигига эга. Нефтнинг ёниш иссиқлиги – 41 МЖ/кг – энг яхши павдаги тош кўмирнинг ёним иссиқлигидан (31 МЖ/кг) 1,3 марта ортиқ; бензиннинг ёниш иссиқлиги 42 МЖ/кг, дизел ёқилиники – 42,7 МЖ/кг, этан, пропан ва бутаники мос равишда 64,5; 93,4 ва 124 МЖ/м^3 .

Нефтнинг энг яхши курсаткичларидан бири қайнаш ҳароратидир, бу ҳарорат нефть таркибидағи углеводороднинг тузилишига боғлиқ ва $50 - 550^\circ\text{C}$ оралиқда ўзгаради.

Табиий молдалар учта агрегат ҳолатда бўлиши мумкин: қаттиқ, суюқ ва газсимон. Ҳар бир агрегат ҳолатдаги модда аниқ ички тузилмаси билан хусусиятланади ва мос равишдаги хоссалари билан тавсифланади. Қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтганда эриш, суюқ ҳолатдан газсимон ҳолатга ўтганда буғланиш содир бўлади. Қаттиқ жисмли молдаларнинг молекулалари кристалл панжарада ўзининг тургушилик ҳолатига нисбатан тебраниб туради. Агар кристаллга энергия берилса, тебраниш тезлашади ва кристалл панжара бузилиши мумкин. Қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга фазавий ўтиш босимга боғлиқ маънум ҳароратда содир бўлади. Одатда эриш ҳарорати босимнинг ўсиши билан ошали. Парафиннинг эриш

харорати - 54°C , бензолники - $5,53^{\circ}\text{C}$, метил спиртиники - $97,7^{\circ}\text{C}$.

Суюқликларда молекулалар үзаро тортишиш молекуляр күчлари билан боғланган. Суюқликка энергия берилгандың молекулаларнинг иссиқлик ҳаракати ортали ва бу күчлар суюқликда молекулаларни ушылаб тұра олмайды. Суюқ ҳолағдан газсімон ҳолатта фазавий үтиш қайнаш ҳарорати деб аталаған (босимға жуда болған) маълум ҳароратда содир бұлади. Бензолнинг қайнаш ҳарораги - $80,1^{\circ}\text{C}$, метил спиртиники - $64,6^{\circ}\text{C}$.

Хар қандай суюқлик каби нефть ҳам маълум ҳароратда қайнайды ва газсімон ҳолатта үтади. Нефтиннегі түрли таркиблари түрли қайнаш ҳароратыда газсімон ҳолатта үтади. Масалац, метаннинг қайнаш ҳарорати - $161,5^{\circ}\text{C}$. Метанинг критик ҳарорати (газ бүйлән юқори ҳароратда ҳеч қандай босимда суюқликка айланмайды) - 82°C . Демек, ҳарорати 0°C юқори төг жинсларининг қатламларыда метан ҳеч қандай босимда суюқ ҳолатта үтмайды. Этан - 88°C ҳарорагда қайнайды, аммо уннегін критик ҳарорати 32°C , шунинг учун ушын паст ҳароратда ва етарлича босимда этан суюқ ҳолатта үтади. Углеводород молекулаларыда углерод атомлари қапча күп бұлса, уларнинг қайнаш ҳарорати шунча юқори бұлади. Бутанинг қайнаш ҳарорати - $0,5^{\circ}\text{C}$, пентан - метан гурӯхында суюқ углеводороднинг бирипчеси - $36,1^{\circ}\text{C}$ қайнайды. Енгіл нефтлар 50 - 100°C юқори ҳароратда, оғирлары 100°C ҳароратда қайнайды.

Парафинлар энг юқори қайнаш ҳароратыга эга, шунинг учун ҳарорат пасайғанда нефтдеги парафин ажралиб чукади. Шу сабаблы нефтиң юқори ҳароратлы қатлам шароитидан ер сиртига чиқарын жараёница бургулаш құлуғининг танаси бүйлаб парафинлар құвур деңорларыға үтириб қолади.

Нефтлар таркибиңдеги углеводородларнинг қайнаш ҳароратларининг фарқланиши амалда нефтиң ҳароратлы фракцияларға булиш учун кең қулланилади (французча “фраксьон” - улут, қисм). Масалан,

нефтьни 180 - 200°C гача иситилганда бензинли фракция углеводородлари қайнаб тамом бұлады, 200 - 250°C гача иситилганда лигроинли, 250 - 315°C гача иситганда керосин газойили ва 315 - 550°C гача иситганда мойли фракция углеводородлари қайнаб тамом бұлады. Уларнинг қолдуклари гудрон бұлады. Бензинли ва лигроинли фракциялар таркибиға углеродшынг 6 - 10 та атомидан иборат углеводородлар киради. Керосинли фракциялар C_{11} - C_{13} та углеводородлардан, газойилли фракциялар C_{14} - C_{11} та углеводородлардан иборат ва ҳ.к.

Нефтнинг асосий хоссаларидан бири углеводород - газларни эритипи ҳисобланади. 1 м³ нефтде 400 м³гача ёнувчи газлар эриши мүмкін, бу табиий газнинг сувда әрувчачылығыдан тахминан 10 баробар күп. Табиий углеводород газлар таркибидеги метан ва унинг гомологиялари буйича қуруқ ва мойли газларга бүлинеди. Қуруқ газда 98,8%дан күп метан бор, мойли газда 50%гача этап, иронан, бутан ва юқори углеводородлар бор. Мойли газ қуруқ газга қараганда нефтде яхши эрийди.

Маълум шароитларда суюқ углеводородлар газда эриши мүмкін. Агар газ фазасининг ҳажми нефть ҳажмидан күп ортиқ күп бўлса, босим 20 - 25 МПа гача опирилганда ва ҳарорат 90 - 95°C бўлганда суюқ углеводородлар бутсимон ҳолатга ўтади ва газда эриб кетади. Суюқ углеводородларнинг бу хоссаси углеводород газларнинг нефтда эриши (конденсацияланиш) жараёнинг қарама-қарши ӯлароқ тескари ёки *retrograd* (лотинча "ретро" - тескари, орқа) буғланиш дейилади. Бундай шароитлар Ер қаърилаги чуқурликларда бўлади. Газни Ер сиртига чиқарипда ҳарорат ва босим бирданига настга тушади ва газ аралашмасидан суюқ углеводородлар кўрининишида конденсат ажралиб чиқади. Бу ҳодиса *тескари конденсация* дейилади.

Нефть ва газларнинг сувла эриши шароитларини аниқлаб олиш катта аҳамиятга эга. Нефти углеводородлар сувда жуда кам микдорда эрийди.

Масалан, 1кг дистилланган сувда 20°C да 0,36г пентан, 0,014г нормал октан, 0,08г циклогексан, 1,865г бензол эрийди.

Меган қаторидаги қуйи углеводородларнинг эрувчанлиги ароматли углеводородларнинг эрувчанигидан анча паст. Молекуляр массанинг ортиши билан углеводородларнинг сувда эрувчанлиги камаяди. Юқори молекулали углеводородлар нормал шароитда сувла умумаш эримайди.

Ҳароратнинг ортиши билан углеводородларнинг сувда эрувчанлиги ортағи. Масалан, бензолда ҳарорат 107°C бўлганда 5,07 г/кг гача, 300°C бўлганда 20°C ҳароратдаги эрувчанлигидан 84 марта ортиқ булади. Газлар нефтга қараганда сувда яхшироқ эрийди.

Нефтларни зичлиги бўйича, яъни уларни бир бирлик ҳажмдаги массаси бўйича фаркланади. СИ системасидаги зичлик бирлиги – кг/m³ ёки г/cm³. Агар нефтили идишга сув қуйилса, нефть сув устига сузиди (айрим ҳоллар бундан мустасно). Нефть одатда сувдан енгил. 20°C ўлчангандан нефть зичлигини 4°C ўлчангандан сув зичлигига нисбати **нефтнинг нисбий зичлиги** дейилади. Нисбий зичлиги 0,85 гача бўлган нефталар енгил нефталар дейилади. Нефтнинг таркибида метанли углеводородларнинг кўплиги туфайли улар енгилади. 0,85 дан 0,90 гача нисбий зичликдаги нефталар **ўртака нефталар**, 0,90дан юқориси эса **огир нефталар** дейилади. Огир нефталарда циклик углеводородлар кўпроқ бўлади. Нефтнинг зичлиги ва ранги ўртасида ҳам боғлиқлик бор: оч рангдаги нефталарнинг зичлиги тук рангдаги нефталарнинг зичлигига қараганда камроқ. Бошқача конуцият ҳам мавжуд: нефтда смола ва асфальтен қанча кўп бўлса, унинг зичлиги шунча юқори бўлади.

Ёнувчи газларнинг нисбий зичлиги амалда ҳавога қараб аниқланади. Бу зичлик 0,054 дан (тоза метан) 1,0 гача ва ундан ҳам юқори бўлган кенг оралиқда узгариши мумкин.

Нефти қазиб олишида ва транспорт қилишда унинг қовушқоқлик хоссаси катта аҳамиятга эга.

Динамик ва кинематик қовушқоқлик фарқ қилинади. Суюқликдаги айрим заррачаларнинг умумий оқим ҳаракатига ички қаршилиги (ишқаланиши) **динамик қовушқоқлик** дейилади. Динамик қовушқоқлик бирлиги СИ системасида - Па·с. Енгил нефтларнинг қовушқоқлиги оғир нефтларнидан кичик. Шу сабабли оғир нефтларни қазиб олишда ва қувурлар орқали транспорт килишда уларни исигини керак бўлади $80\text{--}100^{\circ}\text{C}$ да оғир нефтларнинг қовушқоқлиги сенгил нефтларнига яқинлашиди. Табиий газларнинг динамик қовушқоқлиги жуда кичик, ҳароратнинг ошиши билан у орта боради, бу эса газ молекулаларининг ҳаракат тезлигини ошиши ва молекулаларнинг ўзаро тўқнапувлари сонининг кўпайиши билан тушунтирилади. Бир хил ҳароратда босимнинг ортиши ҳам газ қовушқоқлигини опиради. Бу ҳолда молекулалар орасидаги масофа камаяди, ўзаро тўқнапувлар сони ортади.


Кинематик қовушқоқлик деб динамик қовушқоқликниң муҳит зичлиги нисбатига айтилади. СИ системасида кинематик қовушқоқлик бирлиги - m^2/s .

Нефтининг сирт таранглик каттатиги ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Бу таранглик иккита кўшилтмайдиган фаза чегарасида содир бўлади ва молекулалар орасидаги тортишиш кучлари натижасида юзага келади. Суюқлик ичида молекулалар орасидаги тортишиш кучлари ўзаро тенгланади, сиртга яқин турган молекулаларга компенсацияланмаган натижавий компенсацияланмаган куч таъсир қилиб, у суюқлик сиртидан ичкарига йўналган бўлади (5.1-расм). Шу сабабли, молекулани ичкаридан суюқлик юзасига кўчириш учун ушбу натижавий кучга қарши иш бажариш керак.

Натижасида суюқлик сиртидаги молекулалар маълум потенциал энергияга эга бўлади, бу энергия **сиртқи энергия** деб аталади. Агар жисмга ташки кучлар таъсир қилмаса, сиртқи энергия қиймати минимал бўлади, бунда юзани узи ҳам минималидир.

Суюқлик томчилари вазнсизликда шаралар шаклига әга бұлади (сиртнинг минимал юзаси).

Сирт тараптегілігі (сиртқи энергияның зичлигі) деб, сирт юзини орттириш учун бажарылған ишнинг орттирилған юз катталигі нисбатига айтилади. СИда сирт тараптегілігінің бирлигі Си - $\text{Ж}/\text{м}^2$.



5.1-расм.
Суюқлукнинг
ицидаги ва
сиртидаги
молекулалар-
нинг узаро
тараптегілік
күчлари

Табиий шароитларда капилляр ҳодисалар ҳам катта роль үйнайды, улар суюқ ва қаттық жисмлар орасидаги узаро таъсир күчлари натижасыда вужудға келади. Масалан, идиш деворларидаги молекулалар билан суюқлик сиртидаги молекулалар орасида тортишиң күчлари мавжуд. Буни қойындағы маңым гажириба асосида намойин қилиш мүмкін. Сув билан тұлдирилған ясси идишта жуда кичик диаметрли шиша найни шундай үрнатамизки, найнинг юқориги учи сувдан чиқиб түрсін. Сув най буйлаб найнинг сувдан чиқиб турған сатқидан юқорига кутарыла бошлайды. Нима учун сув оғирлік кучини енгіб идишлардаги суюқлуктар ҳаракатинің классик қонунларини бузып юқорига күтарилади?

Шиша билан сув молекулалариниң бир-бирларини тортиш күчлари сув молекулаларнинг узаро бир-бирини тортиш күчларидан ортиқ экан, шунинг учун суюқлик найнинг ички сиртига ёпишмоқчи булиб, суюқлукка юқорига қараб тенг

таъсир этувчи куч билан найнинг ичидаги жойлашган суюклиқ устуни оғирлиги мувозанатда бўлмагунча, най билан бирга юқорига кутарилади. Бундай пайда сувнинг кутарилиш баландлиги пайнинг диаметри ошишига пропорционал равишда камаяди.

Суюкликларнинг бу хоссаси тоғ жинсларида сув ва нефтнинг ҳаракатида катта аҳамиятга эга. Бу хоссадан нефть уюмларини ишланишда фойдаланилади. Қатлам шароитларда сув билан тоғ жинслари молекулаларининг тортиш кучлари нефть билан тоғ жинслари орасидаги тортиш кучларидан катта бўлаци. Бунинг натижасида сув майдага капилляр говаклардан нефтни каттароқ бўшликларга сикиб чиқариб, унинг ўрнини эга гайдайди. Нефть бир хил бўлмаган оптик хоссаларга эга. Нефти изланашда тоғ жинсларидағи унинг кўзга кўринмайдиган жуда майдага изларини ҳам люминесцент таҳчили ёрдамида аниқланади. Ёу таҳчили нефтнинг ультрабинафша нурлар таъсири остида нур сочишига – люминесцентланишига (лотинча “люминесценс”- нур сочувчи) асосланган. Бунда енгил нефтлар жадаллик билан ҳаво ранг, оғир нефтлар қуингир ва сариқ қўнғир ранг сочади.

Нефтнинг электрик хоссалари ҳам катта аҳамиятга эга. Нефть электр токини ўтказмайди, у дизлектрикдир ва жуда катта электр қаршилигига эга. Ўргулаш қудуғида очилган кесимдаги нефтил қатламларни ўрнатишни электрометрик усули учбу хоссага асосланган.

Назорат саволлари.

1. Халқаро бирликлар системаси ҳақида нималарни биласиз?
2. Паст ва юқори ёним иссиқликларининг фарқи нимада?
3. Нефтнинг хоссаларини айтинг.
4. Нефтнинг динамик ва кинематик қовушқоклиги ҳақида нималарни биласиз?
5. Капилляр ҳодисанинг нефти ва сувни тоғли жинслардаги сизишига таъсирини айтинг.

6. НЕФТЬ ВА ЁНУВЧИ ГАЗЛАРНИ ТҮПЛАМЛАРИ ҚАНДАЙ ҲОСИЛ БҮЛГАН?

Нефть ва табиий газларни Ер пустидан турли улчамдаги түплемлари қандай ҳосил бүлгаштыги ҳақидағи масалә назарий ва амалий жихатдан кайта ақамиятта әга, бу масалаларнинг түгри жавоби нефть ва газ конларини излап-кидирув ишларининг самараадорлигини опиришга имкон яратади.

Нефть ва ёнувчи газлар Ер қаърига жойланган. Нефть ва ёнувчи газларнинг у ерда түплеманиши уларни үз ичига олған тоғ жинсларига, шунингдек қатламларнинг тузилишига ва бопқа хусусиятларига чамбарчас бөгликтенген.

Ер қаърида турли минераллар бирикмасидан иборат турли тоғ жинслари бор. Минераллар таркиби ва тузилиши бүйича бир жинсли бүлган кимёвий бирикмалар. Табиатда 4 миннәт яқин минераллар борлығы аниқланган.

Тоғ жинслари уларнинг келиб чиқишларига қараб магматик, чүкинді ва метаморфик гурухларга булинаци.

Магматик ёки отқынди жинслар Ер чүкүрлігінде ҳам, Ер сиргида ҳам әриган магмаларнинг совушы ва қотиши натижасыда ҳосил булацы. Чүкинді жинслар турли туб (магматик, чүкинді ва метаморфик) жинсларнинг смирилиши ва қайта узғариши маҳсулидир. Метаморфик жинслар жуда катта чүкүрлікка түшінген чүкинді ва магматик жинсларға юқори ҳарорат ва босимнинг таъсири натижасыда ҳосил булацы.

Чүкинді жинслар келиб чиқышында қараб чақыр, гильті, кимёвий ва биокимёвий гурухларга булинаци. Чақыр жинслар туб жинсларнинг механик заррачалапиши маҳсулидир. Чақыр жинслар таркибидеги заррачаларнинг катта – кичиқшылығы қараб дағат чақырлар (заррачалар улчами 1 мм дан катта), күмли (1,0-0,1 мм) ва алевритли (0,1-0,01 мм) гурухларға

бұлинаңы. Күмли жинсларнинг бүшкің қисми күм, цементланғаны ёки уваланмайдыгани құмтош дейилади. Цементланмаган ва цементланған алевритлар мосравишида алевритлар ва алевролитлар дейилади.

М.С.Швецовпинг классификацияси бүйича тилди жинсларға ассоцап үлчами 0,01 мм дан кам бұлған жуда майда минерал заррачалардан иборат жинслар киради. Бу заррачалар таркибида үлчами 0,001 мм кам бұлған юнқа дисперс (лотинча “дисперсио”- ёйилиш) заррачалар 30% күп. Гүллар тиник чақық жинслардан минерал таркиби билан ҳам фарқ қиласы.

Кимёвий ва биокимёвий жинслар ассоцап түзларнинг бүгеланини билан солир бұладыған кимёвий реакциялар ёки деңгиз организмлари скелетларинин купайини натижасыда ҳосил бұлалы. Бу түрухга, жумтәдан: карбонатлы (оқактошлар, мергеллар, доломитлар), галоидлы (тузлар) ва сульфатлы (гипс, ангидрид) жинслар киради.

Бұгун дунёлдеги чүкинді жинсларда 99,9% ортик маңым нефть ва табиий газ конлари мавжуд.

Үюм – төг жинсларда нефть ёки газнинг ягона түшләнған жойидір. Үюмларнинг ягона геологик түзилишінде көлтирилген түшләми **кон** дейилади.

Үюм ёки кон ҳосил булиши учун маңым шарт – шароитлар (коллекторлар, қопқок, тутқыч, миграция) булиши зарур.

Коллектор деб үзіда суюқлик ва газни ушлаб турадыған ва ишташ жараёнида босым фарқы ҳосил қилинғанда үзідан чиқарып берадыған, ғоваклик ва үтказувчанлик хусусияттың эга бұлған ҳар қандай төг жинсларига айтилады.

Күм, құмтош ва шунга үхшаш чүкинді жинслар энг яхни коллекторлық хусусиятларындағы әсер. Улар донадор коллекторлар дейилади. Үларнинг коллекторлық хоссалары ғоваклик ва үтказувчанликада.

Ғоваклик – жинсдеги ҳамма бүшнеклар (ковакчалар) ұажмининг йиғиндисидір. Ү ғоваклик

коэффициенти m билан, баҳоланади - жинс намунасидаги бүшликлар ҳажми йиғиндинсининг V_E намунанинг умумий ҳажмига V_y нисбати билан баҳоланади ва фоизда ифодаланади:

$$m = \frac{V_E}{V_y} \cdot 100$$

Кумтош ва құмларнинг ғоваклик коэффициенти 20-25%, кимёвий оқактошларники 3-5%, магматик ва метаморфик жинсларда қовакчалар деярли йўқ.

Масатан, агар нефть ғовакчаларни бугуштай тұлдирса, ғоваклик коэффициенти 20% бұлған 1м³ жинсда 0,2м³ нефть, ғоваклик коэффициенти 40% бұлған 1м³ жинсда эса 0,4м³ нефть бұлади ва ҳ.к.

Үтказувчанлик - жисмларнинг үзидан суюқлик ва газларнинг үтказиш хусусиятидир. Ғовак мұхитдәғи суюқликнинг ҳаракати гидродинамиканинг асосий қонуни - Дарси қонунига бўйсунади:

$$Q = k J s,$$

бунда, Q - вақт бирлігідаги суюқликнинг сарғи; k -үтказувчанлик коэффициенти; J - босимли градиент; s -қатламнинг күндаланг кесими юзи.

Одатда үтказувчанлик Дарсида үлчаниб (Д) үтказувчанлик коэффициенти k орқали ифодаланади. Кумтош ва құмлар 0,5-1Д ёки 500-1000 миллидарси (мД), оқактошлар 5-20 мД үтказувчанликка эга, гиллар, тош тузлар, магматик ва метаморфик жинслар амалда үтказувчан эмас.

Донадор коллекторлардан ташқари яна дарзли коллекторлар маълум. Бу ҳолда жинс үзидан суюқликни ёки газни дарзликларда сақтайди. Одатда оқактош нефть учун үтказувчан эмас, аммо микро - ва макро дарзлар ҳисобига коллектор хоссаларига эга бўлади. Дарзликларнинг үзаро боғлиқлик системалари

бальзан флюидлар ҳаракати учун үнлаб километрли каналларни ҳосил қылади.


Үтказувчи тоғ жинслари резервуар вазифасини бажаради, уңда нефть ва газ түшланауди ҳамда ҳаракат қиласади.

Бирок, агар чүкинді жинсларнинг ҳамма қатламлари коллекторлардан иборат болса, нефть ва газ уюмда йигизла олмас эди. Улар сувли мұхитдә, юқорига сизиб, ер сиртига чиқар ва бүгланиб кетар эди. Демак, уюмларнинг ҳосил булиши учун чүкинді қатламларда нефть ва газни үтказмайдыган жинслар - үзига хос түсіктер булиши зарурый шартдир, бу түсіктер флюидларнинг Ер сиртига вертикал ҳаракатларини үнлаб қолип хусусиятига эга. Бундай үтказмайдыган жинслар қопқоқ деб аталади. Одатда қопқоқ булиб гиллар, тоңи тузи, гинслар бальзан дарзсиз оқактошлар ва мергеллар хизмат қиласади. Күпинча гиллар қопқоқ вазифасини бажаради. Уларнинг үтказмаслик хусусияти улар таркибиға боғылған. Монтмориллонит минералидан тузилған гиллар флюидларни эңг үтказмаси ҳисобланади. Сув билан құшылса, улар шишиб кетади ҳамда жинслар тендер ва капалчаларни беркитади. Катта қалыптықда бұлмаган монтмориллонитли гиллар нефть ва газнинг катта уюмларини үшлаб туриши мүмкін. Нефть ва газнинг йигилиши учун коллекторларни ва қопқоқтарни тез-тез урин алмашып туриши ижобий таъсир күрсатади. Чүкинді қатламнинг бундай модели “қатлы пирог” деб аталаади.

Фараз қылайлық, бизде нефть ёки газ флюидлари ҳаракатланасынан үтказувчан қатлам, бу флюидларни үнлаб турадыган гилли яхни қопқоқ бор бұлсии. Уюм ҳосил бұладими? Йүк, булар ҳали старлы әмас әкан. Махсус шактли қатлам - қопқоқ булиши шарт әкан, унга нефть ва газ киргандан сүнг, берк түсікка тушиб қолғандек булади. Мана шундагина бу махсулоттар йигилиб, уюмтар ҳосил бұлади. Одатда қопқонлар тузилмали ва тузилмасыз булади. Тузилмали қопқонларға антиклинал структура

ва тектоник түсік, тузилмасыз қонқонға стратиграфик номувофиқлик, күмілгап рифларга литологик қийиклашиш мисол бұлади.

Антиклинал - қавариқлиги билан юқорига йұналған әтік қатламдир (6.1 расм). Антиклиналға тескари шакт *синклинал* дейилади. Антиклинал жуда күп тарқалған қонқондир. Зичтігі сув зичтігидан кам бұлған нефть ва газ антиклиналнинг юқори кисмиуда шуфакчалар күрінішида йигилади. Ер ости сувларининг ҳаракати уңдан настда бұлғашығи сабабдай қопқондағы шуфакчаларни ювиб чиқара олмайды. Агар нефть ёки газ антиклинал әгікни асосиғача, ёки геолог-нефтчилар тили билан айтганда, антиклинал қуіғінча тұллирилса ва уңдан ошиб кетса, ортиқча нефть ва газ қопқондан чикиб юқорига қараб күтарилади.



6.1-расм. Тузилмали турлар түткічшарға мисол:
а-антеклинал структура; б-тектоник экран;
1-коллектор; 2-қопқок; 3-нефть уюми; 4-
тектоник узилиш чизиги.

Туз куббай тузилмалари ҳам антиклинал бурмаларга киради. Уларниң ҳосил бўлиши тош тузининг ундан юқорида ётган тоғ жинсларининг босими остидаги пластик оқиши билан боғлиқ. Туз юқорига кўтарилади, йўлда, юқоридаги қатламларни антиклинал эгиг қубба ҳосил қиласди.


Антиклинал тузилманинг ўлчамлари турлича бўлиши мумкин: узунлиги ўртача 5-10км, кенглиги 2-3км, баландлиги (амилитудаси) 50-70м, бўлган йирик антиклиналлар ҳам маълум. Масалан, дунёдаги энг катта нефть кони Гаварнинг (Саудия Арабистони) ўлчамлари 225 x 25 км, баландлиги 370м. Энг йирик газ кони Уренгойни ўлчамлари 120x30 км, баландлиги 200 м.

Тузилмали турдаги қопқонга тектоник тўсиқлар ҳам киради, улар қатламларни ташлама ёки кутарилма узилишларида ва коллекторларни ўтказмайдиган жинсларга бирикканда ҳосил бўлади (6.1-расм). Одатда тектоник экраилар билан нефть уюmlари (56%) ва газ нефтли уюmlарни (41%) боғлиқ. Газ уюmlари улуши кўп эмас, атиги 3%.

Стратиграфик номувофиқлик чўкинди ётқизиқларининг қатламланиш кетма-кетлиги бузилгацда келиб чиқади. Бундай қатламлар турли этилиш бурчакларини ташкил қиласди. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, ўтказувчан қатлам қонқонка такалиб қолади, натижада зарурий қопқон ҳосил бўлади. Одатда бундай қопқонлар катта кутарилмаларнинг ёнбанирларида ёки ботиқликларнинг чекка қисмларида ҳосил бўлади. Бундай номувофиқликлар билан боғлиқ бўлган заҳираси анча кўп нефть конлари маълум. Бунга Ист-Тексас (АҚШ) кони мисол бўлади. Бу нефть уюмининг узунлиги 70км, кенглиги 20км, юзи 54 минг га. 1930 йилдан бери бу кондан 1млрд.т. ортиқ нефть қазиб олинган.

Литологик қийикланиш - коллекторларни ўтказувчанмас жинсли қалинликда қийикланиши натижасидир. Бунда турли вариантлар бўлиши мумкин. Энг содласи - қумли қатламларнинг

ботиқликларнинг чекка қисмларида ёки күтаришларда ёнбагирларида қийикланишидир (6.2-расм). Бундай қопқонлар билан боғлиқ жуда катта уюmlар бўлади. Масалан, Пембина (Канада) конининг нефть захираси 200млн.т кўпидир, уюмнинг узуилиги 85км, кенглиги 25км, юзи 150минг гектар.



6.2-расм. Тузилмали бўлмаган турдаги тутқичларга мисол:

1 - номувофик юза; 2 - нефть уюми.

Баъзан уюmlар кўмилиб кетган қадимги дарё ўзанларида ҳосил бўлади. Россияда биринчи марта бундай қопқон нефть уюmlари И.М.Губкин томонидан 1910-1911 йилларда Кавказ олди Майкоп районидан (Нефтили-Ширван майдонида) аниqlаниган. У бу уюмни **енгсимон** деб атали. Бундан оддин Оклахома ва Канзасда (АҚШ) шунга ўхшаш уюmlар тошилган эди.

Кўмилиб кетган рифлар - қадимги маржонлар турухи булиб, нисбатан кейинги ўтказмайдиган жинслар билан қопланган. Рифлар товак оҳактоплардан иборат, ҳатто йирик коваклари ҳам бор.

Риф тоғларининг ўлчамлари жуда баҳайбат бўлади. Австралия қирғокларидағи малихур Катта Барьер рифи 2000км масофага чўзиған. Унинг айрим дўнгликлари бир неча юз метрлар билан ўлчанади. Рифлар билан боғлиқ бўлган энг катта конлар

Мексиканинг жанубий шарқида маълум. Бу ердаги айрим кенглиги 2-3км бўлган рифлар занжири қуруқликда 180км узунликкача чўзишиб кетган. Худди шундай ёйлар Мексика кўрфазига ёпишган акваторияда ҳам топилган. Бу райондаги кўмилиган рифлар углеводород уюмларига эга бўлиб, бу уюмлар нефть қудукларининг жуда катта дебитлари билан машхур. Серро-Асуль қудуғидан бир кунда 35620т нефть қазиб олинган. Поттеродель-Льяно конидаги қудуғдан кунинг 13700 т нефть олинган, қудук жами 13 мли.т. нефть берган, бу эса бигта қудуғдан йигинди қазиб олинган нефть бўйича жаҳон рекорди ҳисобланади.


Флюидларнинг қатламдан қатламга оқиб ўтиши (6.3-расмдаги курсатилган) қонқонларнинг қийикланиш мингақасида ёки узилма зоналарида содир бўлади.

Нефть ва газ уюмларипинг ўзи қонқонларни турлалига қараб таснифланади. Уларни гумбазсимон уюмлар (антеклиналлар билан боғлик), тектоник тусиқли, стратиграфик, литологик, рифли ва аралаш турлари ажратилади.

Нефть ва газининг миграцияси - кон такламишининг муҳим шартидир. Миграция ўтказувчан жисларда, одатда говакларни тўлдирувчи Ер ости сувлари билан бирга бўлади. Нефть ва газининг қатлам бўйича миграцияси эриган ёки эркин ҳолатда бўлади. Одатда сув эритувчи бўлади, сувнинг бу хусусияти қатлам шароитларидаи катта босим ва ҳароратда ортали. Миграция йўналиши босим фарки билан аниқланади ва катта босимлиги зонадан кичик босимли зона томон содир бўлади. Мутахассислар бу зоналарни пъезометрик максимум (пъезомаксимум) пъезометрик минимум (пъезоминимум) деб атапади. Ер ости сувлари қатламлар бўйича ҳаракатлашиб, пъезоминимум зоналарига тушиб қолади, босимнинг камайипши сабабли сувнинг эритувчалик хусусияти камаяди - нефть ёки газ эркин фазага ажралиб чиқа бошлийди, босим қанча камайса, сувдан углеводородлар шунча кўп ажралади. Нефть ва газ

Эркин ҳолатда ҳам ҳаракатлана олади, улар сув билан зичликлари ҳар хил бўлгани учун гўёки сув устига сузуб чиқади.

Ёнлама (латерал) ва вертикал миграция ажратилади. Биринчи ҳолда флюидлар битта қатлам орасида ҳаракатланади, иккинчи ҳолда бир қатламдан иккинчисига, одатда настдан юқорига ҳаракатланади.



6.3-расм. Нефть ва газнинг вертикал (буйлама) ва ёнлама (латерал) миграциясининг тасвири

Куриб чиқилган ва бошқа бир қатор омилларининг ижобий бирикуви нефть ва газ ўюмларининг шаклланишига олиб келади. Бу кунроқ йирик депрессияларининг (ботикликларининг, эгиликларининг) ён ва ички зоналарида, гумбаз кутарилмаларининг ёнбагирикларида ва уларниң марказий қисмларида содир бўлади. Ер қатламида нефть ёки газларининг ягона тўпламлари деярли учрамайди. Улар кўзиқорицдай «оилавий» булиб тарқалган. Бир турдаги қопқон билан боялиқ нефть ва газ тўпламлари «оиласи» нефть ва газ тўпламлари зонасини ҳосил қиласди. Ер пустининг битта катта структурали элементидаги бир қанча зоналар нефть – газли областга, улар эса нефть-газли провинцияларга бирлаштирилади.

Назорат саволлари.

1. Төг жинслари қандай турларга бүлинади?
2. Төг жинсларининг говаклик ва утказувчаник коэффициентларини таърифланг.
3. Донадор ва дарзли коллекторларнинг фарқи нимада?
4. Нефть ва газ уюмлари қандай қонқонларининг қандай турлари бор?
5. Нефть ва газнинг миграцияси ҳақида сўзлаб беринг.

7. НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ҚАНДАЙ ҚИДИРИЛАДИ?

Нефть ва газ уюмларини қидириш ишлари мураккаб жараён булиб, бу жараёнга фан йул кўрсатади, кўн соили ва қудратли техника, ЭХМ ёрдамида амалга оширилади.

Аммо XIX асрнинг 60-70-йилларида қидирувнинг асосий белгиси булиб нефтининг ер юзасига чиққан жойлари ҳисоблашар, шу чиқиш жойларига яқин ерларда қулуклар қазилар эди. Асосий уом бевосита шу манба остида деб ҳисоблашган. Йигирма йилдан кейин қидирувнинг янги пегизи пайдо бўлди - из бўйича қидирув бошлианди. Қулуклар иккита маҳсулдор қулукни туташтирувчи тугри чизик - «нефтьли чизик» бўйича қазила бошлианди.

1859 йилда америкалик полковник, уз касбини нефть машхур саноатчиси касбига ўзгартирган Дрейк Пенсильвания штатидаги қичкинагина Тайтесвилл шаҳарчасининг чеккасидаги настликларда омадли қулук бурғулади. Натижада қулукларни рельефнинг настликларида қазип қоидаси юзага келди.

Ундан таинқари кўшина нефть манбалари ларё водийларида жойланган эди. Тез орада рельеф настликларида қулукларни қазини кўшлаб муваффақиятсизликларга сабаб бўлди, шу билан бирга тепаликларда нефтининг антиклинали юқорилаги қоидага диаметри қарама – карни қоиданинг келиб чиқинига олиб келди. Дастроҳлар тоғларга олиб чиқида бошлианди. Айрим ҳолларда бу катта конларни очилишига олиб келди, чунки рельефдаги баландлик баъзан чукурликдаги түрги рельеф деб аталувчи антиклинал кўтарилишларга мос келар эди.

1863 йилда рус академиги Г.В.Абих ўзининг 1847 йилда Аннерон ярим оролидаги конларда ўтказган кузатиплари натижаларини шанр қилди. Г.В.Абих нефть конлари антиклинал бурмалар билан боғлиқ эканлигини антиклинал. Бироз кейин шунга яқин гояни америкалик геолог И.С.Уайт ҳам келтирди.

Ундан ташқари, зичликларнинг фарқига асосланиб, у флюидлар қатламда тақсимланишини курсатди: антиклинал ғумбазида газ, унинг остида нефть, яна пастрокқа – сув йиғилади деб түгри хулоса чиқарди. Г.В.Абих ва И.С.Уайтларнинг тахминлари антиклинал назарияга асос солди, бу назария вақти келиб ҳамма серда тап олинди.

Хозиргача бу концепция қидирудчилар эътиборини қаратали. Геологлар ҳам, геофизиклар ҳам, нефть ёки газ конларини изтасида энг аввал антиклиналини топишга, кейин унда чуқур излов күдүгини жойлаштиришига ҳаракат қилацилар. Шу билан бирга анча олдин тузилмали турдаги қонқонларга боғлиқ бўлмаган нефть ва газ уюмлари мавжудлиги исботланган эди. Чет элларда нефть заҳирасининг 30-40% тузилмали бўлмаган турдаги қонқонларга түгри келади. Шунга қарамасдан, антиклинал бурмаларнинг мавжудлиги қидиув бургулаш ишларини бажариш учун асос хисобланади.


XX асрнинг биринчи ўн йиллиги охирида кўнгина нефть саноати ходимлари қулукки геологларнинг асосларисиз казиш – хавфли иш эканлигини тушунилар. Ҳар қандай янти районни ўрганиш геологик съёмкадан бошланади. Бу излами усули, жиҳий ўзгаришларга қарамай, ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас.

Геологик тасвирлашлар, жойларда табиий шароитларда утказилади. Геологлар буни дала ишлари деб атапади, “дата” деганда сахро, тайга, туплра, тоғ ва джуғли ҳам тушунилади. Очик юзадаги тоғ жинслари қатлами, уларнинг моддий таркиби, қадимий ҳайвон ва үсимликларнинг тош бўлиб қонгани колдиклари диққат билан ўрганилади, қатламларнинг тушими йуналиши, қиялик бурчаги улчанади. Буларнинг ҳаммаси дала кундалигига ёзилади, чизилиди ва расмга олинади. Кейинги лаборатория таҳлили учун намуналар ажратиб олинади. Баъзан ҳозирги ётқизиклар туб жинсларни беркитиб қўяди, натижада уларни ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун

унча чукур булмаган үралар, агар зарур бўлса, чукурлиги 3 м таъсиз бўлган саёз кулуклар қазинга тўғри келади, зовурлар тозаланади.

Геологик тасвирилашлардан чукурлиги 500-600 м бўлган майда (хариталовчи) кулуклар ҳам қазилади. Барча маълумотлар йиғилиб, геологик хариталар тузилади ва уларга тушунтириш хатлари ёзилади.

Геологик харита – тоғ жинсларининг очиқ юзага чиқиши жойларини горизонтал юзага (топографик асосга) проекциясиdir. Хар бир кузатиш нуқтаси олдида, хариталаш мақсадига қараб, тоғ жинсининг ёни ёки бошқа маълумотлар кўрсатилади. Бир хил ёшли жинслар кўшилгалиди ва харитада турли геологик ёшдаги ётқизикларининг участкалари тасвириланади. Шу хаританинг ўзида қатламларнинг ётиш элементлари – уларнинг чўзиқлиги, йуналиши ва қиялик бурчаги маҳсус белгилар билан курсатилади. Қазиб бўлинган кулукларни ҳисобга олиб, геологик кесимлар – профиллар тузилади. Бу профиллар хариталар билан бирга геологларга мазкур районнинг тузилиши ҳақида мулоҳаза юритишга ёрдам беради. Геологик харитада антиклинал бурма одатда тухумсимон шакида бўлади, унинг марказида қадимги жинслар, агрофида эса ёнроқ жинслар жойлашади (7.1-расм). Харитага қараб урганилаётган жойнинг бошқа элементлари ҳақида ҳам хуносалар қилиш мумкин. Мутахассислар геологик харитани ўқиб, Ер қаърининг ички тузилиши ҳақида ҳам фикр юритиш имкониятига эга бўладилар. Мутахассислар нефтгазлилик учун қулай шарт – шароитга эга бўлган ўлқада антиклиналини тониб, нефть ва газни қидириши учун геологик-қидирув ишларини ташкил қилишини тавсия қиласидилар.



7.1-расм. Геологик харитада антиклинал бурма ва АВ чизик бүйича унинг кесими берилган.

Тоғ жинслари: 1-бурманинг марказидаги нисбатан қадимгилари; 2-анча ёшлари; 3-энг ёшлари; ётиш элементлари: горизонтал чизик - чўзилиш чизиги, вертикал чизик – ётиш чизиги, рақам - қатламнинг ётиш бурчаги.

Геологик тасвирилап масаланинг моҳиятига қараб турли миқёсда булиши мумкин. Тасвирилашлар улкавий ва муфассал бўлади. Ҳамма ҳудудлар улкавий тасвириланган, муфассал ишлар эса ҳамма ерда утказилмаган.

Геологик тасвирилашлар қанча пухта бажарилмасин, улар фақат тоғ жинсларининг юқори мажмуаларининг тузилини ҳақидагина фикр юритишга имкон яратади. Ҳамма вакт ҳам тасвиридаги антиклинални нисбатан чукурда ётган ҳолда чўкиндиларда ва аксинча, чукурликдаги тузилматарда очик юзада аниқ ифодаланмайди) кузатиб бўлмайди. Чукурликдаги Ер қаърини текшириш учун изланинг геофизик усулларидан фойдаланилади. Чунки геофизиклар 5-6 км ва ундан чукурликдаги Ер қаърини текширира олишади.


Тўртта асосий геофизик усул мавжуд: сейсмик қилирув, гравиқидирув, магнитли қидирув, электр қидирув.

Геофизиканинг сейсмик усули ер қатламида эластик тебранишларнинг тарқалиш хусусиятларини ўрганишга асосланган.

Эластик тебранишларни ёки сейсмик тўлқинларни сунъий йўл билан, масалан, портлатиш йули билан келтириб чиқариш мумкин. Бу тебранишларнинг жинсларда тарқалиш тезлиги 2-8 км/сек оралиғида ўзгариб, муҳитнинг зичлигига боғлиқ; жинс қанча зич бўлса, сейсмик тўлқин ундан шунча тез ўтади. Зичликлари турлича бўлган икки муҳитнинг бўлиниш чегарасида эластик тебранишлар қисман қайтарилади, ер сиртига қайтиб, қисман синиб, ўз харакатини ер қаъридаги янни бўлиниш чегараси сиртгача давом эттиради. Қайтган сейсмик тўлқинларни маҳсус асблолар – сейсмик қабул қилгичлар билан тутиш мумкин (7.3-расм).

Сейсмоқилирувчилар Ер сиртидаги тебранишлар графигини ўрганиб, тўлқинларни қайтарган жинсларнинг ётиш чуқурлигини, уларнинг қиялик бурчакларини, баъзан литологик таркибини аниқлайдилар. Бу маълумотлар асосида ўрганилаётган майдоннинг кесими, ер ости рельефининг хариталари тузилмали хариталари тузилади, бу хариталарга қараб ер қаърининг тузилиши ҳақида муҳокама юритадилар. Қайтган тўлқинлар усулини 1923 йилда рус геофизиги В.С.Воюц таклиф қилган. Шундан кейин бу усул бугун дунёга тарқалди ва ҳозиргача муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Гравиметрик усул Ер сиртида оғирлик кучининг тарқалишига асосланган. Эркин түннин тезланиши галларда ўлчанади (тезланиши $1 \text{ см}/\text{с}^2$). Бу бирлик Г.Галилей номига қўйилган.



7.3-расм. Сейсмик қидиувнинг принципиал схемаси:


1-сейсмик қабул қилгичлар; 2-портлаш нүктаси; пунктир чизиқтар-сейсмик тұлқинларнинг "излари".

Эркін гушиш тезләниши тоғ жинсларининг зичлигига боянып. Агар ер қаърида, нисбатан унча катта бұлмаган зичликка әга бўлған, тош тузи бўлса, оғирлик кучининг манфий аномалияси келиб чиқади. Агар чўкинди жинслар қатламида нисбатан зичроқ чўкинди жинслар ёки зич магматик жинс масалан, гранит бўлса, мусбат аномалия вужудга келади (7.4-расм). Оғирлик кучи маҳсус асбоб – гравиметр билан улчанади. Энг содда вариантда гравиметр – охирида юқ бўлган эластик пружина. Ер сиртининг турли нүкталарида оғирлик кучининг ўзгариши пружинанинг мувозанатини бузилишига олиб келади, бу эса маҳсус шекатада қайд этилади.

1922 йилда Мексика құрфазы қирғоқларида биринчи марта нефтни қидириш мақсадида гравиметрик қидиув усулидан фойдаланилди.

Одатда гравиқидиув усули магнитли қидиув усули билан бергә күлганилади. Бизнинг сайёра катта магнит бўлиб, унинг атрофида магнит майдони

жойлашган. Унинг хоссаларига Ер қатламидаги жинслар ҳам таъсир қилади.



7.4-расм. Қаршилик усулидаги электр қидирув:
1 и 2 — электродлар

Масалан, магматик жинслар, чүкинди жинсларга қараганда магнит таъсирига фаолдир. Улар ётган жойнинг юқорисида магнит аномалияси (номеъёрлиги) вужудга келади. Маъдан усталари магнит стрелкасининг оғишига қараб темир рудаларининг мавжудлигини аниқлагандар. Күпинча магнитометрларни самолётларга ўрнатышган, самолётлар маълум баландликда текширилаётган майдон устида учгашибар. Аэромагнит тасвирлаш бориш қийин бўлган районларни ўрганишда жуда кулай. Замонавий магнитометрлар 6-7 км чукурликдаги кутарилмаларни, уларнинг амплитудаси 200-300м ортиқ бўлмаса ҳам аниқланга ёрдам беради. Магнитометрик кузатишлар магнитли аномалия харитасини тузишда асос қилиб олинади, бу харита шар буйича Ер қаърининг моддий таркиби ҳақида фикр юритилади. Гравицидирув ва магнитли қидирув маълумотларида биргаликда фойдаланиб, аномалия

тасмалари бўйича ўлқавий узилмаларни ажратиш мумкин. Изометрик, майда аномалиялар кўмилган йирик гумбазли кутарилиматар ёнбагирларида қийикланиш зоналари ва стратиграфик кесим борлиги ҳақида даюлат беради.

Одатда гравиқилирув ва магнитли қидиувлар сейсмик тадқиқотлардан олдин ўтказилади. Сейсмик талқиқотлар аниқланган гравиметрик ва магнитли аномалияларни профиль бўйича узунлигига кўндаланг ҳолда амалга оширишига ҳаракат қиласилар. Қатламларниң антиклинал букилишларини, қийикланиш зоналарини ва бошқа қонқонларни «найпаслаб», бу районларда, қонқонининг аниқ чегараларини ва нефтгазга истиқболи қатламларниң ётим чуқурлигини аниқлаш мақсадида мукаммал сейсмик ишлар бажарилади. Шундан кейингина қидиув бурғулаш ишларини бажариш мумкин. 1923 йилда фарангистонлик К.Шлюмберже томонидан ишланган яна битта геофизик усул - электр қидиув усули мавжуд. Бу усул ёрдамида Ер сиртида табиий ва сунъий ҳосил бўлган электромагнит майдонларини ўлчаш билан Ер қаъри ўрганилади. Усунинг тоғ жинсларининг турлии электр хоссаларига эга эканлигидadir. Масалан, нефть-диэлектрик, темир минералари билан бойинган ётқизиқлар, электрии яхши ўтказади ва ҳоказо. Геофизиклар сунъий электр майдони ҳосил қилиб, ер қаърини зондлайди, тоғ жинсларини қаршилигини ўрганацилар (7.4-Расм). Қаршилиги катта қатламларни кузатиб, чуқурлик рельефини ва антиклинал бурмаларни аниқлаш мумкин. Электр қидиувнинг бу усули қаршилик усули номини олди.

Нефть ва газнинг диэлектрик хоссасидан фойдатаниб, электр қидиув ёрдамида уломнинг мусбат аномал эффиқти аниқланади. Бироқ жинсларининг литологик таркибининг ўзгаришини ёки ер ости сувларининг минератлашуви оқибатида ҳам аномалия келиб чиқини мумкин, бу эса олинган маълумотларниң аниқлигини камайтиради.

Кидиривнинг геологик ва геофизик усуллари ер қаърида нефть ва газ уюмлари борми, деган саволга ҳар доим ҳам тұғридан-тұғри жавоб берә олмайды. Ҳақиқатдан, қопқоңтарнинг, коллекторларнинг мавжудлиги уюмларнинг ҳосил булиши учун зарурый, лекин етарли шарт әмас. Баъзан қидириувчилар антиклиналда күдук қазиб, унда нефть ҳам, газ ҳам тона олмайдылар. Шунинг учун кидириув ишларида геологик-геофизик усулларни геокимёвий ва гидрогеологик усуллар билан бирга олиб бориш тавсия этилади. Улар ёрдамида текилирилаётган майдонда углеводородларни макро - ва микро-намоён булиши асосида ер қаърида нефть ёки газнинг мавжудлигини аниклап мумкин. Шунинг учун гидрогеокимёвий ва баъзи геофизик усулларни, билвосита геологик-геофизик усулларга қарама-қарши қилиб тұғри усуллар дейилади. Гидрокимёвий усуллар орасида биринчи навбатда газли, люминесцент-битуминологик, радиоактив тасвиirlашпарати ва гидрокимёвий усулни күрсатиш мумкин.

Газли тасвиirlашпарати биринчи марта 1929-1930 йилларда В.А. Соколов томонидан тавсия қылғынан. Ҳар қандай уюм атрофида жинсларнинг ғовакларидан ва ёрикликларидан газларнинг сизиши ва диффузияси ҳисобига тарқалғанлик гардиши ҳосил булади. Углеводород газлар ер сиртига етиб борғанда, юкори қатламларда микро қуюқлашади. Тор жинсларидан ва сизот сувлардан 2-3 м дан 20-50 м гача чүкүрликда намуналар олиніб, сезувчап газ анализатори ёрдамида намунадаги газ миқдори аникланади. Асбобнинг сезувчанлиги 10^{-5} - $10^{-6}\%$ ташкил этади, яъни улар бир неча миллион ҳажмдаги ҳавода бир ҳажмдаги углеводород газларининг ва бошқа ноутгасводород газларининг борлигини ҳам аниклаб берә олади. Одатда нефти ва газли уюмлар устида газли аномалия аникланади, бу аномалия тұғридан-тұғри излаш аломати ҳисобланади. Усулнинг камчилиги аномалия манбадан қатламларнинг юкорида күтарилиши буйича

силжиши ёки саноат миқёсида бұлмаган уюмтар билан боғылған мүмкін.

Люминесцент - битуминологик тасвир битумларни тарқалиши гардишини үрганади. Нефть ва газ уюмлари устидаги жинсларда битумларнинг микдори күнайди. Жинсларнинг намуналари унча катта булмаган чүқурликдан олинади ва ультрабинафаша нурда үрганилади. Люминесцентли хусусият буйича битум тuri ва унинг уюм билан мүмкін бўлган боғликлиги аниқланади.

Радиоактив тасвирларни нефть ва газ уюмлари устида радиоактив элементларни (биринчи навбатда ураннинг) қайта таксимлапга асосланган. Уюм чегарасининг очиқ юзаңдаги проекцияси оралиғида радиоактивлиги кам бўлган зона аниқланади. Бундай узгаришлар аниқлиги $\pm 0,8$ мкР\соат бўлган мавжуд асбоблар билан аниқ қайд этилади.

Аммо сиртга яқин қатламлардаги радиоактив аномалиялар ётқизиқларнинг литологик таркибини узгаришига ва сиртки геокимёвий вазиятга боғылған мүмкін, шунинг учун ҳозирги вақтда бу усулдан унча кўп фойдаланилмайди.

Гидрокимёвий усул билан ер ости сувларининг кимёвий таркиби ва уларда эриган газ ҳамда органик мөщаларнинг, жумладан, аренларнинг мавжудлиги үрганилади. Уюмта яқинлашган сари сувдаги бу таркибларнинг микдори усив боради, бу эса углеводородларни яқин жойда тўпланганинг аломатидир.

Гидрокимёвий усуллардан фойдаланиш геологик тасвирларни ёки геофизик усуллар билан аниқланган антиклинал бурмаларда нефтгазлиликни уринатиш билан бирга, ҳозирча жуда катта қийинчиликлар билан аниқланадиган ноструктурали турдаги қопқонларда нефть ва газ уюмларини излашга имкон яратади.

Маълум имкониятларга қарамай гидрогеокимёвий усуллар бир қатор жиддий камчиликларга эга, бу камчиликлар гидрокимёвий

усулларни амалда көнгү құлланишини чегаралайди. Олимлар бу усулларни такомиллаштириш устида зүр беріб ишламоқдамар, аммо турли сабабларға күрағынан мәдениеттегі ғылыми-техникалық үсуллар билан олинган маълумотлар шу вақтта қадар бир тұхтамын шарқтаға эга әмас, бу уларнинг ишоғчилігінің камайтиради.

Назорат саволлари.

1. Геологик тасвирлаш қандай бажарилади ва геологик харита қандай түзилади?
2. Сейсмик қиди्रув ҳақида нималарни биласиз?
3. Грави қидириүв ҳақида нималарни биласиз?
4. Магнит қидириүв ҳақида нималарни биласиз?
5. Электр қидириүв ҳақида нималарни биласиз?

8. УЗБЕКИСТОННИНГ НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ҚАЕРЛАРДА ЖОЙЛАШГАН?

Узбекистоннинг ср ости қатлами нефть-газлилик учун катта потенциалга эга: унинг умумий майдони 447,4 минг км² бўлган ҳудудининг 60% нефть ва газга истиқболи. Ҳозирги вақтда Устюрт, Бухоро-Хива, Жанубий-Фарб-Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона регионларида 162 нефть ва газ конлари очилган, улардан 92 тасидан маҳсулот олинмоқда (8.1-расм).

Устюрт шатосида жуда катта геологик, гидрогеологик ва геофизик изланишлар олиб борилмоқда, катта ҳажмда чукур бургулаш ишлари бажарилмоқда, мезокайнозой, перм-триас ва қисман кейинги палеозой чўкиндилари нинг кесими ўрганилмоқда.

Нефть-газлилик кўлами дастлабки юра даври чўкиндиларидан палеозой даври чўкиндилари гача бўлган оралиқни ўз ичига олади, бу даврларнинг маҳсулдорлиги тахминан карбон ёшидаги оҳактошлар билан боғлиқ. Бу жинсларнинг литологияси ва коллекторлик хоссалари ҳақидаги маълумотлар ҳозирча чекланган, аммо Қораҷаюқ ва Чибин майдонларида очик газ фавворлари бу жинсларнинг истиқболи эканлигидан далолат беради.

Юра давридаги чўкиндиларда углеводородлар юми антиклинал кутарилмаларнинг гумбаз ва қанот қисмларида қўмли жинслар билан боғлиқ. Маҳсулдори горизонтларнинг ётиш чукурлиги 2300-3550м дан иборат. Жинсларнинг очик говаклиги 20-25% гача боради, газли қудукларнинг ишчи маҳсул микдори купига бир неча юз минг куб метрга тенг. Газ таркибидаги конденсат микдори дастлабки юра даври ётқизикларида 20г/м³ бўлса кейинги Юра даври ётқизикларида 200г/м³ гача ҳатто ундан кўпига ҳам ортади.

Худудида 6 углеводород конлари очилган бўлиб, улардаги газнинг жами геологик заҳираси 50 м'ирд.м³ ортиқ, суюқ углеводородларники эса 6,6 млн. т. Газ ва

нефтнинг саноат миқёсидаги оқимлари қидирудаги 8 майдонда аниқтандган.

Регионнинг асосий истиқболлари юра давридаги чақиқ жинслардаги қидируд ишлари, уларда анъанавий ва поантклинал қонқонларни излап билан боғлиқ. Айниқса Орол зонаси ажралиб туради, у ерда Урга газконденсат кони очилган ва ишга туширилган.

Куаниш-Коскалин зонасида ҳам маҳсулдорлик Юра давридаги, ҳамда дастлабки палеозой давридаги карбонатли чўкиндилар билан боғлиқ. У ерда чуқур бургулашга 13 та тутқич тайёрлаб қўйилган ва 16 нафар нефть ва газга истиқболли тутқичлар тонилган.

Бухоро-Хива нефтгазликий регионида 110 дан ортиқ нефть ва газ конлари топилган. Муҳим мақсадли излов обьектлари юқори юра давридаги карбонатли ва остки бўр давридаги чақиқ чўкиндилар билан боғлиқ, улар билан бирга кейинги вактларда, ўрта юра ва юқори палеозой даври ётқизикларида ҳам излов ишлари олиб борилмокла.

Бухоро-Хива нефтгазликий регионида янги нефть ва газ уюмларини очиш имкониятлари ҳали тугамаган, айниқса яхши ўрганилмаган Бешкент худуди зонасида (агар изланётган майдонлар сонининг камлиги ҳисобга олинса) конларни очиш коэффициенти етарчи даражада юқори яъни 30%.

Бешкент зонасининг муҳим хусусиятларидан бири органогенлардан тузилган келловей-оксфординг карбонатли чўкиндиларини қалин қатламини (500 м ортиқ) мавжудлигидир, уларга бирлик майдонга тўғри келувчи заҳираларни катта жамланганлиги билан хусусиятланувчи углеводородларни юқори дебитли конлари тўғри келади. Масалан, саёзликларнинг оолитли фаацияларида жойлашган Каңдим конининг 600 км^2 дан ортиқ майдонида 150 млрд. м^3 күп газ заҳираси бор. Иккинчи томондан Алан конининг газлийлик майдони жами 37 км^2 , аммо газ заҳираси ундан күп. Мамлакатимиздаги энг катта нефтгазконденсатли конлардан бири Кўкдумалоқ ҳам шу минтакада жойлашган. Алан ва Кўкдумалоқ

конларида углеводородлар уоми оксфорд ёшидаги якка рифли тузилмалар билан боғлиқ.

Замонавий технология ва техниканинг қулланилиши бу ҳудудда ҳали жуда күп ва шу билан бирга йирик углеводород конларини очишга имкон яратади. Бунга асосий объект бўлиб ётиш чукурлиги 2500м дан 4000м гача бўлган юра даври ётқизиклари киради.

Ҳисор ҳудуди чегараси шимолий-ғарбда Карайл-Лянгар флексурали - узилмали зонадан, жанубий-ғарбда Туркманистон Республикасининг давлат чегарасидан, шимолий шарқдан - Ҳисор тоғ тизмаларидан утади. Унинг чегарасида углеводородларнинг 13 кони очилган, бу конлар юқори юра даврининг карбонат ётқизиклари билан боғлиқ. Бу ҳулуд қўпни ҳудудлардан ўзининг мураккаб тектоник тузилиши ва неоген-антропоген даврдаги тектоник фаолигиги натижасида вужудга келган рельефнинг бўлиб ташланганлиги билан фарқ қиласди.

Ҳулуднинг асосий тузилмали элементлари сурилмаги зоналар ҳисобланади, бу зоналар кўпроқ жанубий-ғарбга йўналанган тектоник чузиқ пластинкалардан иборат бўлиб, қатор кундаланг бузилишлар натижасида турли ўлчамдаги блокларга бўлинган.

Нефтгазлилик нуқтаи назаридан энг имконияти каттаси юқори юра давридаги туз ости чўкиндиларилир, бу чўкиндилар оҳактошлар ва доломитлардан, юқори қисми ангидрид қатламчаларидан тузилган. Коллекторлар ғовак-ёриқ ковак (бўшлиқ)-ғовак, ёриқ-ковак шаклларида бўлади. Очиқ ғоваклиги 3-18%, ўтказувчанилиги 0,1-1000 мД. Уюмлар массив, тектоник тўсиқли турларга тегинсли. Углеводородларнинг таркибига кўра бу ерда газконденсатли, нефтгазконденсатли ва нефть конлари очилган. Уларнинг энг йириклари Шўртон, Жанубий Тандирча, Жарқулук, Жанубий Кизилбайроқ конлари ва давоми Туркманистонга кетадиган тўсиқсимон

рифлар системаси билан боғлиқ. Махсулдор горизонтларнинг ётиш чуқурлиги 1200м дан 3500м гача ўзгаради. Хисор худудида чуқур бурғулашга 9 та тутқич тайёрланган ва истиқболли 29 та майдон очилган.

Сурхондарё худуди гарбдан Келиф-Сариқамиш теналигиги, шимол ва шарқдан Тожикистоннинг давлат чегараси, жанубдан Амударё билан чегараланган.

Қаралаётган майдоннинг ҳозирги замондаги геологик тузилишининг кўришини учта асосий ривожланиш боскичи давомида шаклланган: геосинклинал-палеозойнинг охирида тугаган, платформали-юқори иермдан неогенгача бўлган давр ва ороген-неогеннинг охиридан бошланиб, ҳозирги вақтгача давом этмоқда.

Чўкинди қошлимаси палеозойнинг ювилган сиртида ётувчи континентал деңгиз ва лагуна генезисли жинслар билан ифодаланган. Кесимда учта нефтгазли мажмуалар ажратилган:

- юра даври, қалинлиги 400-800м бўлган юқори юра давридаги туз ости карбонатларидан тузилган; бу қалин қатламнинг юқори қисмида ётувчи органогенили турлари коллекторлар ҳисобланади;

- бўр (неоком-ант) даври, терриген ва қисман карбонатли коллекторлар билан ифодаланган; қумтошларнинг очиқ ғоваклиги 12 дан 30% гача, ўтказувчанилиги 3 дан 5000 мД гача (кўпроқ 300-600 мД оралиғида), оҳактошлар қатлариники мос равишда 9-11% ва 5-30 мД;

- палеоген даври, палеоцен ва қумли-карбонатли даврларининг дарзли карбонатли коллекторларини ўз ичига олади, бу коллекторлар гили қалин қатлам билан ёнилиб туради. Уларнинг ғоваклиги 10-25% ва ўтказувчанилиги 200-250 мД.

Келловей-оксфорд оҳактошларининг ётиш чуқурлиги шимолдан жанубуга томон 3 км дан 9 км

гача ва ундан ортиқ, тетроген пойдеворниң сирти 5 км дан 12 км гача үзгарағы.

Нефть ва газ уюмлари тарқалыпшының стратиграфик оралиғи юра давридан палеоген давригача бұлған ётқизиқтарни үз ичига олади. Худула юра давридаги ётқизиқтар истиқболи Гажак майдонида юқори юра давридаги карбонатларда улкан газ уюми очылғандан сүнг, шунингдек Бухоро-Хива худуидан ва Ҳисорнинг жанубий ғарб тизмаларидағи карбоатлы юра даври ётқизиқтарининг юқори маҳсулдорлиги туфайли жуда юқори бақоланағы.

Сурхондарё ҳудудыда 11 та нефть ва битта газ коши очилған, сейсмик қицирув натижасыда излов бурғулашига 30 та объект тайёрланған, 31 та объект аниктанған ва очилған.

Фарғона нефтегазли ҳудуди төр тизмалари билан урайған, майдони 16,0 минг км² бұлған йирик ботиқлик, Тян-Шаннинг ички манфий тузилмасыда ётади.

Фарғонаниң нефтегазли ҳудуди чегарасындағы Ўзбекистон Республикаси майдонида 28 нефть кони очилған, улардаги уюмлар палеозой, юра, бүр, палеоген ва неоген давридаги ётқизиқтар билан бөйлиқ.

Фарғона ҳудудининг тузилиші жуда мураккаб. Яғни тадқиқотларға күра, ундағы тутқичларни жойлашып зичлиги ва уларнинг турлари бүйіча, маҳсулдор ётқизиқтарнинг ётиш чуқурулғығы ва узилмалар билан мураккаблашғанлық даражасы билан катта фарқ қылувчи тузилмали миңтақалар мавжуд. Бу ва бошқа күрсаткыштарға асосан Жанубий ва Шимолий поғона ва Марказий грабен деб номланған чекка ва марказий қисмлар бир-биридан аниқ ажратып туради. Грабен неогениң қалып қисмларынан гарқалиш майдонини ва катта ётиш чуқуриларини (6-7 км гача) чегараловчи узилмалар орқали булинған. Фарғона ботиқтигининг чуқур ва кам үрганилған, аммо истиқболли марказий қисмидә ҳозирға қалар 30 дан ортиқ тузилмали тутқичтар очилған, бу тутқичлар

чекка зоналардаги тутқищларидан фарқли үлароқ нисбатан катта ўлчамларга эга ва узилмалар билан мураккаблашған бұлса ҳам, содда тузилишиңа эга.

Марказий ғрабен зонасида нефть уюmlари бир неча майдонларда (Мингбулоқ, Шимолий Ниёзбек, Қароқчикум, Махрам, Гумхона, Ворик) палеозой даври ётқизиқларидан неоген даври ётқизиқларигача бұлған жуда катта стратиграфик диамазонда топилған. Асосий изгланасыттан объектларни палеоген ва неоген ётқизиқлари кесимидағи маҳсулдор қатламларни жуда катта чуқурликда ётиши тутқищларни үзлаштиришини анча мураккаблаштиради.

Бундан ташқари Фарғона ботиқлитининг чекка зоналаридан ҳам нефть уюmlарини топип истиқболлари бор.

Назорат саволлари.

1. Устюрт худудининг геологик тузилиши ва истиқболи ҳақида гапириб беринг.
2. Бухоро-Хива худудининг геологик тузилиши ва истиқболи ҳақида гапириб беринг.
3. Жаңубий-гарбий Ҳисор худудининг геологик тузилиши ва истиқболи ҳақида гапириб беринг.
4. Сурхондарे худудининг геологик тузилиши ва истиқболи ҳақида гапириб беринг.
5. Фарғона худудининг геологик тузилиши ва истиқболи ҳақида гапириб беринг.

9. НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИНИ БУРГУЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ХАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Кудукларни бургулаш деб төф жинсларида думалоқ кесимли төпик ҳосиһ қилиш билан боғлиқ жами ишлар мажмусига айтилади. Бу ишлар одатда төпик ичига одам кирмасдан маҳсус техник воситалар ёрдамида бажарилади. Шундай қилиб, бургулаш жараёни техник ривожланишнинг узун тарихидаги, амалларининг күпчилигига одамлар қатнашмайдиган жараёнлардан биринчиси деса бўлади.

Бургулаш қулуклари ўрганиш ёки нефть ва газ конларини ишлатиш мақсадида қазилади. Қидирув кудуклари орасида хариталаш қулуклари (геологик хариталаш бажарилаётган туб жинслар билан туташ юзани аниқлаш учун), изловчи кудуклар (мазкур районда у ёки бу фойдали қазилмаларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш учун), қидирув кудуклари (мазкур конда фойдали қазилмалар заҳирасини аниқлаш ва чегаралаш учун), гидрогеологик кудуклар (ер ости сувларини ўрганиш, уларнинг ётиш шароитларини, мумкин бўлган маҳсул микдорини ва кимёвий таркибини ўрганиш учун), артезиан кудуклари (бу кудуклар сувлари босимли қатлампарга қазилган гидрогеологик кудукларнинг бошқача туридир) мавжуд. Қидирув кудуклари сафига инженер-геологик қулуклар ҳам киради, бу кудуклар келгусида куриладиган ишиштот учун асос, муҳит ва ашё бўладиган төф жинсларини ўрганиш учун қазилади. Сейсмик кудуклар (сейсмик қидирувда ер остида портлатишда фойдаланилади), параметрик қулуклар (төф жинсларининг ётиш элементларини ва геофизик тузилишининг параметрларини ўлчаш учун) ва бошқалар.

Ишлатиш қулуклари Ер қаъридан фойдали қазилмаларни (ичадиган, техник ва минерал сувларни, нефтни, газни, эритмаларни ва коришмаларни) олиш

учун бурғуланади. Бу қудуклар орасида сув олувчи қудуклар, нефть ва газ олии қудуклари, кўмирларни ер остида газлаштириш қудуклари, намакоб олии қулуклари, ва геотехнологик қудуклар ажратилади.

9.1-жадвалда қидирув ва бошқа қудукларни бурғулашнинг механик усусларини бўлимларга ажратилишининг умумий схемаси берилган.

9.1-жадвалда берилган умумий схеманинг моҳияти шундаки, унда даставвал бурғулашнинг таснифий хусусиятлари кўрсатилган.

Сўнгра ҳар бир хусусият оралиғида унинг усуслари турларининг ва хилма-хиллигининг таснифий гуруҳлари кўрсатилган. Бу схемадаги шартли равишдаги “бурғулаш усули” тушунчаси кенг маънони билдиради. Унга нафақат бурғулаш усулининг узи, яъни жинсларни парчалаш усулигиша эмас, балки жинсларни парчалашда ишлатиладиган асбоб, узатма хусусиятлари, парчалангандан маҳсулотларни чиқариши, олинган намуналарни тафсилоти, уларни юқорига транспортировка қилиш ва бошқа баъзи хусусиятлари ҳам киради. Мана шу юқорида санаб ўтилган амалларнинг элементлари “бурғулаш” атамаси билан ифодаланади.

Бурғулаш Ер қаърила нефть ёки газ уюми бор-йўқми деган саволга аниқ жавоб берувчи ягона усулdir. Бурғулаш излап усули сифатида анча илгаридан бери кўллаб келинади. Хитойда бизнинг эрамизгача бурғулангандан қудуклар маълум. Уларнинг чуқурликлари бир исча юз метрлар бўлган, бурғулаш учун эса бамбук дараҳтларининг ковак танасидан фойдаланилган.

Бургулап усууларининг таснифи

Тасниф аломати	Тасниф гурухи
1. Бургуланаётган құлук тубининг шаклы бүйича	Текис тубли (көрнекіз бургулаш) Халқасимон тублы (колонкалы бургулаш)
2. Жинсга таъсир қылыш усули бүйича	Зарбli. Айланма. Тебранма (зарбли-тебранма). Сиккиш аралаги (зарбли-айланма, зарбли - бурилиш, тебранма-айланма ва боңка).
3. Жинсларни парчалайдиган асбоб бүйича.	Қаттық қотишмали. Олмосли. Мустахкам пұлатли. Шарошқали.
4. Жинсларни парчалайдиган асбобни алмаштириш усули бүйича.	Снарядни кутарғандан кейин асбобни алмаштириш Снарядни кутармасдан асбобни алмаштириш.
5. Жинсларни парчалаш жараёнини жадаллаштириш учун күлланиладиган асосий ёки күшімча механизм түри бүйича.	Гидроизарбалы. Пневмозарбалы. Баланссыз тебранини механизмлари. Электромагнит тебранини құзғатувчылар. Магнитострикторлар. Индукицион - динамик таъсир қылувчи механизмдер.
6. Күлланиладиган узатма бүйича	Электрик. Гидравлик. Пневматик.
7. Кудук тубидан парчаланган маҳсулотларни чиқариш усули бүйича.	Парчаланган маҳсулотларни мажбур этиб чиқармасдан (уларни деворларга сикіб чиқариш билан). Парчаланган маҳсулотларни механик усул билан чиқариши (масалан, шнекли, транспортёр билан, желонкалар билан). Парчаланган маҳсулотларни суюқлик билан чиқариши. Парчаланган маҳсулотларни газ билан чиқариши.
8. Кудук деворларини мустахкамлаш усули билан	Кудук деворларини мустахкамласдан. Кудук деворларини маҳсус эритмалар билан мустахкамлаш. Кудук деворларини мустахкамловчи кувурлар-пұлатли, ёғочли, полимерлы, шиша пластикли ва башқылар билан оралагиб мустахкамлаш. (чүкүрлаштириш жараёнини тұтқаттап қолда). Кудукларни бир найтда ёки олдиндан мустахкамловчи кувурлар билан мустахкамлаш. Деворларни вакти-вақти билан музлатиш, құлук губини узлуясьиз музлатиш иули билан мустахкамлаш.

XIX асрнинг 20-йиларида Арангистонда (Артуа провинциясида) дастлабки қулуклар сув учун бургуланган. 1845 йилда арангистонлик муҳандис А.Фовель қудук тубидан юқорига нарчаланган жинсларни олиб чиқиш учун қулук тубини ювишни тавсия этди, бу эса бургулаш жараёни технологиясини бир мунча мукаммаллаштириди. Нефть ва газ саноатини 1859 йилда полковник Дрейк нефть қудуғини бургулагандан кейин бошланган деб ҳисобланади. Бу пайтда қулукни бургулаш ковлаш усули билан бажарилар эди, шунинг учун қудукни бургулаш эмас, балки ковлаш деса түғри бўлар эди. Ковлаб ўтиш тезлиги жуда кам-кунига 1м дан оппмас, чуқурлик эса камдан-кам ҳолларда 500м ошар эди. XX асрнинг бошларида ковлаб бургулаш ўрнига айланма ёки роторли бургулаш усули келди. Бу усулнинг дастлабки ихтирочилари Бакулик нефть ишлаб чиқарувчилар бўлди, улар бу усулни 1911 йилда қўллашган эди. Бурғу айлангандаги қудук тубида жинслар майдатаниб ва ейилиб кетар эди. Бургулаш тезлиги кунига 400-500м га етди, қудук чуқурлиги 3-4км дан ошиб кетди. Бироқ бургулаш асбобининг жуда катта бўлганилиги роторли бургулашни ривожланишини тұхтатиб туради. Ҳақиқатан, 3,5-4км чуқурликдаги бургулаш қувурлари бирикмасининг (оғирлиги) 200т дан ортиклир. Шунинг учун энергиянинг асосий қисми қудукни чуқурроқ қазишга эмас, қувурлар бирикмасини айлантиришга сарфланар эди.

Қудук тубида иштайдиган двигатель барпо қилиб, бургулаш жараёпини қудук тубига тушириш мумкин эмасмикан, деган савол олимларни үйлантириб кўйди. 1922 йилда рус муҳандиси М.А.Капелюшников қулукларни бургулашнинг янги ажойиб усулини - турбинали бургулаш усулини таклиф этди. Кейинчалик бу фоя Л.П.Шумилов, Р.А.Ионесян, Э.И.Тагиев, М.Г.Гусман ва бошқа олимлар томонидан такомилаштирилди.

Хозирги турбинали бурғу - узунлиги 10м гача бўлган кўп поғонали туб двигателидир. Унинг ҳар бир

погонасида (улар ҳаммаси бұлғын 100 дан ортик) профиллаптирилған куракли иккита диск бор. Дисклардан бири - статор, бурғу корпусиға құзғалмайдыған қилиб мақкамланған, иккінчиси - ротор, айланади. Кудук тубини ювиш учун юборилған лойлы бурғулаш әрітмаси роторга томон йұналиб, унинг қайрилған куракларидан айланып үтиб, уларни айлантиради. Ҳар бир ротор нисбатан унча катта бұлмаган айланма күч беради, аммо жами күч бурғуни айлантиришга етарлича купдир.

Электр двигателлар ҳам ишлаб чиқылған. Бунда бурғулаш кувурларининг пастки учига кичик диаметрли электр мотор үрнатылади. Бурғулаш кувурида жойлашып резинали кувурча ичидағы учта симли кабель орқали электр, электр энергиясы моторға юборилади. Электр моторнинг айланадыған кисмiga бурғу улапған. Шу билан бурғулаш жараёни автоматлаптириләди ва у осонгина бошқарылади.

Кудукларни бурғулаш жараёни бир неча амаллардан иборат. Аввал турли асбоб-ускуналар үрнатып учун майдонча тайёрланади. Бурғулаш минораси йигилади, унинг олдига лойлы әрітмаларни тайёрлаб берувчи кичкинагина " завод" қурилади, сув келтириләди, әрітмани кулукқа ҳайдайдыған кучли насослар үрнатылади. Шу ернинг үзіде электр цехи қурилади, унга юқори вольтли узатгичларидан электр юборилади. Бурғулаш асбобларини күтариш ва гүшириш учун кувватли чигирлар үрнатылади. Кудукқа бир мунча яқын жойда турар жойлар, керн омбори (кулуклан күтарилған жинслар намуналари сақланадыған жой), идора, маиштік хизмат күрсатувчи хоналар қурилади. Қурил турибмизки, қудук олдидә бүтүн бир кишлоқ барып этилади.

Жиһозлаптінинг мұраккаблашиши асосан чукур излов қудуклари билан боғлик, чунки түғри келади, бу қулуклар одатда турар-жой объектларидан ағча узоклиқда бурғуланды.

Бурғулашдан олдин диаметри 1м, чукурлиги 15-20м бұлған йұналтирувчи шахтани қазып зарур.

Бургучилар олдиндан неча метрли күдүк қазишларини ва унинг туви диаметрини биладилар. Шундан келиб чиқиб қувурларнинг бошланғич диаметри танлаб олинади. Қувурларнинг узунлиги 6-10м. Икки-учта қувур бураб бириктирилиб, «шам (свеча)» ҳосил қилинади. Минорада тайёр «шам»лардан бир нечтаси бұлади. Қулуккынг чүқүрлигига қараб «шам»лар бир-бирига бураб бириктириледи, биринчи «шам»нинг учиды бурғу бұлади.

Бургуланган жинсни чиқариш учун қулукқа лойлы эритма ҳайдалауди, бу эритма зичлигі 1,2-1,5 г/см³ бұлған суюқ лойқадан иборат. Баъзан эритма зичлигини турли оғирлаштиригічлар (гематит, барит) ёрдамида 2 г/см³ ва ундан күшгә оширишади.

Чүқүрлиги 1км бұлған қулукни бургулаш учун 100 м³ ортиқ эритма тайёрлаш керак. Бурғу қувури орқали эритма күдүк тубига тушади, у ердаги жинсларнинг майда парчаларини (шламтарини), қувурнинг ташқы бұшлагидан ер сиртига олиб чиқади. Ҳар бир километрга 50-80 т парчаланган жинслар түгри келади.

Лойлы эритма яна битта муҳим вазифани бажаради-қатламга қарши босимни ҳосил қиласы да бу билан ундағы нефть, газ ёки сувни вақтдан олдин ташқарига чиқармасдан ушлаб туради.

Масалан, 2км чүқүрликда нефть ёки газнинг одатдаги босими 20 МПа га тенг. 1,2 г/см³ зичлигидеги лойлы эритма устуни бундай күдүк тубига 24 МПа босим билан күрсатади. Нефть ёки газ қатламдан чиқа олмайды да кутилмаган фаввора бұлмайды. Бургучилар буларнинг хаммасини ҳисобға олишлари керак, акс ҳолда ҳалокат содир булиши мумкин. Тұсатдан отишилб чиққан нефть ёки газ фаввораси бургулаш минорасини ва қимматли жиһозларни ишдан чиқариши мумкин. Ҳаюкаттарда нұлат қувурлар мис симга үхшаш юмалоқлапиб қолади. Бурғу қувурига тасодиған келиб урилған кичкинагина тоңдан учкун чиқиб ёнғинга сабаб булиши мумкин. Бу ёнғинни үчириш мүшкүл ва хавфлидер. Баъзан ҳаюкатлы күдүк бир неча ойлаб

ёнаци, у билан бирга кимматбақо минерал ашё ҳам бекорга ёниб кетади.

Лойли әритма яна бурғулаш бурғусини совитали, кулук деворларини лойлаштиради ва уларни мустахкамлайди. Эритма юқорига чиққандан кейин маҳсус тиндиригичга тушади, тиндиригичда жинслар заррачалари чўккандан кейин қайтиб яна қудукқа ҳайдалади.

Бурғуланида лойли эритманинг сифати катта аҳамиятга эга. Керакли талабларга жавоб берадиган яхши эритмани тайёрлаш айрим ҳолларда жуда қийин бўлади.

Хозирги вақтда бурғулашда күпинча уч шарошқали бурғу ишлатилиди. Унинг ҳар бир шарошқаси алоҳида айланиши мумкин. У қудук тубида думалаб жинсларни парчалайди, майдалайди. Баъзан шарошқа тишчаларини қаттиқ қотишма билан қошлийдилар. Ута қаттиқ жинсларни ковтаб ўтища олмос бурғулар ишлатилиди. Вақти – вақти билан ҳар қандай бурғуни ҳам алмантиришга тўғри келади, чунки улар ҳам эскиради. Бурғуни алмантириш учун бутун бурғуларни қувурлари бирикмаси кўтарилади ва бураб ажратилиди. Бунда тушириш – кутариш амаллари бажарилади, бу иш анча мураккаб жараён бўлиб, қудукни ковлаш муддатини анча узайтиради. Қудук деворлари ўпирилиб тушиб кетмаслиги учун унинг стволига диаметри 114-426 мм бўлган маҳсус шулат қувурлар туширилади, бу қувурлар ва қудук деворлари ораси катта босим остида цемент билан тулдирилади.

Қудук қазиб бўлингандан кейин у урганилади. Бурғулаш жараёнида керн олинади. Турли чукурликдаги қудуклар тубидан олинган жинслар намунаси *керн* дейилади. Бироқ қудукнинг бутун чукурлиги бўйича керн факат айрим ҳоллардагина - таянч қудуклари қазилгандагина олинади. Одатда керн очилған кесимнинг 20-30% таърифлайди. Аммо, геологлар тоғ жинслари таркибининг хусусиятларини, қудукнинг бутун танаси бўйлаб билишлари зарур.

Бунда геологларга, турли асбоблар билан жиҳозланган, кон геофизиклари ёрдамга келади. Кон геофизикларининг тадқиқотлари кудукнинг бутун узунлиги бўйича жинсларни литологик таркибини, қалинлигини аниқлашга, маҳсулдор горизонтларнинг ётиш ораликларини кўрсатишга, тоғ жинсларининг коллекторлик хоссаларини аниқлаш имконини беради. Бу маълумотлар турли геологик хариталарни: литологик, қалинлик, тузилма, фоваклик, ўтказувчаник, сувланганлик ва бошқаларни тузишида фойдаланилади. Бу хариталарсиз илмий асосланган кидиравни ва нефть-газ конларини ишлатишни амалга ошириш мумкин эмас. Кон геофизикларининг тадқиқотларини фарангистошлик мутахассислар *каротаж* деб атадилар. Ҳозир каротажнинг 40 дан ортиқ тури бор. Электрик, радиоактив, термик, акустик, индукцион унинг энг күн тарқалган усуllibаридир.

Электрик усуллар қудукнинг танаси бўйлаб электр майдоннинг хусусиятларини ўрганишга асосланган. Кудукка тупириладиган маҳсус асбоблар билан тоғ жинсларининг солиширма электр қаршилиги ўлчанади. Унинг хоссалари зоҳирий қаршилик кўринишида ёзилади. Одатда бу эгри чизик қудукнинг бутун танаси бўйича табиий потенциалларни узгаришини акслантирувчи эгри чизик билан биргаликда курилади. Мутахассислар бу эгри чизикларни урганиб, кесимда турли турдаги жинсларни – кум, қумтош, гил, оҳактошларни, катта қаршиликлар бўйича маҳсулдор горизонтларни кўрсатадилар, чунки нефть ва газ диэлектриклардир.

Солча, шу билан бирга жуда фойдали усул ковак ўлчаш (кавернометрия) усулидир. Бунда маҳсус асбоб билан қудук диаметри ўлчанади. Жинс қанча зич бўлса, у бурғу диаметрига шунча яқин булади. Сочилувчан жинсларда (гил, кум) қудук деворлари лойли эритма билан ювилади, жинслар ўпирилиб тушиб, коваклар ҳосил бўлади, бу эса кавернограммада яхши кўринади.

Кон геофизиклари тадқиқотларининг мухим усули-радиоактив усулларидир. Уларнинг турлари күп: бу гамма усул (ГУ), гамма-гамма-усул (ГГУ), нейтрон-гамма-усул (НГУ) ва бошқалар. Уларнинг ҳаммасида төғ жинсларидаги табиий ски кейин пайдо қилинган радиацияси ўрганилади. Олинган натижалар эгри чизик кўрининшида тасвирланади.

Термометрик каротаж кудук танасидаги ҳароратнинг аниқлашни ўрганишга ёрдам беради. Бу маълумотлар Ер қаърининг ҳарорат режимини шарҳлашга, газ уюмларини ажратиб кўрсатишга ёрдам беради. Газ уюмлари термограмманинг минимал қийматлари бўйича ажратилади, чунки газнинг адиабатик кенгайиши ҳароратнинг пасайишига олиб келади.

Акустик каротаж - кудукда сунъий ҳосил қилинган таранг тебранишларни ёзиб олади. Тебраниш тарқалишининг тезлиги, уларнинг сўнишини узига ҳос хусусиятлари жинсларнинг ғоваклигини баҳолашга имкон яратади. Акустик каротаж билан индукцион каротаж одатда бирга қўлланилади, индукцион каротаж ғовак резервуарларининг нефтгазлигини тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Кон геофизик тадқиқотларининг ҳамма турлари бирга қўлланилади. Замонавий каротаж станцияси битта машинага ўрнатилган. Каротаж маълумотларига кўра кон геофизиклари нефть-газга туйинган горизонтларнинг ётиш чукурлиги ҳақида холоса чиқарадилар, улар асосида эса нефть-газга туйинган горизонтлар очилиб углеводород оқимлари олинади.

Назорат саволлари.

1. Бургулаш кудукларининг турлари ва вазифаларини галириб беринг.

2. Кудукларни бургулаш усуллари қайси хусусиятлар бўйича таснифлаштирилади?

3. Қудуклар ротор усули билан қандай бурғуланади?
4. Қудуклар турбинали усули билан қандай бурғуланади?
5. Қудукларни бурғулаш жараёни қандай боскичлардан иборат?

10. НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИНИ ИШЛАТИШ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Күлүкшарни бурғулашда, цементлашда ва перфорациялашда уларнинг танаси устигача лойли эритма билан тұлдирилған бұлади. Лойли эритма устуни қатламга босим ҳосил қилағы, бу босим қатлам босимига тенг ёки ортиқ бұлади. Бундай шароитда күлук үйнелешінің бүттаб қатламда суюқликни ёки газни ҳеч қандай харакати бўлмайди. Қатламдан қулукқа суюқлик ёки газ оқими бўлиши учун суюқлик устунининг босимини қатлам босимига нисбатан камайтириш керак.

Қатлам босими билан күлук туби босими орасида фарқ ҳосил булғанда, суюқлик ёки газ қудукқа қараб ҳаракатлапиб, перфорациоп төниклар орқали қулукқа кела бошлайди.

Күлук ишга тушгандан кейин қатлам босими нисбатан секин үзгара бошлайди. Агар вактнинг бирор оралиғида (ой, квартал) қатлам босими деярли үзгәрмаса, қулукқа келаётган суюқлик оқими, шунга ухшаш шароитларда, асосан қудук тубидаги босим катталигига боғлиқ бўлиб қолади. Қатлам ва туб босимлари орасидаги фарқ ($P_{қат} - P_{туб}$) **депрессия** дейилади.

Нефть ва газ қудукларини берилған гурли депрессияларда ишлатиш мумкин, демек, суюқлик ва газнинг қатламдаги ҳаракати жадаллигини ва қудук дебитини кеңг күнамла үзгартериш мумкин.

Шундай қилиб, нефть уюmlарини ишлатинда үзаро боғлиқ иккى жараён бир вактнинг үзида содир булади:

1) қатлам күчлари таъсири остида суюқлик ва газнинг нефтли қатламлар ташкил тоған ғовак мұхит орқали ҳаракати;

2) суюқлик ва газни қудук танаси орқали сиртига кутарилиши.

Қатламдаги ҳар бир қудукдан олинаётган суюқликни назорат қилиши ва бошқариш йўли билан қатламдаги суюқлик ҳаракатининг ҳамма жараёнини бошқаришга эришилади.

Конларни ишташда қатлам энергиясининг заҳиралари катта ёки кичик даражада қатламдан олинаётган суюқлик ва газнинг жорий микдорига боғлиқ равишда камаяди. Қатлам энергиясининг камайини билан қатламдаги нефть ҳаракатининг жадаллиги ҳам сусайди, унинг байзи қудукларига келаётган оқим камаяди.

Қатламдаги нефтни юзага чиқариш усуллари ёки қудукларни ишлатиш усуллари конларни ишланиш жараёнида ўзгармасдан қолмайди, улар қатлам энергиясининг катталигига боғлиқ равишда ўзгаради.

Нефть қудукларни ҳамма маълум ишлатиш усулларини иккита асосий гурухга ажратиш мумкин:

- фавворали;
- механизациялаштирилган.

Жуда катта табиий қатлам энергияси заҳираларига эга бўлган уюмтарда қудуклар фавворали ишлатилади, бунда қатлам энергиялари нафақат суюқликни қатлам бўйича ҳаракатланишига, балки уни юзага чиқаришга ҳам етарлидир.

Суюқликни юзага тўлиқ чиқаришга қатлам энергияси заҳиралари етмаса, қудукларни механизациялаштирилган усулда ишлатилади, яъни нефтни юқорига кўтариш у ёки бу механизм ёрдамида амалга оширилади.

Янги, ҳали ҳеч кандай маҳсулот қазиб олинмаган уюмтардаги ҳар бир қудукни ишлатиш вақтини икки даврга бўлиши мумкин. Уюмда табиий энергиялар заҳираси кўп бўлган биринчи даврда қудук фавворали ишлатилади. Бу давр юқори маҳсулдорлик билан хусусиятланади, шундай ҳоллар ҳам бўлиши мумкинки, бу даврда қудуклан бутун ишлатиш даврида олинган нефть умумий микдорининг 70% кўпроғи олинаиди.

Нефть күдуғидаги суюқликни табиий қатлам энергияси ҳисобига юзага чиқадиган усул **фавворали усул** дейилади.

Нефть билан бирга олинаётган газнинг микдорига ва конни ишлаш режимига қараб фаввора гидростатик босим таъсирида ёки кенгайиш газни энергияси ҳисобига, шунингдек иккала омилиниг бир шайтдаги таъсири остида бўлиши мумкин.

Қатламниг фақат гидростатик босими натижасидаги фаввора нефть күдуқларини ишлатища жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Нефть қатламида газ бўлмаса ва қатлам босими тўла күдуқдаги исфть устуни босимидан юкори бўлса, бу ҳодиса рўй беради.

Кўп ҳолларда фавворанинг асосий омили газ ҳисобланади, газ ҳар доим қатламда нефть билан бирга бўлади. Бу сув тазикли усул билан аниқ ифодаланган конлар учун ҳам ўринлидир. Масалан, кўпгина сув тазикли конларда ишланинг бошлангич шайтларида газ нефтда бутунлай эриган ҳолда бўлган. Демак, бу ҳолда қатламда фақат суюқлик ҳаракат килади. Бу қатламга ўтказилган күдуқни ушаштиришда эркин газ нефтдан кутарма қувурлардагина, босим тўйиниш босимидан кам бўлган чуқурликда ажралиб чиқади. Бундай ҳолда нефть гидростатик босим ва күдуқнинг факат юкори қисмидаги эркин газ энергияси ҳисобига кўтарила боилайди. Нефтни газга тўйиниш босимига мос келувчи чуқурликда газ нефтдан майда пуфакчалар шаклида ажралиб чиқа бошлайди. Газ пуфакчалари кулиб бўйлаб юкорига кўтаришган сари уларга бўлган босим камая боради, бу босим берилган иукта устидаги газланған суюқлик устунининг босимига тенг булади. Босим камая борган сари газ ҳажми орта боради, натижада юкорига чиқаётган суюқлик ва газ коришмасининг солиштирма оғирлиги камая боради. Бу суюқлик сатҳини күдук устигача кутарилишига олиб келади.

Демак, күдуқдаги фаввора қатламдаги босим билан суюқлик устунининг күдук тубига босими

орасидаги фарки натижасида содир булади. Бунда қатламдан қудукқа келувчи ва юқори күтарилган сари кенгаючи газ таъсири катта роль уйнайди, бу эса қудуклаги коришманинг солиштирма оғирлигини камайинишига ва суюқлик сатхининг күтарилишига олиб келади.

Қатлам босимининг пасайини ва уюмни сув босиши натижасида қулукнинг фаввораланиш жадаллиги камаяди; нефть ва эркин газ вақти-вақти билан алмашиниб отилиб чиқади, бу эса эркин газнинг бекорга сарф бўлишига олиб келади. Натижада қатламда қолган энергия қудуклаги суюқликни маълум баландликка олиб чиқишигагина етади.

Кудукни иккинчи ишлатиш даври-механизациялаштирилган даври келди.


Нефть қудукларини ишлатишнинг механизациялашган усулига компрессорли ва насосли усуллар киради.

Компрессорли усулда суюқлик юқорига сиқилган ҳаво ёки газ ёрдамида чиқади, бу ҳаво ёки газ қудукқа туширилган кутарма кувурлар бошмоғига берилади. Газ ёки ҳавони сиқиши компрессорлар деб агалувчи маҳсус машиналарда амалга оширитади.

Суюқликни қатламдан юқорига кутарувчи ишчи омил ҳаво булиб компрессорли кутаргич (лифт) *эрлифт* дейилади. Агар ишчи эмас, газ бўлса, бундай курилма *газлифт* дейилади.

Ҳаво ёки газ билан ишлайдиган кутаргичнинг иш принципи куйидагилардан иборат.

Агар бирор идишдаги суюқлик тубига узаро бириктирилган най системаси туширилиб (10.1-расм), 1 найга ҳаво ёки газ юборилса, бу найдаги суюқлик ҳаво (газ) босими остида пастга сиқиб бориб идишга ва 2 найдаги оқиб ўтади. Ҳаво найдлар уланган жойга етгандан кейин майда шуфакчалар шаклида 2 найдаги ўтади ва юқорига интилади. Юқорига ҳаракат қилган ҳаво шуфакчалари ҳажми катталашиб, 2 найдаги суюқликни юқорига тортади.



10.1-расм. Ҳаволи күтаргич схемаси

Идишга ташқаридаң доимий равишда суюқлик қүйіб, ундағы маълум сатх ушлаб турилса, 1 найга үшіксиз ҳаво ёки газ юборилғанда, ҳаво (газ) биләп суюқлик бирға 2 най орқали юқорига чиқады. Нефть құлуктарыда юқоридаги шароитни ҳосил қилиш мүмкін, бунда құлук қатламдан мунтазам равишида суюқлик келиб тушадыған идишdir.

Ҳаволи ёки газли күтаргич ҳосил қилиш учун олатда құлукни фавворали ишлатиш усулда құлаппайладыған насос-компрессорлы қувурлар түшириләді.

Құдукқа ҳаво ҳайдашдан олдин ундағы суюқлик сатхи шу құлук жойлашған ердаги қатлам босимига мөс бүлған маълум чукурликта бўлади. Бу сатх статик сатх дениләді. Құдукнинг қувурлараро бўшлиғига ҳаво ҳайдаштыңда ундағы суюқлик күтаргич қувурларига, ҳамми ҳаволи қувур ва ишлатиш қувурлар бирикмаси орнисигига қувур ташқи бўшлиғига оқиб ўтад

Суюқликнинг бир қисми кудукдан қатламга сиқиб қўйилади. Суюқлик кувурлараро бўшлиқдан кўтаргич бирикма тубигача сиқилган вақтда ҳайдаш босими максимал катталикка эришади. Бу босим қувурлардаги ва кувурлараро бўшлиқдаги суюқлик устунини мувозанатда ушлаб турари ва ишга тушириш босими дейилади.

Кудукқа ҳавони ҳайдаган сари у кўтаргич кувурларга ўтиб, газланган суюқлик билан бирга юқорига кўтарилади. Ҳаво ва суюқлик аралашмаси кудук оғзига келгандан кейин биринчи отқин Ер юзасига чиқади, ҳайдап босими бирданига тушиб кетади, чунки бу босим кучли газланган суюқликни жуда кам солиштирма оғирлик билан мувозанатда ушлаб турди. Босим тушгандан кейин қатлам босими остида қатламдан кудукқа суюқлик кела бошлайди, бу суюқлик кўтаргич бирикма тубига етгандан, у ердан ҳайдалаётган янги ҳаво билан юқорига отилиб чиқади.

Кудукнинг ўрнатилган иш режимида унинг кувурлараро бўшлиғидаги суюқлик сатҳи маълум чуқурликда бўлади. Бу сатҳ *динамик сатҳ* дейилади, чунки ундан қулук тубигача бўлган суюқлик устуни кудук ишга тушган пайтдаги туб босимига мос келади.

Бунда ҳаво ҳайдаш босими - *иши босими* дейилади. Статик босим билан динамик босим орасидаги фарқ қатлам босими билан қулук туби босими орасидаги фарққа мос келади. Бу фарқ қанча катта бўлса ёки босим айрмаси катта бўлса, қудукқа қатламлардан келувчи нефть оқими шунча жадалроқ бўлади, демак, қулукнинг дебити шунча катта бўлади.

Ишлатишнинг компрессорли усули моҳияти буйича фаввора усулининг сунъий давоми ҳисобланади; қудукқа ҳайдалган газ ёки ҳаво, этишмаётган қатлам газини тўлдиради, суюқликни юқорига чиқариш билан боғлиқ ишни бажаради.

Компрессорли усул билан қудукнинг юқори унумдорликда ишлашини таъминлаш мумкин, чунки бу усул фаввора усули билан ишлашдан фарқ қилмайди. Шунинг учун компрессор усули катта микдорда

суюқликни ҳайдаб чиқарылалыгынан ва газ күтәрічінинг самарағы ишилаши учун етарлы суюқлик устунига әзірлеуден күдукларда мұваффақият билан құлланилади.

Узбекистонда ва чет әлларда күпгина құдуклар штангали чуқурлик насослари ёрдамида ишилатылади. Бундай насостар құдукдагы суюқлик сатхидан пастда чуқурлик құвурлары охирига үрнатылади: унинг поршени шатун-кривошиппи механизм ёрдамида ҳаракатта көлтирилади.

Плунжер төбратма дастгоғы билан штангалар бирикмаси – резвали бирикмалар ёрдамида бир-бирига уланған металл стерженлар орқали боғланған.

Штангали насос билан ишилатыш үзининг оддийлиги, унумдорлығы ва жуда катта чуқурлик оралиқларыда фойдаланыш құллаш мүмкінлеги билан кесінг құламда құлланилмокда.


Чуқурлик насослари сифатыда асосан плунжерли насослар құлланилади, бу насослар унча чуқур бұлмаган нефть құдукларыда ишилаш учун мүлжаланған. Плунжерли чуқурлик насоси пастки қисмінде шарикли сұрувчи түсқіч ва ичи ковак плунжер үрнатылған цилиндрдан тузылған. Плунжерда уздын ташқары битта ёки иккита шарикли хайдовчи түсқіч бор. Цилиндр күтәргич құвурлар бирикмасынинг пастки қисмінде құвурдагы суюқлик сатхидан настроққа үрнагилади, плунжер эса насосли штангаларға осиб қойылади.

Штангалар плунжерге құдук устида үрнатылған маңсус механизм ёрдамида қайтма - олға ҳаракатни узатади.

Плунжер юқорига ҳаракат қылғанда (10.2-расм) юқорига ҳайдаш түсқічи ёниледи, чунки унга насос құвурларынан суюқлик устуни босимни күрсатади. Бу үйтада пастки сұрувчи түсқіч, унга суюқлик пастдан босимни күрсатғани сабабли очилади ва суюқлик насос цилиндрге туша бошлайды.

Плунжер пастта туша бошлаганда (10.2-расм) пастки сұрувчи түсқіч плунжер остида жойлашған суюқлик босими остида ёниледи, юқориги түсқіч

очилади ва цилиндрләги суюқлик плунжер остидаги бүшликқа ўтади.



10.2-расм. Чукурлик насосининг ишланиш схемаси.

Шундай килиб, плунжер юқорига юрганда суюқлик насос цилиндрига сўрилади, пастга юрганда эга кўтаргич қувурларига ҳайдалади.

Мунтазам ишлагандаги ҳар бир юришда насос цилиндрига, плунжернинг юриши узунлигини унинг диаметрига кўпайтмасига teng ҳажмдаги, суюқлик тушади. Шу вакт ичидаги бундай ҳажмдаги суюқлик насос цилиндрдан плунжер устидаги бүшликқа, яъни суюқлик юқорига кутариладиган кўтаргич қувурларга ўтади.

Чукурлик насосининг плунжерини ҳаракатга келтириш учун қулук устида маҳсус шатуни-кривошили механизм ўрнатилади, бу механизм *тебратма дастгоҳ* дейилади. Тебратма дастгоҳ

электр двигатели валининг айланма ҳаракатини насосли штангалар бирикмасининг қайтма - олға борувчи тұғри чизикلى ҳаракатига үзгартыриш учун хизмат қиласы.

Штангали чукурлик насос қурилмаси схематик равища 10.3-расмда күрсатылған.

Насос цилинтри 1 күттаргич кувурлар бирикмасында 4 құлукдаги суюқлик сатқидан насторкқа үрнатылады. Плунжер 2 насос цилиндрдаги насос штангалариға 3 осиб қойылады. Қудук оғзига суюқлик чиқадыған 5 учык ва 6 сальник (мустаңкамловчи ҳалқа) үрнатылған, бу сальник орқали устки сайқалған штанга үтказилады, сайқалған штанга эса тебратма дастгоҳнинг 7 лангар қалыпта бошчасында (учига) арқонлы ёки занжири осмаларга осилады.

Электродвигатель валининг 11 айланни тасмали ва типши үзатма орқали кривошип валига үзатылады. Кривошип валининг үзайтирилған учига 10 кривошип (ёки валнинг икката учига иккита кривошип) үрнатылған, бу кривошип шатун 9 ва тебратма дастгоҳнинг лангар орқа елкаси 8 билан шарнирлар орқали болғланған.

Натижада лангарнинг орқа ва олдинги елкалари настга ва юқорига ҳаракат қиласы. Лангар билан бирга учига плунжер маҳқамланған насосли штангалар бирикмаси ҳам юқорига ва настга ҳаракат қиласы.

Тебратма дастгоҳ лангларининг тебранишлари сони кривошип валининг шу вақт ичидеги айланышлари сонига мөс келады. Ҳозирғи тебранма дастгоҳларда тебранишлар сони минутига 3 дан 15 тағача үзгариши мүмкін. Тебратма – дастгоҳлар үзатмасындағы электродвигателлар минутига 730, 1000 ва ҳатто 1500 марта айланадыған валнинг үзгартмас тезлигиге әгадір.

Сүнгі вақтларда табиий фаввора бұлмайдыған құлуклардан юқори суръатда суюқлик олиш учун чуктирма марказдан қочма электр насослари муваффакиятли құлапашылмокда. Бу күп поғонали, диаметри кичикроқ насослардир, уларнинг валлари

двигатель вали билан бириктирилган. Бундай агрегат құлукқа 2-3 та құвур билан суюқлик сатқыдан пастға тушириләди. Электр энергия юқоридан ажратыб құйилған кабель орқали юборилади.

Чүктірма әлекұннастар билан бирга кон саноатида гидравлик насослар ҳам құлланиләди, бу насосларда двигатель кучи булиб юқоридан ҳайдалаётган суюқликтар босими хизмат қылады.



10.3-расм. Чукурлы насос қурилмасининг ишлеш схемаси

Гидравлик насоснинг истиқболли турларидан бири гидропоршени насос ҳисобланади. Бу насосда

кучайтирувчи поршень ишчи поршень билан шток орқали қаттиқ боғланган. Кучайтирувчи поршеннинг юкорига ва пастга ҳаракати юкоридан ҳайдалаётган суюқликни тъсирида юз беради, у кучайтирувчи цилиндрнинг юқори ва пастки текисликларига босим беради ва золотник қурилма орқали назорат қилинади.

Кучайтирувчи поршеннинг жойи ўзгариши билан бир вақтда ишчи поршень ҳам қайтма - олға ҳаракат кила бошлайди. У юқорига юрганда қатламдаги суюқлик сўрилади, пастга юрганда суюқлик қувурлар бўшлиғига ҳайдалади.

Гидропоршени насос кўтаргич қувурларга туширилари ва белгиланган чукурликдаги маҳсус уяларга автомат равишда ўрнатилади.

Газ қудукларини ишлатиш ҳам фавворали нефть олишга ўхшайди. Икката ҳолда ҳам қудуклар сузгичли зонагача тушириладиган фавворали қувурлар бирикмаси ва қудук усти арматураси билан жиҳозланган.

Арматура қуйидагилардан иборат:

1) мустаҳкамловчи қувурлар бирикмасини бирлаштирувчи ва зичлаштирувчи қалпоқчалар бирикмаси;

2) фавора қувурларини осиш ва зичлигини мустаҳкамлаш учун қувур учи;

3) тармоқли, суримали, штуцерли арча.

Газ қудуклари нефть қудукларидаги усуллар каби ўзланитирилади. Кўпинча ўзланитишининг компрессор усули қўлланилади, бунда кўпни қудуклардаги юқори босимли газдан ёки ҳаракатланувчи компрессорли ускуналардан фойдаланилади.

Газ қувурининг атмосферага очилгандан кейинги мумкин бўлган максимал дебити **эркин дебит** дейилади. Газ қувурининг ишлатиш усули унинг саноат дебити, яъни олинаётган газ микдори билан аниқланиди. Бу дебит газ қудуклари тадқиқотларининг маълумотлари асосида ўрнатилади.

Синашда қудукнинг ҳар бир режимдаги иш кўрсаткичлари қайд қилиниб, босими, ҳарорати ва дебити ўлчанади. Усулининг ўзгариши ва газ қулуғи ишини бошқариш қудук устида маълум даражада босим ҳосил қилиш билан амалга оширилади. Бу мақсад учун штуцерлар қўлланилади.

Газ қудугининг саноат дебити айрим ҳолларда чекланади, чунки газни ҳаддан ташқари кўп олиш натижасида қуйидаги асфатлар келиб чиқиши мумкин:

1) қудук туви атрофи бузилади, қудукка катламдан жинсларнинг заррачалари чиқади, қумли тиқинлари пайдо бўлади;

2) қудукни чекка ёки остки сувлар босади;

3) қудук туви атрофидаги зонага туз кристаллари, балчиқ чиқади ва у беркитиб қўйилади;

4) газ ҳаддан ташқари совийди, асбоблар музлаб қолади, гидратлар ҳосил бўлади;

5) қудук ичидаги босим анчагина пасаяди ва ташки босим натижасида бирикмаларнинг эзилиш хавфи туғилади;

6) қудуклар қоникарсиз ҳолатга келади (зичлиги бузилади, ўзга сувлар босади).

Тадқиқотлар натижаларини ва юқорида санаб ўтилган омилларни таҳлил қилиб ишлатишдаги ҳамма газ қудукларини дебитлари танланади ва бошқарилади.

Газ қудугининг иши тегишли ўлчовлар, иш кўрсаткичларини қайд қилиш ва вақти-вақти билан ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили билан назорат қилинади.

Айрим қудуклардаги газ ўлчангандан кейин, уни намлик ва қаттиқ аралашмаларидан тозалангандан сўнг саноат аҳамиятидаги газ йиғувчи пунктларга жўнатилади, у ерда кейинги транспорт қилиш учун етарлича тайёргарликдан сўнг асосий газ узаттич кувурига тушади.

Назорат саволлари.

1. Кудукнинг фавворавий ишлатиш усули ҳақида гапириб беринг.
2. Кудукнинг компрессорли ишлатиш усули ҳақида нималарни биласиз?
3. Кудукларни чуқур насосли ишлатиш усули ҳақида гапириб беринг.
4. Газ қудукларини ишлатиш қандай амалга оширилади?
5. Нефть ва газ қудукларининг дебити қандай сабабларга кўра чекланади?

11. НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ҚАНДАЙ ИШЛАТИЛАДИ?

Нефть ва газ конлари қидирув ишлари тугагандан сүнг ва уларнинг саноат аҳамиятига эга эканлиги аниқлангандан кейин ишлашга туширилади. Ишлаш усуллари деганда уюмларни ишлап жараёнига таъсир этадиган ва уларни бошқарадиган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Конларни ишлаш аниқ система билан бурғуланган кудукларни ишлатиш оркали амалга оширилади. Ҳар бир ишлатиш обьектини уюмни ишлаш усулининг асосий элементлари бўлиб, маҳсулот олиш кудукларини жойлаштириш схемаси ва улар сони ҳисобланади. Мана шуларга, бошқа бир хил шароитларда, уюмдан нефть олиш суръати ва уни ишлаш муддати ҳам боғлик.

Ер қаъридан максимал микдорда нефть ва газ олиш учун конларни энг оқилона ишлаш усулини танлаш кўпгина омилларга боғлик, жумладан, уюмнинг энергетик режимига, майдоннинг геологик тузилишига, нефть қатламиниң физик-кимёвий хоссаларига, жинсларнинг коллекторлар физик-механик хоссаларига ва бошқаларга боғлик. Ҳар қандай нефть ёки газ уюми потенциал энергияга эга, бу энергия уюмни ишлаш жараёнида кинематик энергияга ўтади ва қатламдан нефть ҳамда газни сиқиб чиқариш учун сарфланади. Табиий шароитларга ва қатламларга таъсир этиш тадбирларига боғлик бўлган, қатлам энергиясини намоён бўлиши хусусиятлари уюмни *ишлаш режими* дейилади. Уюм режимларига номни қатлам энергиясининг асосий манбаларининг намоён бўлиш хусусиятларига қараб берилади: сув тазиикли, тараангли ёки тараанг-сув тазиикли, газ тазиикли ёки газ қаликчи, эритан газ ва гравитацион номлари ишлар жумласидандир. Сув тазиикли режимда нефть ва газ уюми қатлам сувларига тирагиб турали, бу ҳолда чекка (ёки остки) сув босими нефть ва газ уюмининг энергия манбаи бўлади. Уюмни тираг турган сув нефть

олинишига қараб суралади. Шунинг учун сув босими ва нефтнинг қудукка оқими деярли бир хил бўлади. Коннинг ишлаш самарадорлигини ошириш учун қудукни мумкин қадар узоқ вақт фаввора усулида ишлатиш керак. Бунинг учун сув тазийкли режимда нефть ва газни жуда тез олмаслик керак. Акс ҳолда нефть олишга қараганда сувнинг келиши орқада қолади ва қатламдаги босим туша бошлайди. Сув тазийкли режимда ишловчи уюмлардан ҳар йили олинаётган нефть ва газ уларнинг умумий заҳираларидан бир неча фоизинигина ташкил қилиши мақсадга мувофиқдир. Жуда кулай шароитларда сув тазийкли режим маҳсулдор қатламлардан нефть заҳираларини олишини жиддий равишда ошириш имконини беради.

Таранг-сув тазийкли режимда қатлам энергиясининг асосий манбай бўлиб сувнинг, нефтнинг ва тоғ босими таъсири остидаги ер қаъридаги сиқилган жинсларнинг таранглик кучлари ҳисобланади. Тоғ жинсларнинг ундаги нефтнинг ва сувнинг сиқилиши коэффициентининг микдори кичик бўлади, аммо жинсларнинг қалин қатлами ҳажми катта бўлганда, маҳсулдор қатлам ва ундаги нефть, сув катта таранглик энергиясига эга бўлади. Ҳосил бўлган жами натижа нефть олишга таъсир қиласди. Таранглик режимида нефть олинишига қараб қатлам босими пасаяди.

Газ тазийкли режим дастлаб газ қалпогида сиқилган ва нефть олиниш давомида кенгаядиган газ энергияси ҳисобига пайдо бўлади. Газ қалпогининг босими нефтни қудук тубларига суриб боришда катта урин эгаллайди. Агар газ қалпогининг ўлчами кичикроқ бўлса, ишланш давомида уюмдаги босим жиддий равишда камая боради. Шунинг учун газ қалпоги режимида аввал нефть олинади, кейин нефть уюмининг заҳиралари камайиши билан газ олишга ўтилади.

Эриган газ режимида энергия манбай булиб нефтьда эриган газ босими ҳисобланади. Босим

камайганда эриган газ өркин газга айланади. Бу режимда қудукларни ишлатиш давомида қатлам босими ва қудукқа нефтнинг оқиб келиши мунтазам равища камая боради.

Гравитация режимида энергия манбаи бўлиб нефтнинг оғирлик кучи ҳисобланади. Бу режим асосан нефть устуни баландлиги катта бўлган тик қатламларда намоён бўлади. Бу ҳолда сув ва газ босимга эга бўлмайди. Нефтнинг қудук тубига қараб харакати унинг оғирлиги таъсирида содир бўлади. Қатламдаги нефтнинг олинишига қараб унинг босими настга туша бошлайди.

Юқорида айтганимиздек, уюмнинг режимига қараб уни ишланинг энг оқилюна усули ташлаб олинади. Агар босим катта бўлса, нефть ёки газ қатлам энергияси хисобига насос – компрессорли қувурлар орқали юқорига фаввора бўлиб отилади. Бу қудукларнинг фавворали усул билан ишлапшидир. Нефть конларининг ишлари даври одатда тўртта босқичга бўлинади: ишлатиш обьектини саноат миқёсида ўзлаштириш босқичи - нефть олишни лойиҳадаги максимал кўрсаткичга (уюмнинг сувланиши кам бўлганда) етказиш билан хусусиятланади. Нефть олишни барқарорлашган юқори даражада ушлаб туриш босқичи ва қудуклардан нефти фаввора усулда олишдан механизациялаштирилган усулга ўтилади (уларнинг сувланиши кўпая бошлаганда), бу босқич охирида нефть заҳирасининг 40-70% олинади. Нефть олишни сезиларли даражада камайиши босқичида қудукларнинг кўни механизациялаштирилган ишлатиш усулига ўтказилали, маҳсулотнинг сувланганлиги тез ортади, босқич охирида нефть заҳирасининг 80-90% олинади. Сўнгти босқичда - ҳамма қудукларнинг нефть дебитлари камаяди, уларнинг маҳсулотлари юқори даражада сувланади.


Уюмларни табий режимларини самарадорлигини ошириш ва энг оқилюна ишлаш усули билан таъминлаш учун ҳозирги вақтда ишланинг дастлабки

давридаёқ қатlam босимини сунъий ушлаб туриш усуллари қўлланилади. Буларга қатlamга таъсир килишнинг турли усуллари киради жумладан: сув бостириш, газни газ қалшогига ёки қатlamнинг нефтли кисмига ҳайдаш ва бошқалар.

Уюмдан нефтни нисбатан тулароқ чиқазиб олишни сув тазиикли режим таъминлайди. Шунинг учун чегара ташқарисидан ва чегара ичкарисидан сув бостириш системалари кенг куламда қўлланилмоқда. Биринчи ҳолда нефть уюми чегарасидан ташқарида бурғуланган кудуклар орқали сув ҳайдатади (11.1-расм).

Чегара ташқарисидан сув бостирилганда маҳсулдор қатlamга сув ҳайдаладиган кудуклар **ҳайдовчи қудуқлар** дейилали. Ҳайдалган сув нефтни сиқиб чиқаради ва шу тариқа, сув тазиикли режим сунъий равишда ҳосил қилинади. Ҳайдовчи қудуклар планда уюмнинг сувли қисмида, яъни нефть уюми чегарасидан ташқарида жойлашади. Уюмни ишлатиш давомида сув-нефть туташ юзасининг кўчиши юза беради, чеккадаги маҳсулдор кудуклар сувланади ва улардан сув ҳайдаш учун фойдаланилади.

Контур ташқарисидан сув бостириш одатда улчамлари кичик ва ўрта нефть конларида, кўпинча қатlamли гумбаз уюмларида қўлланилади, сув бостириш қатlamнинг нефть бера олишлигини ортиради.



11.1-расм. Чегара ташқарисидан (а) ва чегара ичкарисидан (б) сув бостириш

Кудуклар: 1 - нефтли; 2 - ҳайдовчи; 3 - назорат қилувчи; нефть чегараси: 4 - ички, 5 - ташқи

Одатда жуда катта ўлчамлардаги уюмларда чегара ичкарисидан ҳам, ташқарисидан ҳам сув бостирилади. Бундай ҳолларда ҳайдовчи кудуклар нафакат нефть уюми чегарасидан ташқарида, балки ичида ҳам жойлашади. Бу эса нефть уюмларини фақат чекка қисмларини эмас, балки марказий қисмларини ҳам самарали иштап имконини яратади.

Қатламлардан нефтни тұлароқ олиш күдукларнинг жойлаштиришига ҳам боғлиқ. Масалан, маҳсулдар горизонтлари ҳар хил ёки паст коллекторлик хоссаларига эга бўлган уюмлар учун чегара ташқарисидан ва ичкарисидан сув бостириш кам самаралидир. Бундай ҳолларда уюм майдонида кудуклар учбурчакли ёки квадрат түр бўйича жойлаштирилиб бургulanади. Бутун майдон бўйича бир текис жойлашган кудукларнинг бир қисмидан ҳайдовчи кудуклар сифатида фойдаланилади, ҳар бир ҳайдовчи кудукни ўраб турган олиш күдукларидан эса нефть олинади.

Катлам босимини ушлаб туриш учун күшинча йўлдош газ қўлланилади. У нефтдан ажратиб олиниб, маҳсус ҳажмдор идисларда тўпланади, сўнгра босим остида нефть уюмининг гумбаз қисмига ҳайдалади. Газни буидай ҳайдап газ қалпоғига эга бўлган нефть уюмларида жуда самаралидир. Бундай ҳолда газ қалпоғи катталашади, у билан бирга нефть уюмидаги босим ҳам орта боради. Шу билан нефть қудукларининг дебитлари ҳам ортади.

Сўнгги йилларда «сэндвич» деган номни олган усул тарқалди. Бу усулда сув ва газ бир пайтда ҳайдалади. Агар нефть уюмидагаз қалпоғи ва остки сув бўлса, қалпокқа газ, нефть чегарасидан ташқарига сув ҳайдалади.

Чегара ташқарисидан ва чегара ичкарисидан сув бостиришни, бу усул катлам босимини ушлаб туриш учун ишлашнинг дастлабки босқичидан қўлланилиши билан, катламлардан табиий кам самарали усул билан нефть бутунлай қазиб олинган энергияси сўниб бўлган катламларга сув ёки газни ҳайдаш усули билан аралаштириб бўлмайди. Бундай сўнган катламларга сув ҳайдаш нефть олишни *иккиласчи усули* деган ном олган. Иккиласчи усулларга қолдик нефтларни қазиб олишнинг ҳамма усуллари киради.

Кудукқа келаётгап нефть оқими кулук туби атрофидаги зонанинг ифлюсланиши катлам жинсининг ғовакларини жинсининг каттиқ ёки шишган заррачалар билан тўлиши, ғовакларига катлам сувларидан гузларни ёки нефть қолдиқларидан оғир елимли қолдиқларни ва бошқаларни кириб қолини натижасида камайиши мумкин. Бундай ҳолларда катламдан кўпроқ нефть оқими келиши учун қудук туби атрофидаги зонанинг ўтказувчанлигини ошириш мақсадида турли усуллар қўлланилади. Бунга катламларни гидравлик ёриш ёки торпедалаш усули билан жинсларда сунъий дарзликлар ҳосил қилип ва маҳсулдор катламларга хлорид кислотали ишлов

бериш натижасида карбонатли жинсларда сунъий каналлар ҳосил қилиш усуулари қиради.

Гидравлик ёриш қатламга катта босим (50МПа гача) остида тозаланган нефтни, чучук ёки минералларни сувларни ҳайдаш орқали амалга оширилади. Суюқликка кум ёки пластмасса соққачалар қўшилади. Улар гидроёриқларнинг бекилиб қолишига тўсқинлик килади ва натижада юқори ўтказувчаник зонаси ҳосил қилинади. Гидравлик ёришни қўллап кўпинча ижобий натижалар беради, улар нефть қудукларининг дебитларни 2-3 марта оширади.

Қулуқни торпедалаш усулида махсулдорлик қатлами рўнарасига портловчи модда ўрнатилади. Портлаш натижасида қатlam туби зона минтақаси бузилади ва унинг атрофида ёриқлар ҳосил бўяди. Портловчи модданинг тури, микдори ва жинсларнинг хоссаларига кўра, жинсда ёриқлар ҳосил бўладиган зонанинг рақиси 10 м. гача ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Қатlam туби атрофига хлорид кислотали ишлов бериш моҳияти шундан иборатки, қудукқа хлорид кислота (HCL) ҳайдалганда карбонат жинслар(CaCO_3) эрийди:



демак, бу зонанинг ўтказувчанилиги ортади. Яхшироқ самара олиш учун қудук туби атрофидаги зонага хлорид кислотали ишлов бериш ва гидравлик усул билан ёриқ ҳосил қилиш бирга олиб борилади. Ҳарорат пасайганда қатlam ғовакларида асфальтен, елим ва парафинлар чука бошлайди. Бу қовушқоқлиги кам бўлган нефтларнинг ҳаракатига қўшимча қаршиликни юзага келишига ва қатламнинг нефтга тўйинган ажралган участкаларининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Қатlamда ҳароратнинг кўтарилиши нефтнинг қовушқоқлигини бир мунча камайтиради, унинг ҳаракатчанилигини оширади, нефтда ундан ажралиб

чикқан қаттиқ фазаларнинг эришига ёрдам беради. Кулук туби атрофидаги зона иссик ишлов бериш нефтнинг қовушқоқлигини камайтиради ва унинг қудукқа оқимини кўпайтиради. У диаметри 0,14м ва узунлиги 2м дан ортиқ электр иситгичлар ёрдамида амалга оширилади. Иситгич қатламни қудук тубидан 0,5м масофада 80°C гача иситади.

Ута қовушқоқ нефтларни олиш учун ишлапшнинг шахта усули қўлланилади. Нефтни шахта усули билан олиш 1939 йилда Ухтада (Россия) қўлланилган. Нефть шахталари 500м чўқурликкача булади.

Нефтни олиш амалиётида таркибига сирт-фаол моддалар (СФМ) кирган эритмалардан кенг фойдаланилади. Бу эритмалар билан қудук туби атрофи зоналарига ишлов бериш, сув ва нефть чегарасидаги сирт тарангликни камайтиради, натижада қатламдан келаётган нефть қудукнинг туби атрофидай зона йиғилиб қолган сувни ўзи билан олиб чиқади.

Назорат саволлари.

1. Нефть ва газ конларининг ишлап системаси деганда нима тушунилади?
2. Нефть ва газ уюмларининг ишлап режимлари ҳақида гапириб беринг.
3. Нима учун нефть уюмининг қатлам босими сунъий ушлаб турилади?
4. Қатламнинг гидравлик ёриш усулини гапириб беринг.
5. Қатлам туби атрофидаги зонага нима учун хлорид кислота билан ишлов берилади?

12. НЕФТЬ ОЛИШ ДАРАЖАСИНИ ҚАНДАЙ ОШИРИШ МУМКИН?


Олимлар ҳозирга қадар нефть бор заҳираларнинг учдан бири аниқланган деб ҳисоблашмокда. Учдан икки қисми эса уз кашфиётчиларини кутмокда, демак, геолог ва геофизиклар учун ҳали иш күн. Аммо янги конларнинг очилиши нефть ва газ заҳирасини опиришининг ягона йўли эмас. Нефтчилар ҳозирга қадар очилган конлардан тўла фойдалана олмаяптилар. Бу конларни ишлатиб улардаги нефть заҳираларини фақатгина бир қисмини оламиз. Унинг қолган қисми – нефть заҳирасининг 40-60% мутахассис фикрича Ер қаърида бутунлай қолиб кетади.

Газ билан ишлаш нисбатан осон, у жинсдан осонгина ажралади. Газнинг 85-95% Ер қаъридан чиқариб олинади. Аммо ер остида қолган газнинг ўндан бир қисми хам уни олувчилик учун катта қизиқиш уйғотади. Масалан: Сибирдаги ўта гигант Уренгой конидаги газ заҳираси 6 трлн.м³ микдорида баҳоланган, уни ишлап тутагандан кейин Ер қаърида 500-600 млрд.м³ газ қолади деб башорат қилинмокда, яъни қолган газнинг ўзи гигант кондир. Демак, ҳозирги вақтда нефть ишлар ва газчилар ишлатилиб бўлинган деб ҳисоблашган конларда тахминан 50% нефть ва 10% газ қолиб кетмокда. Ишлатищнинг қўлланилаётган усуслари ваҳшийлар усули эмасми? Айбатта йўқ. Техника фанларининг ҳозирги кунги савиясининг ўзи Ер қаърида қолаётган нефтнинг ва газнинг катта микдорини олиш мумкинлигига умид қилиш имкониятини бермокда.

Қатламдан нефти бутунлай олишга капишлир кучлар қаршилик кўрсатади, бу кучлар нефтни тоғ жинсларида ингичка каналчаларда ва микроскопик ғовакларда ушлаб туради. Ундан ташқари конни ишлашда қатлам энергияси пасаяди, шунинг учун ҳамма нефтни юқорига “итариб” чиқаришга кучи

стмайди. Катлам энергияси нефть ёки газ уюмларини түшөвчи сув босими билан, нефтда эриган ва қатлам босими камайганда кенгаядиган газ босими билан, шунингдек гравитацион кучлар билан аникланади. Бу энергия таъсири остида қудукдаги босим қатламдагидан кам бүлганды, нефть ва газ қудук томон сиқиб чиқарилади. Бирок энергиянинг камайиши билан қатлам босими камайиб, қудук тубидаги босимга якинлашади. Босимлар фарқини қолмаслиги қудук дебитининг камайишига олиб келади. Шунинг учун нефть конлари дастлабки ишлаш босқичида фаввора усулида ишлайди, ишлаш охирида эса маҳсус чукурлик насослари орқали улардан нефть сўриб чиқарилади.

Қатламдан нефть олишни купайтиришнинг эски усулларидан бири чегара ташқарисидан сув бостиришидир. Нефтчилар қатлам энергияси камаймаслиги учун ундан чиқариб олинган нефть урнига қатламга ўша микдорда сув ҳайдаш керак деган қарорга келдилар. Бунинг учун нефть чегараси гашқарисига маҳсус ҳайдовчи қудуклар бургуланади ва бу қудуклар орқали сув ҳайдалади (12.1-расм).



12.1-расм. Кесимда чегара ташқарисидан сув ҳайдаш схемаси

Ишлеш жараёнида уюм үлчамларининг камайиши билан баъзи оловчи кудуклар ҳам ҳайдовчи кудукларга ўтказилиши мумкин. Чегара ташқарисидан сув бостириш нефтга кўшимча босим беради, сув секинлик билан қатламдаги нефтни кудук тубига сиқиб чиқаради. Сув бостириш усулиниң биринчи натижалари кутилганидан ҳам ортиқ бўлди. Қатламлардан жами олинган нефть олиш айрим ҳолларда заҳираларни 70% кўпайтирди. Аммо майдони катта бўлган уюмларни ишлашда чегара ташқарисидан сув бостириш керакли натижаларни бермади. Бундай ҳолларда нефть чегараси ташқарисидан ҳайдалган сув энергияси бутун уюм бўйлаб керакли қатлам босимини бир хил катталикда ушлаб туриш учун етмайди. Шунда олимлар чегара ичидан сув бостиришни тавсия қилдилар. Нефть уюми бир неча қатор ҳайдовчи кудуклар билан алоҳида ҳайдаш майдонларга кесилади, бу майдонлар эса алоҳида-алоҳида

ишлилди. Бу усул уюмни факат чегара атрофини эмас, балки марказий қисмларини ҳам самарали ишлеш имконини яратади.

Сув бостириш қатламтарни нефть бера олиш коэффициентини оширибина қолмай, коннинг ишлеш суръатини оширади ва ишлеш муддатини камайтиради, нефть олиш жараёнини арzonлаштиради.

Сув бостиришнинг ҳар хил турларини қўллап қатламларни якуний нефть бера олиштигини 1,5-2,5 марта купайтиради. Бирок, бу ҳолларда ҳам қатламларда ҳали олинмаган нефть жуда кўп бўлади. Шунинг учун олимлар изланишини давом эттирилди: қатламга сув эмас, углеводород гази ҳайдалса, нима бўлар экан? Маълумки, нефть углеводородларда эриш қобилиятига экан. Бу газ, масалан, пропан боғлиқ нефтни эритиб, уни тоғ жинсидан ажратиб чиқара олармикан? Тажрибалар ўтказилди. Бундай усул билан нефть заҳираларини 80% гача олиш мумкин экан. Бундан ташқари, пефть эгаллаган ҳамма говак бўшликларни газ эгаллаши шарт эмас экан. Газ ҳам говак ҳажмининг 1,5-2% эгаллаши, қатламдан нефть олишини кескин ошириш учун етарли экан. Бу усул билан юқори самара олиш учун икки газ: метан (85%) ва этан (15%) аралашмали суюқ пропан ҳошияси энг мақсадга мувофиқлиси экан. Бу аралашма нефтли қатламга 20-30 МПа босим остида ҳайдалади. Газ аралашмаси ер тагида йўқолиб кетмайди, у кейинчалик қайтиб олинали. Аммо бу усулининг камчиликлари бор. У жуда қиммат ва асосан нефтнинг сигил фракцияларини олиш имконини беради. Шунинг учун бу усульдан енгил нефтли уюмларни ишлашда фойдаланилди.

Сўнгги йилларда нефть олишда мицелляр деб аталувчи маҳсус эритмалар қўллана бошланди. Бу эритманинг асосий таркибига нефть эритувчи сиртфаол моддалар (ПАВ), содетергент (спирт), углеводородли эритувчи (керосин, нефть, нефтнинг сигил фракциялари ва бошқалар) ва сув киради. Мицелляр дисперсияларда асосий ролни СФМ –

юқори молекулали нефть кимёси маҳсулотлари ўйнайди. Мицелляр эритмасининг кўриниши сувга ўхшайди – у каби тиник суюқлик. Ўзининг физик хоссаларига кўра у - бир жинсли, термодинамик барқарор, қовушқоқлик катта (1-10Па·с) ораликда ўзгарувчан ноњутоң суюқликдир. Кўп олимларнинг фикрича ҳозирги пайтда мицелляр эритмани ҳайдаб конни ишланини энг самарали усул деб ҳисоблайдилар. Нима учун?

Маълум меъёрда нефтда эриган СФМ молекулалари агрегатларни-мицеллаларни ҳосил қиласи. Тузилиши бўйича “нефтдаги сув” ёки “сувдаги нефть” туридаги эмульсияга ўхшаш эмульсиялар ҳосил бўлади. Уларнинг фарки заррачаларнинг ўлчамларидадир. Эмульсиядаги заррачалар ўлчами 10^{-3} - 10^{-4} мм, агрегатлар-мицеллалардаги 10^{-4} - 10^{-6} мм. Содда қилиб айтганда, бу дисперсиялар ўзида нефтни эритади ва уни жинсдан ажратиб олади. Коллектор тўғридан – тўғри мицелляр эритмаси билан ювилади ва нефтдан мутло тозаланади. Ҳосил бўлган эмульсиялар жуда қизиқ бир хоссага эга: улар қайта тиклана оладилар. Масалан, Ер каъридан чиққан бу эмульсияларда сув микдори ўзгаририлса, эритмадан дарҳол эркин нефтни ажралиб чиқилии юз беради.

Амалда мицеллалар эритмаларини сўнган конларни ишлап учун ҳам, янги уюмларни ишлаш учун ҳам қўллаш мумкин. Иккала ҳолда ҳам бу эритма нефтли қатлам ғовак бўшлигининг 3-12% ҳажмида нефтли туташ юза ҳошиясига ҳайдалади. Сунгра қатламга “сувдаги нефть” туридаги эмульсия ёки маҳсус сувли эритма ҳайдаб, буферли зона ҳосил қилинади. Буфер суюқлиги мицелляр эритмани сиқиб келаётган сув таъсири натижасида бузилишдан саклайди. Буферли суюқлик ҳажми қатлам – коллектор ғовак бўшлигининг 50% гача булиши мумкин. Ҳосил бўлган ҳошияларнинг иккита ҳалқали қатори бутун уюм майдони бўйлаб уларни итараётган минераллашган сув таъсирида ҳаракатга келади. АҚШнинг нефть конларида ўтказилган тажриба

синовлари сиқиб чиқариш коэффициентини 80-95% гача ўсишини күрсатди. Иллийс штатидаги олтига тажриба участкасидаға ғоваклиги - 19,5%, ұтказувчанлиги - $2 \cdot 10^{13} \text{ м}^2$, қолган нефтта түйинганлиги 40% бўлган сунган қумтошли нефть ўюмларига ишлов берилди. Уюмлар 300 м чуқурликда жойлашган эди. Қатламдаги ғоваклик ҳажмининг 5% тенг ҳажмда мицелляр эритмасини ҳайдаш натижасида қолган нефть микдорининг 65% чиқариб олинди. Сарф қилинган ҳар 1 т мицелляр эритмаси учун қўшимча равишда бт нефть олинди.

АҚШ Миллий нефть кенгашининг маълумотлари бўйича мицелляр эритмаларининг қўлланиши ҳисобига бу мамлакатнинг ҳамма исфть конларидан 10,1 млрд.м³ нефть олиш мумкин экан, бунча нефтни бошқа усувлар билан олиш мумкин эмас. Бунга нима тўсқиңлик қиласи? Агар муаммо ечилиган бўлса, дархол бу илмий ютуқларни амалда жорий этиш керак. Бироқ бунда “аммо” деган сўз бор; мицелляр эритмаларнинг пархи ҳозирча жуда киммат: 100 дан 150 дол/т. Бунда маҳсулдор қатламларни ювиш жараёнини техник амалга оширишга кўп қўшимча маблағ сарфланишини ҳам ҳисобга олиш керак. Шунинг учун мицелляр эритмалар ёрдамида қўшимча олинган нефть учун кетган умумий сарф-харажат 40 дол/т дан 100 дол/т гача ва ундан ортиқни ташкил қиласи. Ундан ташқари бу эритмалар кулуқ туви атрофидаги нисбатан чекланган зонага керакли таъсир кўрсатади, қатламнинг қолган қисмига таъсир кўрсата олмайди. Мана шуларнинг ҳаммаси мицелляр эритмаларни кенг кўламда қўлланишини тўхтатиб турибди.

Қатламларни нефть берга олишигини оширишни янги усувлари орасида иссиқлик таъсирига асосланганлари катта қизиқиши уйғотмоқда. Америкатик мутахассисларнинг холосасига кўра бу усувларни жорий қилиш Ер қаъридан нефть олишни икки баробар купайтиради. АҚШ нефть олиш

амалийётида бу усулларнинг турли кўринишдаги 40 дан ортиқ қўлланиш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Голландиядаги Шонебек конида биринчи маротаба иссиқ сув ҳайдаш йўли билан иссиқлик усулларини қўлланилишига асос солинди. Натижада нефть олиш 50% кўнайди. Бу усул парафин катта микдорда бўлган конларни ишланашда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Қатламга иссиқ сув ҳайдашни кенг қўлланишини ушлаб турувчи омил, бу сувни иситиш зарурлигидир. Бунинг учун энергия сарфланади, бу эса жараён технологиясини мураккаблаштиради ва кимматлаштиради.

Яқинда Хьюстон (АҚШ, Техас штати) шахридаги нефчилар бу мақсадда 4-5км чуқурликлардаги қатламларда жойлашган иссиқ минерал сувлардан фойдаланишни тавсия килдилар, бу нефть қазиб олиш коэффициентини 50% стказиши мумкин.

Яна ҳам самарали иссиқлик ташувчи-буғ ҳисобланади. Бугни 400°C ҳароратгача қиздириб, 15МПа босим остида 1-2 т/соат тезлик билан қудукка ҳайдалади. Ҳайдаш 10-14 кун давом этади, бу вакт ичидаги қудук туби атрофидаги зона $90-100^{\circ}\text{C}$ яхшилаб исийди, нефтнинг қовушқоклиги 100 марта гача камаяди. Суюлтирилган нефть қатлам бўйлаб ишләётган қудуклар туби томон нисбатан яхшироқ ҳаракат қиласи. Нефть дебити 6-10 баробар ортган ҳоллар ҳам бўлган. Масалан, Калифорнияда, қатламга иссиқ буғ билан ишлов бериш натижасида кунига қўшимча $2,4 - 8$ минг m^3 нефть олинган.

Нефть қатламига иссиқлик билан таъсир этишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Уларнинг биттаси – қатлам ичра ёниш усули алоҳида эътиборга лойиқ. Энг содда вариантда бунинг учун иккита қудук зарур: ҳайдовчи ва олувчи. Ҳайдовчи қудукка электр ёки ёнувчи иситгич түширилади, улар таъсирида жинс $400-500^{\circ}\text{C}$ иситилади. Сунгра бу қудукка ҳаво ҳайдалади, бу эса нефтнинг аланг алишига олиб

келади. Нефть уюмининг чекка қисми бўйлаб ёнғин содир бўлади. Ёнаётган жинснинг 1 m^3 кетган ҳавонинг солинитирма сарфи ёниш жойидаги ҳарорат $450\text{-}470^\circ\text{C}$ бўлганда $350\text{-}400\text{ m}^3$ ни ташкил этади. Ёниш $0,03\text{-}1\text{ m/kun}$ тезлик билан силжийди. Бунда, албатта, нефтнинг $10\text{-}15\%$ ёниб кетади, аммо нефть бера олишик 80% гача қўпаяди. Қатлам ичра ёниш усули катламларни нефть бера олиш коэффициенти юқори бўлмаган оғир нефтли конларда ва бундай конларни оддий усуллар билан ишлаш иқтисодга тўғри келмайдиган ҳолатларда қўлланилади.

Руминияда қатлам ичра ёниш усули бир оз ўзгартирилган. Ёнғин электрзапал (электр пилта) ёрдамида энг пастки маҳсулдор горизонтда бошланади. Нефть шунчалик қиздирилди, у газсимон ҳолатга ўтиб, қудук орқали ташқарига фаол интила бошлади, у ерда нефтни бир жойга тўплаб маҳсус цистерналарга солиш қолди, холос. Бу усул ёрдамида нефть олиш 15% дан ошмайдиган конларда 45% гача қўтарилиди.

Қатламлардан кўпроқ нефть олишининг яна битта йули унинг коллекторлик хоссаларини оширишидир. Фовакликни ўзгартириб бўлмайди, аммо маҳсулдор қатламни парчалаш, уни ёрикликлар системаси билан бўлиб ташлап мумкин. У ҳолда коллекторнинг ўтказувчанлиги ортади ва нефтни уйдан чиқиши осонлашади.

Бу усул оҳактошли ёки доломитли ётқизиқлар жойлапган уюмларни ишлашда қўлланилиши мумкин доломитлар ва оҳактошлар жуда кичик фовакли, аммо уларда динамик куч таъсирида осонликча дарзликлар ҳосил бўлади.

Етакчи нефть давлатларидаги мутахассислар бу муаммо устида уйланиб қоғидилар. Кулукда ядро бомбаси портлатилса-чи? 1967 йилда Пикчард-Клиффс (АҚШ, Нью-Мехико штати) газ конида шундай портлатиш биринчи маротаба амалга оширилди. Кудукнинг маҳсулдорлиги 6 марта ортди. Иккинчи портлатиш Рулисон (Колорадо штати) газ конида юз берди. Бу кондаги газ заҳираси 300млрд.m^3 , аммо

маҳсулдор қатламнинг коллекторлик хоссаси ёмон бўлганлиги сабабли бу заҳираларнинг 7% инигина олишга муваффак бўлинган эди. 40кт ядро қурилмаси 2,5км чукурликда портлатилди, қатламдан олинаётган газ 7-10 баробар ортди.

Шундай қилиб, маҳсулдор қатламларнинг коллекторлик хоссалари жуда ёмон бўлган кошларни муваффақиятли ишлаш имкони яратилибгина қолмай, ташланган, сунгани уюмларни қайта ишлашга ҳам имкон яратилиди.

Бу усулнинг битта хавфи бор – нефть ва газнинг портлашнинг радиоактив маҳсулотлари билан заҳарланиши. Тажрибаларда бунга эътибор берилди. Радиоактив маҳсулотларнинг 90% эримаган шишасимон материалда консервацияланиб қолар экан бу материал ўширилган қувур деворларида ва тубида қотиб қолади. Радиоактив маҳсулотларнинг қолган қисми газда қолади ва 1 секундан бир неча йилгача газда сақланиши мумкин. АҚШдаги тажрибалар портлатишнинг заҳарли моддалардан фақат ксенон – 133 (ярим парчаланиш даври 5 кун) қолинини курсатди. Афсуски, заҳарлилиги бир неча йиллардан кейингина йўқоладиган бошқа радиоактив моддалар ҳам ҳосил бўлар экан. Нима қилиш керак?

Амалда бундай иш тутилади. Қисқа вакт яшайдиган изотопларнинг парчаланишини бир оз вакт (бир неча кун, ҳафта ёки ой) кутиб, янги қудуктар билан ўширилган қувурлар қайтадан очилади. Узок яшовчи изотопларнинг концентрацияси хавф келтирмайдиган даражагача ҳаво ва тоза табиий газ билан, бир неча марта ифлос газни суюлтириш ва арадаптириш йўли билан, пасайтирилади. Кейинчалик бу газ техник мақсадларда ёқилғи ёки нефть кимё саноати учун ашё сифатида ишлатилади. Нефть эса қолдик радиоактив моддалардан холи булиб, бошқа усуlda олинган нефть каби қулланилиши мумкин.

Хозирча қатламлардан нефть ва газ олишни тезлаштирувчи ядервий портлатиш усули бир неча сабабларга кўра кенг қўлланилмайди. Биринчидан, бу

жараённинг технологияси охиригача ишланмаган; иккинчидан, нефть олувчиларга ўтирилган қувурлар деворларини қоплаб олувчи шишасимон модда қобиги жуда катта халақит беради, бу қобиқ портлаш самарасини йўққа чиқаради; учингидан, бундай портлашларни аҳоли кам яшайдиган районларда, хизматчиларни тўла хавфсизлигига кафилик берилган ҳолларда амалга ошириш мумкин. Мана шундай кийинчиликларга қарамай, кўпгина мутахассислар ядрорий портлатишнинг келажаги порлоқ деб ҳисоблайдилар, чунки портлаш на фақат маҳсулдор қатламнинг коллекторлик хоссаларини яхшилайли, балки уни яхши иситади, ҳатто нефть – газ олини ортиришга имконият яратади. Бу соҳада эришилган ютукларни ҳисобга олиб, америкалик иктисадчилар ядрорий портлашларни жадалаштиришга кетган харажатлар 3-4 йилда ўз ўрнини қоплади деб ҳисоблайдилар. Харажатлар жуда катта: 200-300 минг доллар, бунга маҳсус қулукларни ва ўтирилган қувурларда янги қудукларни бургулаш нархлари кирмайди.

Хуроса қилиб шуни айтиш керакки, нефть олишни кўнайтирувчи усувларнинг кўп турлари бўлишига қарамай, уларни амалга жорий қилиш ҳали етарли даражадаги аниқликда ишлаб чиқилмаган.

Назорат саволлари.

1. Нима учун қатламдаги нефть заҳираларини тўлиқ олиб бўлмайди?
2. Қатламларга чегара ташқарисидан ва чегара ичкарисидан сув бостириш усувлари ҳакида ганириб беринг.
3. Газ ҳайдаш усули ҳакида нималарни биласиз?
4. Нефть конларини ишлашда мицелляр эритмалари қандай ҳайдалади?
5. Нефть қатламига иссиқлик билан таъсир этиш усувларини ганириб беринг.

13. ГАЗ КОНИНИ ТУЗИЛИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Газ кони очилғанидан сұнг ва у қидирув құдуқлари бурғуланғани билан чегараланғандан кейин конни ишләші ва жиҳозлаш лойиҳаси тузилади.

Газ конининг ишләш тартиби унинг хусусиятларига боялған. Газли ва газконденсатлы конлар геологик тузилиши буйича оддий, мураккаб, бир қатламни ва күп қатламни, соф газли ва газконденсатлы булиши мүмкін. Үз навбатида газконденсатлы конлар газ таркибидаги конденсатнинг микдорига күра бир неча түрлелерге булинади: кам конденсатлы ($10 \text{ см}^3/\text{м}^3$); ўрта ($150\text{-}300 \text{ см}^3$) ёки жуда күп конденсатлы ($600 \text{ см}^3/\text{м}^3$ ва ундан ортиг).

Ундан тапқари, ҳамма газ конлари құдуқ дебитлари билан фарқ қилинади: жуда кам дебитли ($25 \text{ минг } \text{м}^3/\text{кун}$ гача), кам дебитли ($25\text{-}100 \text{ минг } \text{м}^3/\text{кун}$), ўрта дебитли ($100\text{-}500 \text{ минг } \text{м}^3/\text{кун}$), юқори дебитли ($500 \text{ минг-1 млн. } \text{м}^3/\text{кун}$) ва ўта юқори дебитли ($1 \text{ млн. } \text{м}^3/\text{кундан}$ юқори), шунингдек қатламнинг бопшланғич босими каттатиги буйича ҳам фарқ қилинади: паст босимли (6 МПа гача), ўртача босимли ($6\text{-}10 \text{ МПа}$), юқори босимли ($10\text{-}30 \text{ МПа}$) ва ўта юқори босимли (30 МПа дан ортиг).


Хозирги газ кони мураккаб ва түрли хұжаликка әга. Унга ишләттегі құдуқлар үз асбоб-ускуналари билан, газни йигища ишлатыладын ийінші тармоқлари ва газни узокқа транспорт қилишга тайёрлаш қурилмалари, компрессор, совитиш ва газ тақсимлаш стансиялари киради. Құшимча иншоотларга электр таъминловчи, сув билан таъминлаш, алоқа объектлари ва таъмирлаш устахоналари киради.

Газни ийінші түрлари шлейфлардан ёки ишлатылған ташлама қувурлардан иборат, бу қувурлар

кудуқлардан гурухий газ йиғиши пунктларигача (ёки кон коллекторларигача), газ йигувчи кон коллекторларигача ва газни транспорт қилишга тайёрлап ускуналари бұлған якка ёки гурухий йиғиши пунктларигача боради.

Шлейфлар орқали газ йиғиши пунктларига уланувчи құдуқтар сони уюмнинг үлчамларига, шаклига, ишлатилаёттан құлуқларнинг умумий сонига ва уларнинг жойлашиш тартибига, қатlam босимининг ва қудук усти босимининг катталигига, ҳароратига, қудукларнинг маҳсулдорлигига, газнинг фракцион таркибиға боғлиқ (12.1-расм).

Хамма газ қудуклари фаввора усулида ишлайди. Бұнда газ қатlam босими ҳисобига юзага чиқади.



13.1-расм. Газни йиғиши схемаси:

а - ҳалқасимон; б - нурли;

1 - газ қудуклари; 2 - кон коллектори; 3 - газни йиғиши пункти; 4 – ҳалқасимон коллекторни үзаро туталтирувчи құвур.

Яңги газ қудугини фаввора усулида ишлатындан олдин, қудуклаги гидростатик босимни

маҳсулдор қатламдаги босимдан кам булиши учун, маҳсулдор қатламга қарши босимни камайтириш йўли билан қатламдан газ оқимини чиқариш керак. Бунинг учун қулукдаги лойли эритманинг солиштирма босимини камайтириш ёки қувурлар бирикмасидаги сатхни пасайтириш керак.

Лойли эритма солиштирма босимини пасайтириш учун фаввора қувурлари ва ишлаётган қувурлар бирикмаси орасидаги бүшлиқка сув ҳайдалади, бу сув оғир лойли эритмани фаввора қувурларига итариши, бу қувурлардан эритма юқорига чиқади. Лойли эритмани тўлиқ сув билан алмаштирилмаса ҳам, босим баланд бўлганда, қудукдан газ фаввораси отилиб чиқади. Агар лойли эритмани сув билан алмаштиришдан ҳеч қандай фойда бўлмаса, қувур ташки бўшлиғига сув билан бир вактда газ ёки ҳаво ҳайдалади, сўнгра факат газ ёки ҳаво (сувсиз) ҳайдалади.

Қатламдан газ кела бошлагандан кейин қудук ишлатишга туширилади. Қудукнинг иш режими унинг саноат дебити билан, яъни қудукларни тадқиқотлари маълумотларига асослануб ўрнатилган газ микдори билан аниқланади.

Газ қудугининг ишланиш режими қудук остида маълум қарши босим ҳосил қилиш билан назорат қилинади. Бунинг учун қудукдан чиқаётган газ оқими йўлига штуцер ўрнатилиади. Олинаётган газ микдори штуцер тешикчаси диаметрини ўзгартириш билан назорат қилинади.

Газ конини ишланадаги асосий масалаларидан бири газни кейинги транспортга тайёрланадир. Газни қувурлар орқали узоқ масофаларга узлусиз транспорт қилиш учун уни механик аралашмалардан, конденсаглардан ва бошқа компонентлардан тозалани ва қуритиш зарур. Агар газ етарли даражада тайёрланмаса, газ узатиш қувурларида гидратлар, суюқликлар (конденсат, сув) йигилиб қолади, бу эса газ қувурларининг ўтказиш қобилиятини камайтиради.

Баъзан қувурлар қаттік, кристалли бириккан, музга үхшаш гидратлар билан бутунлай тұлиб қолади.

Кон шароитида гидратлар қудук танасида, фаввора арматурасида, шлейфларда, коллекторларда ва технологик ускуналарда хосил бўлиши мумкин. Ійдраглар ҳосил бўлишининг олдини олиш учун аппаратларга ва қувурларга метанол куйилади.

Газни узоқ жойларга транспорт килиш учун тайёрлаш соғ газ конларида газни йигиши пунктларида томчи суюкликлардан ва механик аралашмалардан дастлабки тозалашдан, кейин гликолли ёки адсорбционли қуритиши амалга оширишдан иборат.

Газни томчи суюкликлардан ва механик аралашмалардан тозалаш ишлари циклонларда, жалюзали, түрли ёки тиндиргич ажратичларда бажарилади.

Газни гликолли (адсорбционли) қуритишида вертикаль (камдан-кам ҳолларда горизонтал) цилиндрик аппаратлар (адсорберлар) қўлланилади, унлаги газ оқимиға қарши оқимдаги намлики ютадиган сок гликоль оқими берилади (гликоль-спиртнинг ярон - бир турига қарашли органик кимёвий аралашма). Намлика тўйинган гликоль десорберларга тушади, у ерда иситиш йули билан уйдан тўйинган намлик йўқотилади.

Адсорбцион усулда газ намлиқдан адсорбент ёрдамида қуритилади. Адсорбент газ оқими ўтадиган маҳсус қувурлар бирикмасига - адсорберларга солинган қаттиқ майда ғовак моддадир (цеолит, силикагель). Бунда газ таркибидағи намлик адсорбент ғовакларига ўтириб қолади, қуритилган газ эса газ қувурларига йўналтирилади. Адсорбент намлик билан гўйингандан кейин адсорбер тұхтатилади ва намлики буглантирадиган иссиқ газ билан иситилади. Адсорбер совуқ газ билан совутылғандан кейин қуритишіга яна гуширилади.

Конденсатлы конларда газни тайёрлаш анча мураккаб. Бунда газдан сув бугларини ва механик

аралашмаларни йўқотишдан ташқари газ конденсатини ажратиб олиш керак.

Газконденсатли конларда газни тайёрлашнинг асосий усули паст ҳароратли ажратишидир, бунда бугсимон намтиқ ва конденсат ажратгичлардаги (сепараторлардаги) газ ҳароратининг пасайиши сабабти суюқ ҳолатга ўтади. Бунга сабаб газ босимининг 16 дан 5,6-6,0 МПа гача кескин камайтирилишидир. Ажратгичлардан ажралиб чиқсан суюқлик тақсимлагичга юборилади, у ерда солиштирма оғирлик бўйича тиндирилади. Конденсат енгил бўлгани учун йигиш ҳажмларига йўналитирилади, сув эса канализацияга тукилади.

Паст ҳароратли ажратиш курилмаларида гидрат ҳосил бўлишининг олдини олиш учун гликолдан ташқари метанол ва кальций хлорид қўлланилади.

Уюмдан газни олинниб борилгани сари қатлам босими ва қудукларнинг дебити пасаяди, намлиқ микдори ортади ва қўпинча газ билан бирга сув чиқади. Бу давр газ олишни пасайиши давридаги конлар учун ҳосдир.

Бу ҳолларда газни тайёрлаш шароитлари қўшимча чора – тадбирларни амалга оширишни таълаб қиласди. Бунинг учун сунъий совуқдан фойдаланилади, бу совуқни маҳсус компрессор станцияларидаги совутгич машиналари ишлаб чиқаради. Совуқлик ташувчилар сифатида аммиак ва пропан қўлланилади.

Газ кони тўлиқ жихозланиб, газ қувурларининг охирги километрлари қўйилиб ва синовдан ўтгандан кейин корхонадаги беркитувчи мослама очилади ва эркин газ катта куч билан ер ости газ қувурларига йўналади. Бир неча юз километрдан кейин газ ўз кучини (энергиясини) бир қисмини йўқотади, босими камаяли, шунда оралиқ станциясидаги компрессор ёрдамида босим бошлангич катталигигача кўтарилади, газ кейинги компрессоргача ва охирги пунктгача етиб боради, у ерда тантанали равишда машъъат ёқилади.

Газ узатиш қувур йўлини куришдан аввал трассага, олдиндан икки-учтаси бир қилиб қувур

базаларида пайвандланган, қувур бұлаклари келтирилади, сұнгра бұлғуси траншея бүйлаб ташлаб чиқилағи. Кейин қувурлар металл зангларидан тозалапиб, изоляция қилинағи, сұнгра қувур ётқизуучи кранлар билан траншеяга ётқизилади ва бульдозер ёрдамида устидан тупроқ тортилади.

Бу траншеяларга түсік бұлиб турған дарёлар, ботқоқликлар, темир ва асфальт-бетон ётқизилған йүллар махсус сув ости - техник ишларни бажарыпта мажбур қиласы.

Компрессор ва газ тақсимловчи станцияларни, у ерда ишловчилар учун үй-жой қишлоқларини қуриш, шунга үхшаш санаат объектларини қуришдан шу билан фарқ қилағы, станцияларни бир-биридан ва ахоли пунктларидан бир неча үн километрлаб узокликда бұлиши уларни қурилишини мураккаблаштиради.

Газ қувурларини қуришнинг якушловчи босқичи унинг мустаҳкамлигини синашдир. Ундан ташқари газ қувурларининг айрим қисмларини ётқизиш вақтида унинг ичига қуриш вақтида кириб қолған ифлослардан, суюқликлардан ва бошқа буюмлардан тозағанади.

Мустаҳкамликка синаш сув, газ ёки ҳаво билан амалға оширилади. Сипашнинг энг хавфсиз усули гидравлик усулдир. Таркибида водород сульфид бұлған табиий газ билан синаш мутлақ таъқиқланади. Газ қувурнинг мустаҳкамлигини синаңдаги босим, иш босимидан 10-25% катта бұлиши керак. Газ қувурининг мустаҳкамлигини синашда пайвандлаш ва қувур материалынинг күзға күрінмайдыған камчиликлари, шунингдек транспорт қилишда ва қурилиш-монтаж ишларыда шикастланған жойлары аникланади.

Газ қувурини ишлатишига топширипта унинг існерметиклигини текшириш мұхим операция қисбланади, чунки тешик ва ёриқликлар газни нафақат тұғридан-тұғри йүқотилишига, балки атроф-мұхитни ифлосланишига ҳам олиб келади.

Тешикларни аниклаш учун унга ўткир ҳидли одорант юборилади.

Газ қувуригининг ички бүшлиги сув билан ювилади, ёки маҳсус тозаловчи қурилмаларни (тозаловчи поршениларни ёки таксимловчи — поршениларни) ўтказиш йўли билан тозаланади. Тозаловчи поршен маълум диаметрли, ичи бўш корпусдан иборат бўлиб, унга герметик манжет ва тозаловчи чўтка мустаҳкамланган. Поршенилар газ қувури бўйлаб ҳаво ёки газ босими остида ҳаракат қиласи.

Ҳалқасимон ягона тармоққа уланган ҳамма системалар газ таъминотининг ягона системасини ташкил этади.

Магистрал газ қувурларининг чизиқти қисми ўзаро технологик кашаклар билан туташган ва ягона системага ҳалқалаган қувур узаттичлари тармоғидан иборат. Газ конидан ҳайдалаётган газ ҳажмига қараб бир йўналишида битта, иккита ёки ундан кўп қувур узаттичларида иборат газ қувурлари ётқизилади. Газ қувурларининг чизиқти қисми беркитувчи мослама, трассанинг паст нукталарида жойлашган конденсал йигувчилар, гидрат ҳосил булишини олдини олиш учун метанолни киритиш, қувурларни ички бүшлигини вакти-вақти билан тозалаш ва газ қувурларини занглашдан сақлашнинг элекстр кимёвий усули билан жиҳозланади.

Газ таксимловчи станциялар аҳоли пунктларига, саноат корхоналарига ва бошқа обьектларга маълум босимдаги, тозаликдаги ва одорация даражасидаги газ ҳажмини назорат остида юбориш учун хизмат қиласи. Бу станциялар тўла автоматлаштирилган.

Жуда ҳам кам газ сизилишини аниклаш учун унга ўткир ҳидли суюқ модда - одорант юборилади. Одорант сифатида этилмеркаптан-сульфидли бирикмалар (C_2H_5N) қўлланилади, бу бирикмалар сунъий йўл билан ёки табиий сульфитли газлардан олинади. $1m^3$ газда 20 мг этилмеркаптан микдори бўлганда ўткир ҳид сезилади.

Кувур ўтказгичларини қуришнинг дастлабки йилларида кувурларни занглашдан саклаш учун қўрғошинли сурик билан бўялтар эди. Бу учча ёрдам бермас ва кувурлар тезда ишдан чиқар эди.

30-йилларда кувурларни қоплаш учун, тошкўмир қатрони ва нефти битумга минерал тўлдиргич-каолин қўшишдан ҳосил бўлган моддалар асосидаги иссиқ мастикалар қўллана бошланди. Бир вақтнинг ўзида кувурни ўрайдиган материал-битумга шиммирилган асбест картон -гидролизол ишлаб чиқилди.

1952 йилда энг яхши саклаш хоссаларига эга бўлган изоляцион қоплама ишлаб чиқилди, унда мастикага каолин ўрнига резина увоклари қўшилди. Шундай килиб, янги изоляция материали - бризол пайдо бўлди, уни баъзи бир кувур ўтказгичларда синовдан ўтгандан кейин курилаётган ҳамма қувур ўтказгичларда қўллана бошланди. 1959-1960 йилларда битум - резинали изоляция учун мустаҳкам армирлаштирилган материал - полихлорвинилли ва полиэтиленли - стекло холст ва ёпишқоқ полимер тасмалар жорий килинди.

Диаметри 820 мм дан ортиқ газ қувурларида битумли изоляцияни қўллаш тавсия этилмайди, чунки кувур ўтказгич ўз оғирлиги билан кувурнинг пастки кисмидаги изоляцияни эзib юборади.

Изоляцияни ётқизишдан олдин газ қувурлари металл зангардан яхшилаб тозаланади. Изоляция сифати дефектоскоп билан текширилади. Бирор қоплама қандай яхши бажарилган бўлмасин, у, ерда ётиб, смирилади, эскиради, сув ўтказувчан бўлиб қолади ва ўзининг изоляцион хусусиятларини йўқотади. Амалда қопламада кувурларни ерга туширишда ва устидан тупроқ ташлашида келиб чиқсан баъзи бир кўзга кўринмайдиган камчиликлар ва шикастланган жойлар қолади. Изоляция газ қувурларини ишлатишда, масалан, қувурларнинг ҳарорат таъсиридаги шакли узгаришида, ўсимликлар илдизларининг ўсиб кетиши

ва бошқалар натижасида зарар күриши мумкин. Шунинг учун изоляцион қолпама газ қувурларини емирилишдан тұла сакланишига кафолат бера олмайди.

Ерга ётқизилған пұлат газ қувури у билан электр туташувда бўлади. Тупроқ сувида кимёвий элементлар ва бирикмалар эриган, улар электр ўтказувчи муҳит – электролит ҳосил қиласылар, бу электролит туфайли қувур юзаси маълум электр кимёвий потенциал ўрнатылади. Электролит таркиби ва тупроқ тузилиши боғлиқ равишда қувурларнинг айрим қисмларида қувур - ер чегарасида потенциалларнинг турли фарқи келиб чиқади. Бу эса, агар иккى қисм бир-бирига яқин бўлса, улар орасида занглаш натижасида бузилишига олиб келадиган электр токи ўтишини билдиради.

Газ қувурлари учун санғи токлар катта занглаш хавфига эга, бу токлар электрлаштирилған темир йўллар яқинидаги ерларда вужудга келади. Поезднинг ҳаракати вақтида электр токи рельсга, рельсдан ерга ўтади ва санғи токлар күринишида тарқалиб, қисман яқин ерларда жойлашган қувурларга етиб боради ва уни емира бошлайди.

Газ қувурларини емирилишдан саклаш учун изоляцион қолпамалардан ташқари яна электр кимёвий (катодли ва электр дренажли) ҳимоя қўлланилади, бу ҳимоялар газ қувурлари қисмлари орасидаги, шунингдек газ қувурлари ва электрлаштирилған темир йўл орасидаги потенциаллар фарқини камайтиради.

Агар қувур билан ер орасидаги потенциаллар фарқи 0,87 В кам бўлса (бу фарқ ҳимоя қиласидиган минимал потенциал дейилади), пұлат қувур ўтказгичлар занглашдан электр кимёвий ҳимояланган ҳисобланади. Битумли изоляциялардан фойданилганда потенциаллар фарқини 1,22В камайтирмаслик керак, чунки унда изоляциянинг ёпишқоқлиги йўқолади.

Катодни ҳимояда газ қувурига ўзгармас ток манбаининг манфий қутби уланади. Мусбат қутб анол

леб аталувчи маҳсус ерга уланувчи симга уланади. Ток уланганда газ қувурининг потенциали манфий томонга сурилади, ҳимоя қиласидаган минимал потенциалга етганда газ қувурининг ҳар қандай нуқтасида занглаш жараёни тұхтайди. Ерга уланувчи сим сескин аста емирилади ва у вақти-вақти билан янгиланиб турилади.

Газ қувурларини санғи токлардан ҳимоя қилиш учун электр дренажли ҳимоя құлланилади. Санғи ток дренажли кабель ёрдамида газ қувуридан темир йүл тармоқтарига үтказилади. Токни газ қувуридан рельсга үтказиш ва у яна қайтиб келмаслигини тұхтатиш учун яirim үтказгичли вентилли кутбланган дренаж қурилмалари құлланилади.

Катодли ҳимояни протекторларни құллаш билан амалға ошириш мүмкін. Протекторлы ҳимояда газ қувурларига металл (магний, алюмин, цинк) қуймаси уланади. Бунда газ қувур потенциали, катод ҳимоядаги каби, манфий майдонга сурилади ва агар ҳимоя потенциалига етса, занглаш тұхтайди. Одатда массаси 5,10 ёки 20кг бүлган цилиндр шаклицаги протекторлар құлланилади. Протектор магний, кальций тузларидан ва алебастр ҳамда лойдан иборат активаторга жойланади.

Катодли ҳимоя станцияларни электр билан таъминлаш учун яқин электр тармоқтаридан ёки мустақил (автоном) түйинші манбаларидан фойдаланилади. Катодли ҳимоя станцияларидан тұғриланған үзгартас ток ҳосил қилиш учун селенли ва кремнийли тұғрилагичлар құлланилади.

Электр тармоқлари бүлмаган, боришиң кийин бүлган трасса қисмларында катодли ҳимоя станцияларини электр таъминоти учун мустақил (автоном) манбаларидан фойдаланилади. Бундай манбаларға шамол кучи, ички ёниш двигателлари, газ энергияси ва бошқалар билан ҳаракатта келадиган электроенераторлар киради.

Шамол кучи билан ҳаракатта келадиган электр генераторлари йил мобайнида у ёки бу даражада

шамол доимо эсиб туралиган трасса участкаларига күйилади, бу шамол генератор паррагини айлантириб туради. Агрегатларнинг куввати 1-1,5 кВт. Ҳаракатдаги газ энергияси билан айланадиган куввати 0,5 кВт бўлган парракли электр генераторлар газ кувурининг ичига жойланади.

Генераторга бўлган талаб йил давомида бир хил бўлмайди, ёзда камаяди, қипса купаяди. Газни йил давомида бир хил истеъмол қилинмаслигини тенглаштириш учун ва йирик истеъмолчиларни авария ҳолатларида фойдаланиши учун мўлжалланган газ захиралари яратилади, масалан шаҳарларда, маҳсус омборлар - газголдерлар қурилали, уларда ортиқча газ йиғилиб туради. Газголдерлар бир қатор муҳим камчиликларга эга - улар қиммат, катта майдонни эга лайди ва ҳажми бўйича етарли эмас.

Ер ости газ омборларини ташкил қилиш усули ишлаб чиқилгандан сўнгина катта миқдордаги газларни тўпланиш муаммоси ҳал қилинди.

Ер ости омборлари шундай омборларни, улар ғовакли жинсларда захиралари асосан олиб бўлинган газ ва нефть конларида ёки турли чукурликларда ётувчи 250-2000 м тузли ётқизиқлар бўшлиқларида ҳосил қилинали. Ер ости омборларига 3 млрд.м³ гача ва ундан ортиқ газ сифади. Ер ости омборига газ юқори босим остида (20 МПа ва ортиқ) маҳсус бурғуланган кудуклар орқали газ - моторли компрессорлари билан ҳайдалади. Ер ости омборлари газ таъминотини яхшилади ва газ кувурларининг ишлаб чиқариш кувватидан йил давомида оқилюна фойдаланиш имкониятини яратади.

Назорат саволлари.

1. Газконденсатли конларни конденсат микдорига ва газ конларини қудуклар дебити таркибига кўра гурухларга бўлининши ҳақида ганириб беринг.
2. Газ кони қандай асосий элементлардан иборат?
3. Газни қуритишнинг гликолли (абсорбционли) ва адсорбционли усуллари ҳақида ганириб беринг.
4. Газни узатиш қувурларини куриш ва синаш қандай амалга оширилади?
5. Газ қувурларини заңг саклаш усуллари ҳақида ганириб беринг.

14. НЕФТЬ ВА ЁНУВЧИ ГАЗДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИ?

Кудукдан бевосита олинадиган нефть хом нефть дейилади. Ҳағқ хўжалигининг турли тармокларида хом нефть ва уни қайта ишлашдан олинган турли маҳсулотлар кўлланилади. Қадимдан бошлаб одамлар хом нефтдан у ёки бу мақсад учун зарур бўлган турли моддаларни ажратиб олишга интилгандар. Баъзи бир манбаларга кўра римлик врач Кассий Феликс биринчи марта нефтни қайта ҳайдаши амалга оширган.

1745 йилда архангельсклик савдогар Федор Прялунов Ухтада дунёда биринчи бўлиб нефтни қайта ҳайдаш заводини қурди. Бу заводда оддий ҳайдаш йўли билан хом нефтдан ёритувчи суюқлик (керосин) олинарди.

1823 йилда ака-ука Дубининлар Кавказда Моздок қалъаси яқинидаги нефтни ҳайдаш заводини барпо этдилар. Улар жуда тиник оч рангли ёритувчи суюқлик - фотоген (грекча «фотос» - ранг, «гениао» - пайдо қиласман, ярагасман) оғдилар, ҳайдашдан кейин қолган суюқлик қуюқ, кора-ифлос ранг эди. Уни арабча «макзулат» (қолдик) деб аташган, бу сўз вақти келиб «мазут» сузига айланган. Тиник ёритувчи суюқлик кейинчалик «керосин» (инглизча «керозен» сўзидан) деган ном олган.

1879 йилда Д.И.Менделеевнинг маслаҳати билан Ярославл шаҳри яқинидаги дунёда биринчи марта мазутдан суртма ёғлар ишлаб чиқарадиган завод қурилди. 1882 йилда эса Д.И.Менделеевнинг лойиҳасига кўра Москва шаҳри яқинидаги нефтни узлуксиз қайта ишлайдиган қурилма қурилди.

Нефть ҳайдағандан, аввал фойдаланилмаган ва керосиндан ҳам енгил бўлган фракцияси (қисми) қолган. Унинг катта қисми атмосферага, дарёга ташланарди, ёқиларди ёки маҳсус ютиб кетувчи кудуқларга тўкиларди. Нефтининг энг енгил бу

фракцияси «бензин» (арабча «любензави» - ёнувчи модданинг бузилиб айтилиши) деган ном олди. Деярли юз йил вақт давомида тез ёниб кетувчи бензин нефтни қайта ишлашда чикқан энг хавфли қолдик деб санаиди.

Хозирги вақтда нефть ва табиий газдан мураккаб кўп погонали қайта ишлам натижасида жуда кўп таркибий қисмлар олинади. Кўп погонали бу жараён нефтни бирламчи қайта ишлашдан бошланади.

Бирламчи қайта ишлашда хом нефть қатлам сувидан, ноорганик моддалар арагашмасидан ва бошқалардан тозаланади. Сунгра тозаланган исфть замонавий курилмаларда тўғридан – тўғри ҳайдалади. Ҳайдалининг биринчи босқичи атмосфера босими шароитида ўтказилади. Нефтни 250°C гача қиздирилганда, бензинли ва лигроинли фракцияларга тегишли углеводородлар қайнаб тамом бўлади. 250-315°C ҳароратда керосин-газойилли фракциялар, 300-350 °C ҳароратда эса ёғли (солярли) фракциялар ажralиб чиқади. Қолдик мазут (қорамой) дейилади.

Кўп вақт мазугни, исфтьни ҳайдашдан чикқан керакмас чиқинди деб ҳисобланган. Кейинчалик ундан ёқилғи сифатида фойдаланила бошлайди. Мазутни эса яна ҳайдаш йўли билан ундан бензинли, керосинли ва ёғли фракциялар олишни ўргандилар. Мазутдан ёғли фракцияларни ажратиб олиш учун 400-500°C ҳарорат керак. Аммо бундай ҳароратда ёғлар парчалана бошлайди. Буни олдини олиш учун мазут вакуум курилмасида 8-18,6 кПа босим остида ҳайдалади. Вакуум шароитида суюқликлар нормал шароитдагидан анча наст ҳароратда қайнайди. Вакуумда ёғли фракцияларни ажратиш учун мазутни (ёки исфти) 300-400°C гача иситиш етарли. Натижада мазутдан ёғлар ажрала бошлайди. Қолган қолдик *гудрон* дейилади. Гудрондаги жуда оғир ёғлар эритувчилар ёрдамида олинади, қолдикни, қайта ишлаш орқали йўл курилиш ва бошқа битумлар олинади.

Нефти ҳайдашда чикқан оғир қолдикларни қайта ишлаш усувлари керосин, бензин ва бошқа

нефть маҳсулотларига бўлган талабни ошиши билан такомиллашиб ва ривожлациб борди. 1875 йилда ёки Петербург технологик институтининг асистенти А.А.Летний оғир нефтларга юқори ҳарорат билан таъсир этиши натижасида учувчи маҳсулотлар (бензин) ҳосил бўлишини аниқлади. 1885 йилда Бакуда нефть қолдикларини қиздириш йўли билан керосин оладиган қурилма қурилди.

Бутун дунёда автомобилсозликнинг жадал ривожланиши муносабати билан бензинга бўлган талаб жуда тез ўсли. Оддий ҳайдаш билан олишган бензин микдори, унга бўлган талабни қониктирумас эди. Кудукдан олинадиган хом нефтда бензинши фракциялар микдори унча кўп эмас, ўртача 10-15% ташкил қиласиди. Шунинг учун олимлар мазутдан қўшимча бензин олишни таъкидот қилдилар. 1890 йилда таниқли рус ихтирочиси В.Г.Шухов мазутнинг углеводород таркибли қисмини парчалаб оч рангли нефть маҳсулотларини олишни ўзига ҳос усулини таклиф қилди. Бу усул ёрдамида ҳозир чиқарилаётган ҳамма бензиннинг 60% мазутдан олинади. Бу усул "термик крекинг" (инглизча "крекинг" - парчалаш) усули деган ном олди.

Термик крекингда пафақат қўшимча микдорда бензин, балки бошқа қимматбаҳо нефть маҳсулотлари ҳам олинади, бу маҳсулотлар турли нефть-кимёси маҳсулотларини олиш учун яна қайта ишланади.

Термик крекинг $450\text{--}550^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ва 2-7 МПа юқори босимда ўтказилиди. 1918 йилда академик Н.Д.Зелинский нефтнинг оғир қолдикларидан бензин олишнинг янги усулини ўйлаб тоиди, бу усул "катализитик крекинг" деган ном олди. Катализатор реакцияни тезлаштирувчи, лекин ўзи жараёнда қатнашмайдиган моддадир. Катализатор бўлганда нефть крекинги реакциясини тезланиши, термик крекинг шароитига қараганда, паст ҳароратда ва 0,1 МПа яқин босимда бензин олишни таъминлайди.

Ички ёнув карбюраторли двигателларнинг мотор ёқилғиси ёниш жараёнида детонацияга учрайди

(лотинча "детано" - гулдирайман). Детонация ёқилғи аралашмасининг портлашга яқинлашувчи жуда тез ёниш жараёни булиб, моторнинг меъёрий ишлашини бузади. Бензиннинг детонацияга чидамлилиги шартли кўрсаткич - октан сони билан баҳоланаади. Уни аниқлаш учун текширилаётган бензиннинг ёқилғисини этalon намунаси - изооктан билан детонацияга чидамлилиги таққосланади. Изооктанинг детонацияга чидамлилиги 100 деб олинади. Ёқилғининг октан сони текширилаётган ёқилғининг детонацияга чидамлилигига эквивалент бўлган гептан (тез детонация берадиган) билан аралашмасидаги изооктанинг фоиз қийматига (хажми бўйича) teng. Нефтни тўғри ҳайдапида ҳосил бўлган одатдаги автомобиль бензини юқори бўлмаган антидетонация хоссаларига эга. Унинг октан сони 60-70га teng. Тўғри ҳайдалган бензинларнинг антидетонация хоссаларини яхшилаш учун улар каталитик крекинг шароитида қайта ишланади. Бензинни бундай қайта ишланни риформинг дейилади. Каталитик риформинг ёрдамида кам октани бензинлар юқори октани бензинларга айланиб қолади.

Нефтни тўғри ҳайдашда, термик ва каталитик крекингда бензин, керосин ва ёғлардан ташқари оғир қолдиқлар ҳосил бўлади. Бу қолдиқлар турли навдаги мазутлар (кора мойлар), гудронлар ва крекинг қолдиқлари бўлади. Бу қолдиқларнинг бир қисми қозонхоналарда ёқилғи сифатида, шунингдек битум олиш учун қўлланилади. Қолган қисми бензин ва бошқа енгил фракциялар олиш мақсадида қўшимча қайта ишланади. Оғир қолдиқларни қайта ишлаш учун кокслаш усули қўлланилади. Нефтли оғир қолдиқ юқори ҳароратда парчаланади, патижада газ, бензинли ва газойилли фракциялар ҳосил бўлади ва нефтли кокс - қолади. Кокс кумуш – кул ранг қаттиқ ғовак модда булиб, тоза углерод ва кўмирнинг кул қисмидан иборат.

Нефтни тўғри ҳайдашда ва крекингда ҳосил бўлган керосинли ва бошқа фракцияларни $650\text{--}700^{\circ}\text{C}$

ва ундан юқори ҳароратда қайта ишлаш пиролиз (грекча "пирос" - олов, "лизис" - парчаланиш) дейилади. Пиролиз жараёни атмосфера босимида үтади. Пиролиз натижасида пиролиз гази, шунингдек хушбуй (ароматик) углеводородлар (бензол, толуол ва бошқалар) ва смола қолдиги олинади. Ҳозирги вақтда пиролиз газсимон түйинмаган углеводородларни, биринчи навбатда - полимерлар учун бошлангич ашё бўлган этиленни, шунингдек, пропилен ва ацитиленни олиш усули ҳисобланади.

Табиий газ ҳам аввал сув буғпаридан ва олтингутурт водород аралашмаларидан тозаланади. Кейин ундан бензин буғлари, яъни энг учувчан суюқ углеводородлар-центан, гексан, гептан ва бошқалар олинади. Бу жараён газни бензиндан тозалаш дейилади. Нефтдан олинадиган бензиидан фарқли ўлароқ бу бензин *газолин* деб атала бошланади. Шундан кейин табиий газлардан түйинган газсимон углеводородлар олинади, улар турли нефть-кимёси маҳсулотларини олиш учун хом ашё сифатида қўлланилади.

Баъзи бир түйинмаган углеводородлар-тилен, пропилен ва бошқалар ҳам этан ва бошқа түйинган газсимон углеводородларни пиролиз қилиш йули билан олинади. Крекинг ёки табиий газларни пиролиз қилиш жараёнида ажralиб чиқсан углеводородли газ аралашмалари *пирогаз* дейилади.

Хом нефтдан олинадиган ҳамма нефть маҳсулотлари икки туруга булинади: 1) бевосита истеъмолга юбориладиган (бензин, керосин, дизел ёқилғиси, ёғлар, қозонхона ёқилғиси, кокс ва бошқалар); 2) нефть-кимёси учун фойдаланиладиган хом ашё (кейинги қайта ишлашга юбориладиган).

Нефть ва табиий газни кимё саноати учун бошлангич ашё сифатидаги ўрни жуда катта. Ҳозирги вақтда дунё бўйича кимё саноатининг умумий маҳсулотларини учдан биридан ортиғи нефть ва газ ашёсидан ишлаб чиқарилади. Нефти углеводородлар асосида сунъий каучук, этил спирти, пластмасса,

сунъий тола ва материаллар, ювалиган воситалар ва бир катор маҳсулотлар ишлаб чиқарилади (14.1-расм).

Нефть-кимёси маҳсулотларини олиш учун бошлангич ашё сифатида тўйинмаган ва хушбўй (ароматик) углеводородлар катта ўрин эгаллади. Органик синтез учун муҳим аҳамиятга эга бўлган туйинмаган углеводородлар олифен гурухини тапкил этади. Бу гурухга этилен C_2H_4 , пропилен C_3H_6 , бугилен C_4H_8 ва бошқалар киради. Уларни табиий нефть ва газда йўқ деса бўлади, аммо улар крекинг қилинганда ҳосил бўлади. Тўйинмаган углеводородлардан олинадиган нефть-кимёси ашёлари ичидаги фойдаланиш қўлами ва хилма-хилтиги жиҳатидан энг муҳими этилен ҳисобланади. Уни ҳосил қилиш учун углеводород газлар (этан ва бошқа) пиролиз қилинади. Этилен политиленни, этилен окисларини, этил спиртини, стирол, хлорли эгиленни ва бошқаларни олиш учун фойдаланилади.

Сунъий материалларни ишлаб чиқариш учун хушбўй углеводородлар - бензол, толуол, ксиол, нафталин ва бошқалар зарур. Улар каталитик риформинг жараёнида ҳосил бўлади.

Нефть ва табиий газларда бир неча юзлаб турли углеводородлар мавжуд. Уларни қайта ишлашида чиқкан маҳсулотлар сони бир неча мингдан ортик. Оралиқ маҳсулотларни қайта ишлашида турли сунъий моддалар ва материаллар чиқадиган асосий жараён *полимеризациялаш* дейилади. Полимеризациялашда тўйинмаган углеводородларнинг молекуласи, масалан этиленники (C_2H_4) шунга ўхшаш бошқа молекулалар билан улардаги икки томонлама боғлиқликнинг очилиши ҳисобига бирлашади. Натижада этиленнинг жуда кўп молекулаларидан тузилган янги молекула ҳосил бўлади. Шундай қилиб, этилен газидан қаттиқ полиэтилен - (C_2H_4)_n ҳосил бўлади, бунда n-этиленнинг бирлашадиган молекулаларининг сони 10 дан -100000 гача бўлиши мумкин. Унинг микдорига караб турли кўринишдаги полиэтиленлар маълум.

Полимеризациялаш йули билан полистирол, поливинил хлорид ва бошқа турли полимерлар ҳосил қилинади. Улар пластмасса ва сунъий мүмларнинг катта гурухини ташкил қиласи. Полихлорвинилни 90-100°C ҳароратда хлорлаб перхлорвинил мўми олинади. Бу мўм юқори кимёвий чидамлиликка эга бўлгани учун кимёвий жиҳозлар устини лаклаш учун ишлатилади.

Фторопласт гуруҳидаги тефлон полимери ўзига ҳос кимёвий чидамлиликка эга. Тефлон полимери водород атомлари фтор атомларига алмаштирилган этилен молекулаларини полимерлаш йули билан ҳосил бўлади.



14.1-расм. Углеводород газларидан олинациян маҳсулотлар.

Турли углеводородларни (полиамид, полиэфир, поливинил, полиолефинларнинг) полимерларни турли сунъий толалар - капрон, нейлон, лавсан ва бошқаларни ишлаб чиқим усули учун құлтанилади. Сунъий толалар учун боплангич маҳсулот бўлиб бензол, циклогексан, фенол ва газсимон тўйинмаган углеводородлар ҳисобланади.

Сунъий ювиш воситаси - сульфаполии процииленни фосфор кислотали катализатор билан бирга 180-230 °C ҳароратда ва 7-8 МПа босимда полимерларни йўли билан ҳосил қилинади. Ундан эса кир ювиш воситалари тайёрланади.

Нефть-кимёси маҳсулотлари ичида биринчи үринлардан бирида этил спирти C_2H_5OH туради. Бу спирт этании C_2H_6 оксидлаш, ёки этиленни гидратациялаш (сув билан реакция киритин) йўли билан олинади. Ишари этил спиртини ишлаб чиқариш учун катта микдорда озиқ-овқат маҳсулотлари сарфланар эди. Нарафинли углеводородларни оксидлаш йўли билан бир катор муҳим маҳсулотлар - спиртлар, сунъий ёғли кислоталар, формальдегид, метанол, уксус кислотаси, ацетон ва бошқалар олинади.

Ҳар бир молекуласида углероднинг 8-20 атоми бўлган, юқори даражали спиртлар, 50 °C гача ҳароратда қайнайдиган углеводородлар фракциясини, таркибида бор кислотаси бўлган азот кислородли аралашма билан 165-170 °C ҳароратда оксидлаш орқали олинади. Сунъий ёғли кислоталар қаттиқ нефть нарафинини катализатор билан бирга 80-180°C ҳароратда ҳаво билан оксиляш орқали олинади. Олинган ёғли кислоталар совун ишлаб чиқаришда құлтанилиб, овқат учун ишлатиладиган ёғларни тежайди.

Янти маҳсулотларнинг катта қисми наст нарафинли углеводородларни хлорлап ва нитратлап орқали олинади. Масадан, метании хлорлап йўли билан (музлаткичларда совитгич вазифасини бажарувчи) хлорли метил CH_3Cl , (тиббиётда

ишлатиладиган) хлороформ CHCl_3 , (қишлоқ хұжалиғи зааркунандаларини йүқотиши воситаси сифатида ишлатыладиган) тұрт хлоридли углерод - хлорид CCl_4 ва бошқалар олинади. Жумлаңан, иитропарафиндан портлатувчи моддалар олинади. Нефть ва табиий газ углеводородлари дори-дармонлар - новокаин, аспирин, сульфазол, витаминлар ва бошқаларни олиш учун бошланғич ашё ҳисобланади.

Нефть ва табиий газни кимёвий қайта ишлаш натижасида ноорганик маҳсулотлар - водород, олтингугурт ва олтингугурт кислотаси олинади. Водород аммиак олиш учун бошланғич модда ҳисобланади. Аммиакдан ўз навбатида аммоний карбонат, аммоний сульфат, азот кислотаси, аммиак селитраси ва бошқа бир қатор үғит сифатида кенг құлланиладиган маҳсулотлар олинади. Аммиак карбамид ишлаб чиқариш учун бошланғич ашё ҳисобланади, унинг таркибида аммиак селитрасига ва аммоний сульфатта қараганда азот күп, шунинг учун үғит сифатида ишлатылади ва ҳайвонлар овқатига құшиб берилади. Ҳозир аммиакни асосий қисмі табиий углеводород газидаги водород асосида олинади.

Олтингугуртдаш, олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарылади, ундан минерал үғитлар тайёрланади. Ундан ташқари фосфорли кислотани, хлорид кислотани, фторли кислотани, пластик массаларни, бүёкларни, портловчы моддаларни ва крахмалларни ишлаб чиқаришда фойдаланылади. Олтингугурт резина саноатида, тиббиётда, қоғоз саноатида, қишлоқ хұжалиғида құлланилади.

Назорат саволлари.

1. Нефтьни қайта ишлеш саноатини ривожланиши тарихини гапириб беринг.
2. Ёкиғининг детонацияси ва октан сони нима?
3. Нефть ва табиий газни кимё саноати учун бошлангич ашё эканлиги ҳакида гапириб беринг.
4. Нефть ва газнинг оралик маҳсулотларини полимерлап нима ва у қандай амалга оширилади?
5. Нефть ва табиий газни кимёвий қайта ишлап маҳсулотлари ҳакида гапириб беринг.

15. НЕФТЬ ВА ГАЗ ОЛИШ ҚАНДАЙ

КҮПАЙМОҚДА?

НЕФТЬ ВА ГАЗ ИНСОНЛАР ЭХТИЁЖИ УЧУН ЕТАРЛИМИ?

Нефть ва газга бўлган талабнинг ўсиб бориши фойдали қазилмаларни қазиб олишни ортишига олиб келмоқда. XX асрнинг бошларида саноат миқёсида дунёдаги фақат 19 та мамлакатда нефть олинар эди. АҚШ, Венесуэла ва Россия бу соҳада етакчи давлатлар бўлган. 1940 йилга келиб 39 мамлакат, 1972 йилда - 62, 1990 йилда - 79, 2000 йилда - 106 мамлакат саноат миқёсида нефть олган.

1859 йилда бутун Ер шарида 5 минг тонна, 1880 йилда - 3,8 млн. тонна, 1900 йилда қарийб 20 млн. тонна нефть олинди. Дунёда нефть ва газ қазиб чиқариши «портлаши» куйидаги кўринишга эга: 1945 йилда - 350 млн. тоннадан кўп; 1960 йилда - 1 млрд. тоннадан кўн; 1970 йилда - қарийб 2 млрд. тонна бўлди. Энг кўп нефть олиш 1979 йилга тўғри келади - 3,28 млрд. тонна.

1990 йилгача бўлган даврда нефть олиш суръати камайиб 2,9 млрд. тоннага тушди (15.1-расм). Ундан кейинги йилларда нефть 3,2 млрд. тонна атрофида қазиб олинди. Шундай қилиб охирги 40 йил ичидаги нефть олиши 8 марта ошди. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра 2002 йилгача дунёда жами 140 млрд. m^3 нефть қазиб олинган.

Нефть саноат миқёсида, дунёнинг 106 мамлакатида олинишига қарамай, унинг асосий қисми (72,4%) фақат 13 мамлакатга тўғри келади: Саудия Әрабистонига (12,2%); АҚШга (9,9%); Россияга (9,1%); Эронга (5,6%); Хитой, Норвегия, Венесуэлага (4,9%); Мексикага (4,6%); Буюк Британияга (4,0%); Нигерияга (3,5%); Абу Дабига (3,1%); Канадага (2,9%); Кувайтга (2,8%).

Худди шундай ўзгариш газ саноати учун ҳам ҳусусиятлидир (15.1-расм). Шу даврнинг ўзида дунёда

газ олиш тахминан 10 марта ошиди - 192млрд. м³дан (1950 й.) 2 трлн. м³ га (1990й.). Ҳозирги вақтда йилига 2,4 трлн. м³ газ қазиб олинмоқда.

2002 йилга келиб газ саноат миқёсида дунёning 88 мамлакатида олинмоқда. Бу мамлакатларнинг иккитаси Россия (24%) ва АҚШ (21,9%) дунё бўйича олинаётган газнинг қарийб ярмини (46,2%) олади.

Ҳозирги Узбекистон ҳудудининг кўплаб ерларидан нефть ва газнинг табиий чиқиб ётганилиги ҳақидаги маълумотларни Плутарх, араб географи Истархи ва бошқалар ўз асарларида кўрсатиб ўтганилар. 1885 йилда тадбиркор Д.П.Петров ўзбек нефтини саноат миқёсида қазиб чиқариши бошлиайди. Фарғона водийсидаги икки қудукдан олинган нефтни шахсий заводида ҳайдаш орқали олган, керосинни у араваларда ва туяларда Андижондаги, Тошкентдаги, Қўқондаги нахта тозалаш заводларига, мойжувозларга, рўзгорга ишлатили учун аҳолига юбориб турган. Корамой (мазут) темир йўлда ёқилғи сифатида ишлатилган.

Узбекистон газ саноатиниг тарихи ярим асрдан кам даврий ўз ишга олган. 1953 йилда Кизилқум сахросидаги Сеталантепада биринчи газ кони очилди. 1962 йилда Газли конининг ишга туширилиши билан собиқ Иттифоқнинг Урал ва Овропа қисмидаги саноат корхоналарини табиий газ билан гаъминлаш учун Бухоро-Урал ва Ўрта Осиё - Марказ трансконтинентал газ кувурлари ётқизилди.

У даврлар республикамида олинаётган нефть ҳажми ўз эҳтиёжимизни таъминлаш учун етарли эмас эди. Масалан, Узбекистонга 80 - йилларда ҳар йили ўртacha 6,0 млн тоннагача нефть келтирилар ва шу вақтнинг ўзида четга 7-8 млрд. м³ Узбекистон гази кетар эди.

Узбекистон мустақилликка эришгандан сунг нефть ва газ саноатининг ривожланишида тубдан ўзгариш юз берди: углеводородларни олиш суръати ортди, тармокнинг инфраструктураси яхшиланди. Бунга мамлакатимиз президенти И.А.Каримов

күрсагиб берган стратегик режаларни амалга ошириш туфайли эришилди. Улбу режага мувофик Республикализнинг нефть ва газ саноати халқ хўжалигининг устувор соҳасига айланди.

Кўриб турибмизки, 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган қисқа вақт ичида суюқ углеводородларни (газ конденсатини ҳисобга олганда) ва газ олишини ўсиши кузатилиб турибди. 1995 йилдан бошлиб эса Узбекистонга чет давлатлардан нефть импорт килинмаган, бу эса Узбекистоннинг нефть мустақиллигини таъминлали (15.1-жадвал).

15.1-жадвал Узбекистон Республикаси бўйича суюқ углеводородларни ва табиий газ олинишининг динамикаси

Кўрсан- кичтар	Упчор бирлами	Йиллар												
		1990	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Нефть олиш (газ конденса- ти билан)	Млрд т.	2811	2832	3292	3996	5517	7587	7623	7885	8104	8116			
	%	100	100.7	117.1	142.3	196.3	269.9	271.2	280.5	288.3	288.7			
Табиий газ олиш	Млрд м ³	40,7	41,8	42,8	45,	47,2	48,7	50,0	51,2	54,8	55,6			
	%	100	102,7	105,1	110,	115,9	119,6	122,8	125,7	134,6	136,6			

Нефть-газ саноати давлатимиз энергетикасини деярли 96% бирламчи ёнилиги ресурслари билан таъминланмоқда, кўмир ва гидроэлектр энергиянинг улуши мос равиша 2,97% ва 1,2% тенг.

Биз юқорида нефть ва газ ўринини тўлдириб бўлмайдиган фойдали қазилма эканлигини қайд этган эдик. Уларнинг шаклланиши жараёни ҳаддаи ташқари секин кечади, Ер қобигида пайдо бўлишига миллион, ўн миљион йиллар керак. Бу маҳсулотлар, уларни пайдо бўлиш даврига қараганди үлчаб бўлмайдиган суръатда ишлабтагилмоқда.

Шуни айтиш керакки, дунёда ёқилғини истеъмол қилиш ҳар 18-20 йилда икки баробар ортмоқда. Табиий нефть ва газ етарлими деган савол туғилади.

Тұғри, әртами ёки кечми Ер қаъридаги қазилмалар тутапи мүмкін, аммо яқин келажакка назар ташласақ, келажагимиз унча ёмон әмас. Очилған нефть ва газ конларининг заҳиралари шундай суръатда олинса мос равиша 35 ва 60 йилга стади. Нефть олини жақал үсінини таъминлаш учун бу муддат 20 йилдан кам бұлмаслиги керак. Үндән ташқары бу вақт ичида күпілаб янги нефть ва газ конлари очилиши күтилмокда, бунға имкониятларимиз етарлидир.

Нефть ва газ заҳиралари қитъалар ва давлатлар бүйича бир хил тақсимланмаган.

Хозирги вақтгача очилған конларининг газ заҳиралари 145596 млрд. м³ деб баҳоланмокда. Улар ер шарининг айрим қисмлари бүйича қуйидагича тақсимланған (млрд. м³):

Африка - 10219,2 (70%);

Ер шарининг ғарбий қисми – 14537,0 (10%);

Яқин Шарқ - 49512,2 (34%);

Шарқий Оврӯпа - 56663,9 (38,9%);

Ғарбий Оврӯпа - 4487,7 (3,1%).

Жапубий-Шарқий Осиё, Австралия, Океания – 10176,0 (7,0%).

Хозирги вақтгача очилған конларининг олиниши мүмкін бўлған заҳиралари 140715 млн. м³ деб баҳоланмокда, улар ер шарининг айрим қисмларида қуйидагича тақсимланган:

Африка – 10260,1 (7,3%);

Ер шарининг ғарбий қисми – 22411,9 (15,9%);

Яқин шарқ – 9616,0 (65,1%);

Шарқий Оврӯпа – 8031,4 (5,7%);

Ғарбий Оврӯпа – 2545,7 (1,8%).

Жапубий-Шарқий Осиё, Австралия, Океания – 5849,9 (4,2%).

Қандай хulosага келиш мүмкін? Нефть ва газ заҳиралари етарли, яқин ун йилликларда нефть ва газни етишмай қолипшидан құрқаслық керак. Бирок заҳиралар ер шари бўйлаб ниҳоятда нотекис түшланган. Асосан нефтни истеъмол қилағынан, энг ривожланған мамлекатлардаги (АҚШ, Япония, Ғарбий

Европанинг баъзи мамлакатларидаги) конларниң заҳиралари маълум даражада камайган. Ҳозирги суръатда нефть олиш давом этса, учинчи минг йилликнинг бошида бу мамлакатлар ўз имкониятларини батамом тугатишлари мумкин. Шу билан бирга «қора олтин»нинг асосий манбалари Африка, Яқин Шарқ ва Үрта Шарқда жойлашган, бу ердаги мамлакатлар казиб олаётган нефтларини ўзларининг иқтисодий эҳтиёжлари учун түлиқ бутунлай ишлатишга қодир эмаслар.

Назорат саволлари.

1. Дунёда нефть ва газ олиш суръати қандай ўсиб бормоқда?
2. Ўзбекистонда нефть ва газ олишнинг ўсиши ҳақида гапириб беринг.
3. Табиий газ заҳиралари ер шарининг айrim қисмлари бўйича қандай тақсимланган?
4. Нефть заҳиралари ер шарининг айrim қисмлари бўйича қандай тақсимланган?
5. Мамлакатимизнинг бирламчи энергия бойликлари ҳақида гапириб беринг.

16. НЕФТЬ ВА ГАЗНИ ЖАДАЛ ОЛИШ ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?


Нефть ва газни жадал олиш нималарга олиб келишини инсонлар олдин үйлашмаган. Нефть ва газни иложи борича күпроқ олиш асосий мақсад бўлган. Шундай ҳам қилишган. Аммо ўтган асрнинг 40-йиллари бошларида инсонларни ҳушёрликка чакирувчи дастлабки белгигар пайдо бўлди.

Бу ҳодиса Уилмингтон (Калифорния, АҚШ) нефть конида содир бўлди. Кон Лос-Анжелеснинг жапубий-ғарбий районлари ва Лонг-Бич курфази орқали шу номдаги курорт шаҳарчасининг қирғоқ кварталларигача боради. Нефть-газлилик майдони 54км^2 , бу 1936 йилда очилган бўлиб, 1938 йилдаёт Калифорниянинг нефть олиш маркази бўлиб қолди. 1968 йилга келиб кондан жами 160 млн.т. нефть ва 24 млрд.м³ газ олиниб бўлган эди.

Кон жанубий Калифорниянинг саноати ривожланган ва аҳоли зич жойлашган вилоятида ҳамда Лос-Анжелеснинг исфти қайта ишлайдиган йирик заводлари яқинида бўлиб, шунинг учун бутун Калифорния штати иктиносидининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эди. Шу сабабли конни ишлатиш бошлангандаи 1966 йилгача, Шимолий Америкадаги бошқа нефть конларига нисбатан нефть олиш мунтазам равишда юқори даражада бўлган. 1939 йилда Лос-Анжелес ва Лонг Бич шаҳарларидаги аҳоли яхшигина ер зилзиласини сездилар, бу кон устидаги ернинг чукиши эди. 40-йилларга келиб бу жараён кучая бошлади. Ернинг чукиш майдони эллис шаклидаги идишга ўхшар, идиш туби антиклинал бурманинг гумбазига туғри келган эди.

Майдонининг чўкма четларга туғри келган ерлари чўзишиб, узила бошлади. Ер сиртида майдон марказига йўналанган, амплитудаси 23 см гача бўлган,

горизонтал силжишлар пайдо бўлди. Ернинг кўчиши зилзила билан бирга юз берди. 1949 йилдан 1961 йилгача бешта жуда қаттиқ зилзила қайд қилинди. Уларнинг натижасида пристанлар, кувур ўтказичлар, шаҳардаги иморатлар, йўллар, қўприклар ва нефть кудуклари бузилди. Тиклаш ишларига 150 мин. доллар сарфланди. 1951 йилда ер сатхининг чўкиш тезлиги максимумга етди – йилига 81 см (6.1-расм).



6.1-расм. Уилминтон конида нефть олишини ва сув хайдаш суръатини ўзгариши эгрилари (М. Майюга бўйича) (1 баррель=159л)

Куруқликни сув босини хавфи туғилди. Бундан кўрккан Лос-Анжелес шаҳар ҳокимияти бу муаммонинг ҳал қилинишига қадар конни ишланини тұхтатиб турдилар.

1954 йилга келиб чўкишнинг олдини олиш учун қатламга сувни ҳайдаш яхши самара бериши исботланди. Бу қатламни нефть бера олиш коэффициентини хам оширди. Сув ҳайдашнинг биринчи босқичи 1958 йилда бошланди, бу даврда тузилманинг жанубий қанотидаги маҳсулотли қатламга кунига 60 минг м³ сув ҳайдалди. 10 йилдан кейин сув

ҳайдаш кунига 122 минг м³ етди ва ундан ошиб кетди. Чўкиш умуман тўхтади (16.1-расм).

Ҳозирги вақтда коп майдонининг марказидаги ер чўкиши йилига 5 см ни ташкил этади. Кон яна ишлатила бошланди, бунда олинган ҳар бир тонна нефть ўрнига тахминан 1600 л сув ҳайдалмоқда. Қатлам босимини бундай усул билан ушлаб туриш натижасида ҳозирги вақтда Уилмингтон конининг эски майдонларидан кунлик нефть нормасининг 70% олинмоқда. Умуман кондан кунига 13700 тонна нефть олинмоқда.

Охиригина пайтда Экофикс конидан 172 млн. тонна нефть ва 112 млрд. м³ газ олингандан кейин шу кон чегараси ичидаги Шимолий дентиз туби чўккани ҳақида маълумотлар бор. Бу эса кудук устунларини ва дентиз платформаларини деформацияланишига сабаб бўлмоқда. Мустақил давлатлар хамдустлигидаги эски нефть оловчи районларида ҳам ер сатҳининг чўкиши ва зилзиласи қайд қилинди. Айниқса бу Старогрозненск конида анча сезиларли бўлди. 1971 йилда Ер қаъридан нефтни жадал олиш оқибатида секин ер силкиниши содир бўлди. Грозний шаҳридан 16 км узоклиқда жойлашган зилзиланинг марказида 7 балли ер силкинганда кон яқинидаги нефтчилар шаҳар часигина эмас, шаҳардаги аҳоли яшайдиган ва маъмурий бинолар ҳам шикастланди. Озарбайжоннинг эски конлари – Балахана, Сабунча, Романи (Баку шаҳри яқинида) конларида ер юзаси чўка бошлаган, бу горизонтал силжишга олиб келади. Бу эса ўз навбатида ишлатишда нефть кулукларидаги қувурларнинг эзилишига ва синишига олиб келади.

Нефтни жадал олиш натижасининг салолари Татаристонда 1989 йил апрел ойида юз берди, у ерда 6 балли куч билан зилзила бўлди (Менделесвск ш.). Маҳаллий мутахассисларнинг фикрича Ер қаъридан нефтни қазиб олиш билан майда ер зилзилаларининг фаоллиги орасида тўғри боғланиш бор. Кудук устунларининг узилиши, қувурлар бирикмаларининг эзилиши бўлган ҳоллар қайд қилинган.

Нефть ва газларни ёқилғи сифатида ишлатиш ундаң ҳам катта хавф туғлиради. Бу маҳсулотлар ёнганда атмосферага катта микрорда карбонат аңгидрид, турли сульфит бирикмалар, азот оксиди ва бошқалар ажралиб чиқади. Академик Ф.Ф.Давитайнинг ҳисоблариға күра ҳамма турдаги ёқилғини, шу жумладан, топкүмирни ёқип оқибатида, охирги 50 йилда атмосфера таркибидаги углерод икки оксиди қарийб 288 млрд. тоннага күнайған, кислород эса 300 млрд. тонна да күп сарфланған. Шундай қилиб, ибтидоий одаминиң биринчи гулханидан бошлаб атмосфера таҳминан 0,02% кислород йўқотган ва 12% гача карбонат аңгидрид гази билан бойиган. Ҳозир инсоният йилига 7 млрд. тонна ёқилғи ёқади, бунинг учун унга 10 млрд. тонна да күп кислород керак, атмосферадаги углерод икки оксиди эга 14 млрд. тоннага купаяди. Яқин йиллар ичилада бу рақамлар жами фойдали ёнувчи қазилматарни қазиб олишиниң купайини ва уларнинг ёқилишини сабабли ўсиб боради. Ф.Ф.Давитайнинг фикрича 2020 йилга бориб атмосфера 12000 млрд. тонна кислород (0,77%) йўқотади.

Кислород микдорининг камайиши, карбонат аңгидрид газининг күнайиши, ўз навбатида, об – ҳавониниң ўзгарипига олиб келади.

Атмосферали заҳарлантиришда турли заводлар, иссиқлик ва электр станцияларининг салмоғи катта. Қорамойда ишлайдиган ўрта кувватли электр стансиялар кунига атроф – муҳитга сульфил аңгидрил кўринишидаги 500 тонна олтингутргача чиқазади, бу сульфид аңгидрид сув билан қўшилиб, дарҳол сульфил кислота ҳосил қиласади. Фарангистонлик журналист М.Рузе шундай маълумотларни келтиради. “Электрисите де Фромс” компаниясининг иссиқлик электр стансияси ҳар куни ўз қувурларидан атмосферага 33 тонна олтингутргача аңгидридини чиқарар экан, улар 50 тонна олтингутргача кислогасига айлапили мумкин. Бунинг натижасида стансиянинг радиуси 5км булган майдонини кислотали ёмғир

эга/шайди. Бундай ёмғирларшынг кимёвий фаоллиги жуда катта, улар ҳатто цементни ҳам ўйиб юборади, оқактош ёки мармарни гапирмаса ҳам бўлади.

Инсоният сайёрамизнинг “сув бассейн”ларини ҳам телба/арча ўйламай-истмай ифлослантирумокда. Дунё океанига ҳар йили турли сабабларга кўра 2 млн тошидан 10 млн тоннача нефть тукилади. Йўлдошлардан олинган аэрофотосуратларга кўра океан юзасининг қарийб 30% нефтли парда билан қопланган. Айниқса, Ўрта ер денизи, Атлантика океани ва унинг киргокларидаги сувтар жуда ифлослантиришган.

Бир литр нефть балиқлар учун зарур булган 40 минг литр дениз сувидаги кислородни йўқ қилади. Бир тонна нефть океан юзасидаги 12 км² майдонни ифлослантиради. Кун балиқларнинг уруғлари сувнинг устки қисмида ривожланади, бу ерда эса нефть билан учрашиш хавфи жуда юқори. Дениз сувига 0,1-0,01 мл/л микдорда нефть аралашса, уруғлар бир неча кунда ҳалок бўлади. Дениз сиртининг 1-гектарида, агар нефтьли парда бўлса, 100 млн. дона балиқ уруги побуд булиши мумкин. Бу пардани ҳосил булиши учун 1л нефтнинг ўзи кифоя. Дениз ва океанларга нефтнинг тушиш манбай жуда кўп. Буларга танкерлар ва бургуланаш платформаларининг ҳалокатлари, керакмас ва оқим сувларини ташлаш, дарёлардан ифлослантирувчи таркибларнинг оқиб келиши киради.


Хозир олинаётган ҳар 10 тонна нефтнинг 7-8 тоннаси истеъмолчига дениз транспортида етказилиди. Дунё океанининг баъзи қисмларида деярли тўсту́полон бўлади. Масалан, кенглиги 39км булган Ламанш бўғозидан ҳар куни 1000 дан ортиқ кема утади. Бу ерда танкерлар ҳалокатининг булиши ҳеч ган эмас. Улар айниқса 70-80 йилларда кўп бўлди. 1975 йилнинг ўзидаёқ умумий сув сиғими 815 минг тонна бўлган 10 танкер ҳалокатга учради. Деярли ҳар йили катта ҳалокатлар юз беради.

Денизни нефть билан ифлослантиришида танкерлар ҳалокатининг улуши унча кун эмас.

Тапкерлардаги цистерналарни ювгандан сүнг қолған сувни деңгизга тапташ ҳисобига акваторияга тушадиган нефть ундаи 3 марта күп, нефть-кимёси заводларининг чиқитлари эса деңгиз ва океанларни 4 марта күп ифлослантиради. Деңгиз бурғуларининг ҳалокатлари ҳам шунча нефти деңиз ва океанларга тушишига сабаб булади (17.2-расм).

Деңгиз сувларини ифлослантириштаги энг ачинарли рекорд “Иксток-1” (Мексика) нефть құлуғига тегишли, бу құлук Мексика күрфазидаги Юкатан ярим ороли қирғоқларида бурғуланған. Ҳалокат 1979 йил июн ойыда содир булды ва ҳар куни акваторияга 4 минг тоннадан күп нефть түкілді. Құлукдан бир ойдан ортиқ вақт давомида фаввора отижи, “Қора олтии”нинг 0,3 млн. тоннаси йўққа чиқди. Фавворани бартараф этиш учун 131,6 млн. доллар сарф этилди.

Қўрқинчли савол туғилади: “Қора океан”ларни нима қилиш керак? Улардаги жониворларни үлимдан қандай қутқариш мумкин?



16.2-расм. Дунё океанлари сувларига тушадиган турли нефтли углеводородларнинг улуси (В.Я.Троцюк, И.А. Немировск бўйича)

Турли режалар тузилмоқда. Фарангистонда “Циклонет” номли маҳсус центрифуга аппарати яратилди. Бу аппарат ўзи юрар порт баржасига насослар билан ўрнатилади, бу насослар сатҳдаги

сувни нефть пардаси билан бирга суреб олади. Суреб олишган ифлос сув курилманинг айланадиган барабанларига тушиб, тезлик билан сув ва нефтига ажратиб олинади. Аппаратнинг упумдорлиги соатига 200м³. Швейцария ва Англия мугахассислари денгиз сувларини нефтдан тозалаш учун эски газета, қотоз жилдиши, қоғоз фабрикасидан чиқсан қоғоз тасмаларидан фойдаланишини таклиф қилдилар. Қоғозлар узунлиги 3мм бўлган ингичка тасмачалари қирқилади, сувга тапланган қоғозлар уз оғирликларидан 28 марта ортиқ нефти суреб олади. Қоғозларни сувдан йифиб, сикилиб, нефть ажрагилади. Катта пейлон “тўр ҳалта”ларга солинган булақай тасма қоғозлар денгизда танкер ҳалокатга учраган жойдан нефти йиғиб олиш учун ишлатилади.

Бопқача режалар ҳам бор. Масалан, нефталарни бириктирувчи маҳсус моддаларни – диспергаторларни қуллаш. Бунда нефть пардаларига темир кукуни билан ишлов берин ва кейин кукунларни магнит билан тортиб олиш яхши натижа бермоқда. Биологик ҳимояга катта ишонч умид билан қаралмоқда. “Дженерал электрик” фирмасининг (АҚШ) лабораторияларида супермикроб яратилди, у углеводород молекулаларини парчалаш қобилиятига эга.

Нефть маҳсулотларини транспорт қилишда уларнинг йўқотилиши табиатда жуда катта зарар келтиради. Ҳозирги пайтгача олишган нефтининг 5% сақлашда ва узоқ жойларга транспорт қилишда табий йўл билан йўқотилмоқда. Бу эса бир йилда атроф-мухитга ўртacha 150 млн. тонна нефть тушишини билдиради, булақ танкер ва нефть узаттичлардаги турли ҳалокатлар ҳисобга кирмайди. Мана шуларнинг ҳаммаси табиатта саёбий таъсир қилмай қолмайди. Бу эса нефтдан ва нефть маҳсулотларидан тартиб ва эҳтиётлик билан ва керагича фойдаланиш кераклигини кўрсатади. Нефть зийракликни, эҳтиётликни талаб қилади. Буни нафақат ҳар бир нефтчи, балки нефть

маҳсулотлари билан иш юритадиган ҳар бир ходим ҳам билиши керак.

Назорат саволлари.

1. Нефть ва газни жадал олишнинг оқибатлари ҳақида ганириб беринг.
2. Нефть ва газни ёқилғи сифатида ишлатганда атмосферанинг ифлосланиши ҳақида нималарни биласиз?
3. Сайёрадаги “сув бассейн”ларини нефть билан ифлосланиши ҳақида нималарни биласиз?
4. Денгиз сувларини нефтдан тозалаш усулулари ҳақида ганириб беринг.
5. Дунё океани сувларига тушадиган углеводородларнинг турли манбаларининг улушлари ҳақида ганириб беринг.

17. НЕФТЬ ВА ГАЗНИНГ БОШҚА МАНБАЛАРИ БОРМИ?

Нефгчиларнинг нефть ва газни янги конъюнктури қилириш ва уларни қайта ишлап соҳасидаги ютуқлари шубҳасиздир. Шу билан бирга ноёб табиий бойликларнинг тугаш вақти йиллар ўтган сайин яқиншашмокда. Ҳозир кўпгина мамлакатларнинг олимлари углеводородни сунъий йўл билан олиш муаммоси устида ўйланмокдалар. Лаборатория шароитларида бунинг имконияти борлиги исботланди. Бунинг учун балиқ мойини қайта ҳайдаган К.Энглер тажрибасини эслайлик. Аммо бизга саноат миқёсида нефть керак!

Дунёда биринчи марта синтетик нефтни катта миқдорда ҳосил қилиш муаммоси Германияда амалга ошиган эди. Биринчи жаҳон уруғи йилларида кайзер Германияда табиий нефть манбаларидан бутунлай узилиб қолди. Армияга бензин керак эди. Немис олимлари осмонга тикилиб нога қила бошлидилар. 1908 йилдаётк рус ижодкори И.И.Орлов углерод оксид ва водородни бириктириш ёрдамида нефтили углеводород ҳосил қилишни исботлади (бу аралашма сувли газ номини олди). Амалда бупдай газни чексиз миқдорда атмосферадан қандай топиш мумкин? Немис олимлари Фишер ва Троин синтетик нефтни ҳосил қилиш технологиясини топдилар. Улар сувли газни ҳаводан эмас (унда ҳам бу иш анча оғир эди), қўнғир кумирдан олдилар. Нефть синтези сувли газнинг 180-200°C ҳароратда ва атмосфера босимида оксидли темир - рух катализаторлари билан контактга кириши натижасида рӯёбга чиқади. Сунъий ёқилиғи ишлаб чиқарувчи бир қатор заводлар қурилди, бу заводлар кун йилтар давомида яхши ишлади. Уруш ҳам тугади, табиий нефть олиш суръати ўси, нархи ҳам пасайди. Фишер-Тропшларнинг синтетик нефти табиий нефть билан рақобатлапа олмади, ишлаб чиқариш йигишириб қўйилди.

Хозир сунъий нефть олиш гояси яна фаол мавзуга айланмокда. Нефтни бевосита ҳаводан олиш мумкин. Ундан ташқари, олимлар нефтни ҳаводан олиш атмосферага атроф-муҳитга катта таъсир кичадиган ортиқча карбонат ангидрилларни йўқотишига, кун микдорда ёндирилаётган ёқилғи ҳар йили атмосферага миллиард тонналаб карбонат ангидрил газини (углерод диоксидини) чиқазади. Хозирги вақтда бу газнинг 10% нигина ўсимликлар ютади. Кўпгина олимлар ер атмосферасида карбонат ангидридинг кўнайини маълум даражада хавфхатарни тудиримокда деб таъкидламокдалар. Ундан қандай кутулиш мумкин?

Техника фанлари доктори В. Цисковский бундай йўлни тақлиф қилмоқда. Энг аввал атмосферадан карбонат ангидрил газини олиш керак. Бунинг учун ҳавони музлатини ва ғовакли мембрана ёрдамида бўлинин ёки маълум шароитда аммиак билан бириктириш керак. Ундан кейин аммоний карбонат ҳосил бўлади. Аммоний карбонатнинг узи иссиқлик таъсири остида аммиакка ва углерод диоксидига бўлинади. Ҳосил бўлган тоза (соғ) карбонат ангидрил нефтни синтез қилишини учун маҳсулот ҳисобланади. У углерод (II) оксид (ис гази) ва кислородга бўлинади. Бундай реакцияга жула катта микдорда энергия керак бўлади. Реакцияни атом реакторларида катализатор иштироқида 5000°C ҳароратда ўтказиш мумкин. Кейинчалик карбонат ангидридни водород билан бирлаштириб, нефть олинади (17.1-Расм).


Нефтни ҳаводан олиш келгусидаги ишdir. Хозир эса сунъий нефть тошдан олинади. Албатта, бу тошлар оддий тош эмас, улар таркибидаги катта микдордаги органик молдайлар, яъни углеводород олинадиган табиий материал бўлган тоғ жинслар ёнувчи сланецлардир. Бунинг учун куюқ, қовушқоқ нефть билан тўйинган кумлар ҳам ярайди.

АҚШ геологик хизматчиларининг маълумотларига кўра ёнувчи сланецлар ва нефтга тўйинган кумларининг дунё заҳираси 700-800 млрд

тонна экан, бу эса дунё буйича топилган нефть захираларидан 7-8 марта кўп демакдир. Бундан бир неча йил аввал дунёнинг бир қатор мамлакатларида бу муаммони амалда ҳал қилишга киришишган. Масалан, 1971 йилда Бразилияда сланецларни қайта ишлайдиган қурилма ишга тушиб, бу қурилма суткасига 159 м³ сланецли қора мой, 17 тонна олтингутурт ва 36,5 минг м³ ёнувчи газ ишлаб чиқади.

Қурилмага сарфланган маблағ қарийб 18 млрд. долларни ташкил этди. Уша 1971 йилда Канаада Атабаскадаги битумли кумлардан сугкасига 6 мин. тонна енгил нефть олинди. Шу мамлакатнинг ўзида ҳар йили 9 млн. м³ синтетик нефть олинади.

1973 йилда нефтнинг нархи бирданига ошиб кетди, шунда кўнчилик нефть сапоагчилари битумли сланецдан ва нефтли кумдан фойдаланишга киришдилар. АҚШда 1974 йилда бта бирлашган компания Колорадо, Юта ва Вайоминг штатларида сланецларни ишлашга рухсат олди.



17.1-расм. Хаводан синтетик нефть олиши схемаси (В.Цысковский бўйича).

Биринчи учта участка нархи 403.6 млрд доллар эди. Ҳисоб-китобларга кўра АҚШ суткасига шундай нефтдан 135 млн. тоннадан 405 минг тоннагача олиши мумкин экан.


Бироқ оғир нефтларни ва ёнувчи сланецларни йирик миқёсда қайта ишлаш узоқ келажакдаги ишдир. Шу билан бирга оғир нефтларнинг ва битумларнинг нархи 1 m^3 учун 220-314 доллар, ёнувчи сланецлардан нефтнинг олиниши 1 m^3 учун 346 долларлир.

Сланецлар ва нефтли құмлар сиртга яқин (150-200 м дан ошмаган) бұлғанда, уларни ишланып карьер үсулида олиб борилади. Баку шаҳри яқинидаги Кирмаку тоғ олдидағы карьер бұндағы нефтни олинишига мисол бұла олади. Бұу карьердаги жинс махсус идишга олиб борилади, унда реактив ёрдамида (нокондицион талабларға жавоб бермайдиган) керосин, (ипшірли сув ёки каустик сода) нефть ювіб олинади. Шу усул билан нефтнинг 80% и олинади.

"Арzon нефть" әраси охирлаб бораётгани аник. Бизга ҳозир қимматрок құрилаёттан махсулот бир оз вақтдан кейин жуда арzon булиб қуринаади. Нефтнинг ҳозирги 100-150 дол/м³ нархи 30-35 йилдан кейин 300-350 дол/м³ га нисбатан арзимаган нарх булиб қуринаади (17.2-расм). Сунъий газ биринчи марта XVIII асрнинг охирида лаборатория шароитида олинган эди. Бұу қашфиётдан инглиз олимі Мёрдок фойдаланди. У үз уйини ва Бирмингемдеги машинасозлар заводини сунъий газ билан ёригди.

Сунъий газнинг хоссалари ҳақида яхшиrok тассавурға әга бўлиш учун уни турли қуринишдаги қаттиқ ёқилғидан олишни кўрсатамиз.

Ёнувчи газ кокс, торф, кўмир, ёғоч утин билан қайта ишланади. Бунда олинган газнинг кимёвий таркиби ва физик хоссалари ҳалдан ташқари турлича ва ёқилғи турига ҳамда уни газлаштириш усулига боғлик. Баъзи бир сунъий газтар асосий ишлаб чиқаришнинг қўшимча махсулоти ҳисобланади. Масалан, коксли ва домна исчларидан чиққан газлар, шунингдек, кимёвий жараёнда ажралиб чиқадиган абсорбцион ва бошқа газлар шулар жумласига киради.



17.2.-расм. Нефтни узок мудлатга башоратлаш баҳоси.

1 - АҚШ саноатидаги уртака нарын; 2 - ОПЕК назорат қыладиган нарындар; 3 - нефть бера олишликни ошириш усуллари ёрдамида олинган нефтнинг нарын; 4 - жуда оғир нефтлар нарын; 5 - битумни сланецлар нарын.

Сунъий (саноатда ишләтиләдиган) ёнувчи газлар қаттың ёқилғидан икки усулы билан берувчи, коксли, сланецли газлар; 2) қолдиқсиз газлаштириш усулы - генератор газлари.

Курук ҳайдаш, бошқача айтганда пиролиз (грекча "руч" - олов, "lisis" - парчалаш) ёпик реакторларда ёки ташқаридан ёки ёқилғини ҳавосиз 500°C гача ҳароратда ёки ундан ортиқ ҳароратда иситадиган махсус печларда амалга ошириләди. Бунда ажралган аралашма турли газлардан ва сув бүгларидан иборат бўлади, қолган кокс эса асосан углероддан ва кулдан ёки фақат кулдан иборат бўлади.

Қаттиқ ёқилғини курук ҳайдашнинг икки усули мавжуд:

1. 500-600 °C ҳароратда чала кокслаш ёки паст ҳароратли кокслаш. Бундан чала кокс, қора мойли сув, қора мой ва таркибида 17-30% водород, 55-65% метан ва 5-8% углерод (II) оксид бўлган газ ҳосил бўлади. 1 тонна қаттиқ ёқилғидан 120 м³ гача газ ҳайдалади.

2. 1000-1100°C ҳароратда кокслаш. Ёқилғи 500-600 °C гача иситилгандга биринчи маҳсулотлар ажратиб чиқали, бу маҳсулотлар 1000-1100°C ҳароратда иккинчи бор парчаланади. Улардан чиқсан маҳсулотлар: кокс, кул, сув буғлари ва таркибида 52-60% водород, 22-30% метан ва 5-8% углерод (II) оксили. 1 тонна кўмирдан бу усул билан 300-320 м³ газ олиш мумкин.

Қаттиқ ёқилгини қуруқ ҳайдашда ёнувчи, сланец ва коксли газ олиш жараёни мисол бўла олади.

XIX асрда генератор газини ҳосил қилиш учун қаттиқ қолдиқсиз газлаштириш усули кенг қўллана бошланди. Ҳамма ёпувчи масса ёнувчи разга айланадиган ёқилгини қолдиқсиз газлаштириши газ генераторларида амалга оширилади. Бу газгенераторлари ичидан оловга чидамли материални колосник решетка (ораси очик) қилиб терилган вертикал шахтадан иборат. Ёқилғи юқоридан ташланади. Пастдан колосник решетка тагидан дам берилади - ҳаво ёки буғ, ҳавонинг буғ билан ёки кислород билан аралашмаси. Юборилган дам кул ва шлаклар минтақасидан ўтиб, итийли, сунгра ёқилғининг қизиган қатламига тушади, бунда дамнинг кислороди ёқилғининг ёнувчи элементи билан реакцияга киради ва кокс ёнади.

Ёниш маҳсулотлари кутарилади ва қазиб турган ёқилғи билан ўзаро таъсирга кириб углерод (II) оксид ва водород тикланади.

Тикланган маҳсулотларнинг кейинги ҳаракати давомида юқори ҳарорат натижасида юқоридан ташланадиган ёқилғи термик усулда парчаланади. Оқибатда қолдиқдаги кокс ҳосил бўлади, бу кокс ёниш золисига тушиб, ёниб кетади. Газогенераторнинг

юқори қисмидаги ёқилги күтарилаётган газ ва буелар иссиғи билан қуритилади. Кул колосник решеткаси орқали пастга тушниб кетади.

Газогенератордаги жараёш узлуксизdir. Генератордаги газлар таркиби (17.1-жадвал) ёқилгини турига, газогенераторнинг тузилишига ва дамнинг турига боғлиқ. Масалан, агар фақат ҳаво юборилса, ёниш иссиқлиги $3600\text{-}7200 \text{ кЖ}/\text{м}^3$ бўлган ҳаволи газ ҳосил бўлади. Сув буги юборилса, ёниш иссиқлиги $9600\text{-}12800 \text{ кЖ}/\text{м}^3$ бўлган сув буги; ҳаволи буг юборилса, ёниш иссиқлиги $6640 \text{ кЖ}/\text{м}^3$ бўлган аралашма газ; бойитилган кислород юборилса, ёниш иссиқлиги $4800\text{-}8400 \text{ кЖ}/\text{м}^3$ бўлган кислород буели газ ҳосил бўлади.

Ёқилгини босим остида газлаптириш билан газогенераторнинг иссиқлик чиқариш қобилияти ўсади. Масалан, қўннир кўмирни $2\text{-}3 \text{ МПа}$ босим остида кислородни буғли дам бериб газлаптиришда ёниш иссиқлиги $16000 \text{ кЖ}/\text{м}^3$ бўлган газ ҳосил бўлади.

Генератор гази ёқилги сифатида иситувчи, эритувчи, керамик, шиша эритаңиган печларда майший асбоб-ускуналарда, ичдан ёнишдвигателларида, шунингдек, турмупда ишлатиладиган газларни ишлаб чиқадиган рөгортва камера печларни иситиш учун ишлатилади.

Генератор гази корхоналарни ва темир йул станцияларни ёритади. Генератор гази водород, аммиак, метанол, сунъий суюқ ёқилги ишлаб чиқин учун хом ашё ҳисобланади.

Қаттиқ ёқилгини қолдиқсиз газлаптириш гояси XIX асрнинг 30 йилларида пайдо бўлди. Бу гояни биринчи бўлиб германиялик Бишоф 1839 йилда газогенераторни алоҳила агрегат сифатида лойиҳалаб чиқди. Кейинчалик газогенераторлар 1840 йилда Францияда Эбельман томонидан ва 1845 йилда Швейцарияда Экмон томонидан қуриғди.

1861 йилда Сименсом тиклайдиган исчли газогенераторга патент олгандан кейинги газогенераторлар кенг тарқала бошлиди. 1881 йил

Англияда генератор газини совитадиган ва тозатайдиган курилма лойиҳатанди, шундан кейин бу газдан фойдаланиш анча ўсли.

Ихтирочилар майший мақсадлар учун углеводород газини олинида оригинал усултарни таклиф қилмоқдалар. Улардан бири Эрфурт шаҳрида ишлаб чиқилган. Энергия манбаси сифатида Швербори шаҳри яқинидаги ахлат уюми олинган. Ахлат уюмини тұлдирисінде унинг ичига қувур үтказгичлар билан тутаптирилған 57 та газ қулуғи жойлаштирилди. 1 кг ахлатдан 200 л га яқин газ чикар экан, унинг ярми метан.

17.1-жаðвал

Қаттық ёқылғини қайта ишлаптдан олип адиган сунъий газнинг тахминий таркиби.

Газ	Газ таркиби, %								Енниш (жеке пайдалануши), кЖм
	Водород	Метан	Түйинмаган углеводорол	Олтингүлтурт водород	Углерод (II) Оксид	Карбонат антиприц	Азот	Кислород	
Чалакоксели	17-30	55-65	2-7	0,2-0,3	5-8	4-10	3-8	0,1-3	26200
Кокели	52-60	22-30	1,5-3	0,2-0,3	5,8-8	1,7-2,8	4-8	0,3-1,2	16400
Сланецли	22-28	15-18	5,2-5,5	0,2-0,3	9,12	14-17	23-31	0,5-10	14400
Ҳаволи генераторлы	13-15	0,5-2,5	0,2-0,3	0,2-0,3	26-30	5-8	49-52	6,2	3600-7200
Сұнны генераторлы	48-50	0,5		0,3-0,5	37-38	6-6,5	5-6,3	0,2	9600-12800
Ер ости газлашт.	13-19	1,5-2,5	0,2	0,5-1,7	3-19	10-29	48-56	0,2-0,6	3880

Хозирги уюмдан соатига 40 м^3 газ олинмоқда. Бу газ билан ишчилар хонаси иситилади. Иссиклик марказларини қуриш мүлжаланмоқда. Ҳисоб-китобга кура унга сарфланган харажат 3,5 йилда қолланар экан.

Иккинчи усул эса ҳеч күтилмаган Керала (Индия) штатидаги Оттапалам шаҳар ҳоқимияти ташаббускорлик билан чиқцилар, яни құдук мол гүнти билан тұлдирилади ва зич қилиб ёшилағи. Ачигаң гүнгідан чиққан газ қувурлар орқали газ плиталарга ұтады. Битта бундай қурилма ошланынг үй мақсадлари учун энергияга бұлған мұхтожни бутуңтай қаюатлантирар экан. Хозирги пайтда Ҳиндистонда бундай тузилманинг 53 та моделін ишиламоқда ва ундан тахминан 3,5 млн оила фойдаланмоқда. Мамлакат ҳоқимияти биогаз қурилмаларини тарқатишини құллаб-қувватламоқда. Хозирнинг үзідаёқ бунинғ ҳисобига ҳар йили 1,2 млрд. рупи тежаб қолинмоқда.

Назорат саволлари.

1. Фишер ва Троиши томонидан яратылған синтетик нефть олишнинг технологияси ҳақида нималарни биласиз?
2. Сланец ва нефти құмдардан қовушқоқ нефть олиш усули ҳақида гапириб беринг.
3. Қаттық ёқылғини куруқ ҳайдаш усули ҳақида нималарни биласиз?
4. Қаттық ёқылғини қолдиқсиз газлаштириш қаңдай амалға оширилади?
5. Қаттық ёқылғини қайта ишлашдан олинадиган сунъий газларнинг тахминий таркибини гапириб беринг.

18. КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯЛАРИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Энергия - ҳозирги жамиятнинг яшапи учун зарурий шартдир. Ўсиб бораётган аҳолининг турмуш даражасини кўтариши, моддий фаровонлигини ошириши, миљий хавфсизликни сақлаши ва ривожланаётган мамлакатларга ёрдамни кўпайтириши - буларнинг ҳаммаси энергияни ишлаб чиқариши тўхтовсиз ўсиб бориши натижасида жамиятнинг эришини мумкин бўлган мақсадларидир. Агар жула кичик энергетик харажатлар жамиятга ўз мақсадларига эришишда эркин ҳаракат қилишга имкон яратса, энергиянинг борлиги эса - ҳамма нарсада эркин ҳаракатга эга бўлиш учун биринчи талабдир.

Агар ёнувчи қазилмаларнинг заҳиралари бирор вақтга келиб тугаб қолса ёки улардан фойдаланиш кутимаган экологик оқибатларга олиб келса, уларни нима билан алмаштириш мумкин?

Биз ҳозирги вақтда ёнувчи қазилмалардан ташқари гидроэлектростанциялардан, атом станцияларидан, ўтин, куёш, сув тўлқинларини кўтарилишидан, шамол ва Ер қаърининг иссиғидан энергия олмокдамиз. Аммо жамият ёнувчи қизилмаларга шундай қаттиқ боғланиб қолганки, фойдаланилаётган бопка манбаларга энергиянинг 10% тўғри келади. Жамиятни яшаш даражасини тўхтовсиз ўсишини ва Ер шаридаги цивилизацияни сақлаб турмок учун фойдаланилаётган ёқилғи манбаларининг ўзаро нисбатларини якуний натижада ўзгартириш зарур ва инсоният ёнувчи қазилмаларга бўлган боғлиқлигидан кутулини керак. Шунинг учун куйида келажак учун истиқболли манбалар бўлган ёқилғилар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ер энергияси оқими

Манбаларнинг айрим турларини баҳолашдан олдин, ср юзасидаги умумий энергияларни кўриб

чиқамиз. Ер сиртига энергия учта маибадан келәди. Биринчи манба - Ер айланишининг кинетик энергиясини, унинг маълум қисмидан биз сайёрамизнинг айланишини пасайтирувчи доимий тормоз ҳисобланган океаншардаги оқимларнинг кутарилиши натижасида фойдаланини имконига эгамиз. Оқимларнинг кўтарилиш энергияси қайтадан тикланувчан маиба ҳисобланади ва амалий мақсадлар учун бу энергия етарли, аммо энергияларнинг бошқа маибадарига нисбатан уларнинг заҳираси анча кам.

Иккинчи манба - Ер қаъридаги энергиялар, бу энергия Ерга, геотермал деб аталувчи, иссиқлик шаклида келади. Бу иссиқликнинг маълум қисми миллиард йил олдин бизнинг сайёрамизни шакллантирган кучли жараёнлар билан боғлик, аммо ҳозирги вақтда Ер ичидаги юқори ҳароратларни, радиоактив элементларни-уран ва торийнинг табиий ўз-ӯзида парчаланини натижасида чиқдан иссиқлик сақлаб туради.

Учинчи манба - бу Куёш, у ер сиртига иссиқлик ва ёрүлиқ тарқатади. Ерга ҳар куни $1,5 \cdot 10^{22}$ Ж Куёш энергияси келиб тушади. Бу ғоят катта оқим Куёш энергиясининг чексиз эканлигидан далолат беради. Куёш энергиясидан оқилона ва заарсиз қандай фойдаланиш мумкин? Келаётган Куёш энергияси, оқим энергияси ва Ер қаъри иссиқлигидан шунчалик кўпки, у ҳар бир жараёнга ва Ер сиртидаги ҳар бир жонли мавжудотга таъсир қиласи. Келаётган куёш энергиясининг қарийб 30% булутлар ва Ер сирти қайтаради, аммо кўн қисми атмосферага киради ва кейин турли йўллар билан кетади. Куёш иссиғи атмосферани, океан ва қурукларни иситиб, шамол, ёмғир, қор ва океан оқимларини ҳосил қиласи. Аммо ҳамма энергия, ер юзасидаги иссиқлик мувозапатини сақлаб, яна совук фазога нурланиб кетади. Куёш энергиясини унча кўп бўлмаган қисми вақтинча ларё ва кулларда, бошқа қисми ўсимтикларда ва ҳайвонларда тўйланади. Демак, ўтин ва гидроэлектроэнергия тикланувчи энергия манба экан.

Чүкиндиларда ушланиб ва күмилиб қолған органик материалын Күш энергияси захирасини чүкиндилердин мавжуд булишининг тұла давридан узқа давом этадиган мулдатға тұплайды.

Сув оқими күтарилишининг энергияси

Сувнинг күтарилиши Ой ва Қуёпнинг ғравитацион тортилини натижасидир, бунда Ойнинг таъсири алча күчидір. Биз иккита баланд тұлқинни күз олдымизга келтирдік: улардан бири Ойға қараган, уни мувозанатловчи иккінчиси, Ернинг қарама-қарши томонида ётади. Ер үз үкі атрофида айланғани учун, бу тұлқинлар ҳаракат қышында қар куни иккита баланд ва иккита паст тұлқинлар ҳосил қиласы. Бұ тұлқинлар кучи Ернің айланыш кучининг натижасидир. Қытъалар, ороллар ва саёз жойлар баланд тұлқинларни текис оқиши йулида түсік сифатида таъсир қиласы, шунинг учун бу ерда баланд тұлқинларниң кучи ортағы.

Қуёшнинг тортиши ва рельефнинг потекислиги оддий булып күринган бу манзараны мураккаблаштиради. Сув ҳамма ерда ҳам бир хил күтарилмайды. Чукур океанларда у камдан-кам бир метрдан ошады, қытъа шельфи устида эса 20 метрни ташкил қилип мүмкін. Сувларнинг бундай үлкан массасининг ҳаракати катта микдорда энергия тағаббыз қиласы. Сув күтарилишининг умумий қувваты $2,7 \cdot 10^{17}$ Вт, бир йыл учун эса $0,85 \cdot 10^{20}$ Ж тенг деб бағоланған.

Сувнинг күтарилиши ва пасайишида и энергиядан фойдаланышида жуда күп мұаммолар мавжуд. Фарангистондаги (Ранс дарёсы) ва Россиядаги (Кислая Губа) станциялар баланд тұлқиплардан электр токи олмоқдалар. Бу тажрибаларни күрсатышича, станциянинг самарали ишләши учун тұлқин баландлығы 5м дан ортиқ ва күрфаз ёки чукур ва бир оз көнгайған дарё оғзи енгіл бетон тұғонлар билан беркитилған булиши керак. Ағсууски, қирғокларда сувнинг кутарилиш баландлығы деярли ҳамма ерда 2м

га яқин ва фақат Ердаги тахминан 30 жойдагина юқоридағы талаблар бажарылады. Уларнинг ичидә энг муҳимлари: құшни Фанди (Канада) ва Пассамакуоди (АҚШ) курфазлари; Фарангистоннинг Ла-Манш қирғоқлари буйи, Ранс дарёсиңдеги станция күп йилдардан бері муваффакият билан ишламокда; Англияning Ирландия деңгизиге қараган дарёларини чукур ва көнгө оғизлари; Оқ деңгиз (Россия) ва Кимберли қирғоқлари (шимолий-ғарбий Австралия). Агар күрсатилған бу жойлар тұлғык үзілгірилса ва уларнинг ҳар биридан тұлқинларнинг 20% энергиясидан фойдаланылса, олинған энергияларнинг умумий қуввати $0,032 \cdot 10^{12}$ Вт ташкил қилиши мүмкін.

Бу жамиятнинг бүгүнги әхтиёжига нисбатан кам, аммо тұлқинлар балаң бұлған айрим майдонлар учун жуда күпдір.

Шундай қилиб, тұлқинлар энергияси келажакда айрим жойлар учун бұлса ҳам муҳим үрин тутиши мүмкін, чупки у үнча күп бұлмаган, атроф-муҳитта жиғдій зарап көлтиirmайдыган энергетика системасининг биридір.

Ернинг қаттық қисми энергияси

Шахта а түшгандай одам пастта түшгандай сари төр жинсларининг ҳароратини ортиб боришими билади. Чүкүр құдуқтарда олиб борилған үлчашылар, ҳар бир километрда ҳарорат 15 дан 75°C гача ортишини күрсатды. Ер ядроидеги ҳарорат 5000°C дан юқори деб тахмин қилинали. Ер үлчами шундай каттаки, унинг ичидә иссиқлиқ энергиясининг жуда катта мөндөри жойлашып жатырылады.

Иссиқлиқ иссиқ жисмдан совук жисмге үтады, шунинг учун Ердан фазога доимий равинида секинлик билан иссиқлиқ оқими үтады. Ер қаъридан Ер сиртига уртаса $6,3 \cdot 10^6$ $\text{Ж}/(\text{см}^2 \cdot \text{с})$ ёки қувват бирлигі буйича $32,3 \cdot 10^{12}$ Вт иссиқлиқ чиқағы. Иссиқликининг умумий мөндөри жуда катта, аммо у жуда тарқоқ. Агар бир пиёла сувни иситиш учун 1m^2 ерлан чикқан

иссиқтикни йиғиши мүмкін бұлғанда жағдай, сувни қайнатыш учун 5 күн керак бўлар жағдай.

Жинсларниң товакларидағи иссиқ сув ва буғ "геотермал ҳавза"ни шакллантирағи. Агар бундай "ҳавза"да үтказувчан тоғ жинслари бўлса, у ҳолда иссиқ сув ва буғ бурғуланган қудуклар орқали юқорига чиқарилиши ва электр турбиналарини ҳаракатта келтириши учун фойдаланилиши мүмкін. Агар суюқлик жуда исиб кетса, буғ ҳосил булади; агар суюқлик унча иссиқ бўлмаса, сув ва буғ аралашмаси ёки қўпгина геотермал ҳавзалардаги каби иссиқ сув булади.

Бўгнинг электр ишлаб чиқарувчи турбиналар учун афзалиги сабабли шу нийтга қадар фақат буғли геотермал ҳавзаларгина ўзлантирилмоқда. Бундай ҳавзалар Испанияда, Японияда, Италияда, Индонезияда, Филиппин оролларида, Россияда, АҚШда ва Янги Зеландияда ишлатилмоқда. Келгусида болиқа бир қатор шундай ҳавзаларни ўзлантириши режалаштирилмоқда. Баъзи районларда геотермал иссиқ сувлар уйларни, сузини ҳовузларини, иссиқхоналарни иситиш учун ишлатилади ва уларни сони ортиб бормоқда, аммо улар электр энергиясини ишлаб чиқаришга нисбатан жуда кичик аҳамиятта эга.

Ядроларнинг парчаланиши энергияси

Ядро энергияси 1905 йилда Альберт Эйнштейн курсатған, материя ва энергияни бир-бирига алмашиниш мүмкінligига асосланған, жараён натижасида ҳосил бўлди. Атом ядролари нейтронлардан ва протонлардан иборат. Бирок, агар атом массаси ўлчанса, у ҳар доим нейтронларни ва протонларни алоҳида-алоҳида ўлчангандай масса йиғиндишидан бир оз кам булади. Етишмаёттандай масса ядро ҳосил бўлишида заррачаларни бирлашиши натижасида энергияга айланади. Ядрони таркибий қисмларга бўлининини фақат, етишмаёттандай массани алмаштириши учун етарли булган, энергия ёрдамида амалга ошириши натижасида парчалаш мүмкин.

Етишмаётган масса заррачаларни бирга ушлаб турувчи слим сифатида таъсир килали ва боғланган энергия ёки ядро боғламининг энергияси дейилади. Ядродаги протон ва нейтрон түғри келувчи боғланган энергия атомнинг умумий массаси билан бирга үзгарилиши мумкин.

Атом энергиясини икки жараён ёрдамида чиқариш мумкин. Улардан бири-водород ва литий сингари икки енгил элементларни қўшиш ва синтез қилишда ундан оғирроқ элементлар ҳосил булади. Бу Күёшда ва водород бомбаларида юз бералиган жараёндир.

Ҳосил булган энергия сарфланган энергиядан ортиқ бўлган синтез ҳозирча лаборатория шароитларида амалга оширилмаган. Аммо баъзи олимлар бундай ютуқقا албатта эришилинига ва элементларнинг синтези келажакда энергиянинг бош манбаи бўлишига ишонадилар. Иккинчи жараён - уран ва торий сингари оғир элементларни үзгартириш ёки бўлиш (парчаланиш). Бу бўлишда, уран ва торий таркибларида протон ва нейтрон парчаланмайди, балки боғланган энергия эгри чизигидан настда жойлапсан, оралиқ массаларнинг икки ёки ундан ортиқ атомларига бўлинади (парчаланади). Бўлиш - атом бомбасида юз борадиган жараёндир. Бу реакцияни назорат қилиш мумкин бўлганлиги учун ундан атом электростанцияларда электр олишда фойдаланилмоқда. Бунда хавфсизлик муаммоси кескин қўйилади, чунки инсониятнинг катта қисми бу хавфни замоннинг энг ташвишли муаммоси эканлигини англашетмоқда. Агар атом электростанцияларидан бирор сабабларга кўра атроф-муҳитга радиоактив моддалар чиқиб кетса, оқибат жуда ҳалокатли бўлиши мумкин. Атом электростанциялари хавфидан ҳам ташвишли муаммо бор, бу радиоактив ташландикларни йўқотиш муаммосидир. Бу радиоактив моддалар юз йиллаб захарлилигини сақлаб қолади, шу сабабли уларни Ер ости сувларига, атмосферага ёки биосферага тушмаслиги учун чекка жойларга кумиш керак.

Қүёш энергияси

Қүёш энергияси шундай хоссаларга әгаки, бу хоссаларнинг жами бошқа битта ҳам манбада учрамайди. У тикланувчан, экологик тоза, бошқарилувчан, микдори буйича биз ҳозир фойдаланаётган ва кейинчалик ҳам фойдаланаадиган ҳамма энергиядан минг марта ортиқ. Тұғри, биз ҳозирнинг үзідаёқ турли мақсадларда Қүёш энергиясидан фойдаланмоқдамиз. Табиийки, келгусида Қүёш энергиясининг бу фаол бұлмаган формалари кенг мікёсда ишлатилади. Бирок асосий муаммо фаол бұлмаган иссиқлик системаларидан фаол Қүёш системаларидан фойдаланишга үтишдір. Бұ системаларда Қүёш иссиқлиги кейинроқ фойдаланиш учун - ёки машиналарни ҳаракатта көлтириш ёки электрни ишлаб чиқариш учун жамтанды.

Катта атом электростанцияларининг қувватига – (10^9 Вт) тұғри келадиган кучли станцияга Қүёш нурини жамловчи 8 km^2 сатх керак бұлади. Станцияларни куришни жуда қимматта тушиши, катта майдонларнинг зарурлиги ва күп районларда болутли күнларнинг күп булиши (айниңса юқори кенгликларда) бир қатор мамлакатларда факт Қүёш энергиясидан фойдаланишга имкон бермайды. Аммо күёпіли күншар күп бұлған мамлакатларда келгусида Қүёш энергиясидан кенг күламда самарали фойдаланиш мүмкін.

Сув энергияси

XXI асрдан минг йил аввал, электр энергиясini ишлаб чиқариш учун кенг күламда дарёларни тушиб, сув кучидан оддийгина фойдаланиш бошланған.

Тикланувчан ҳамма энергия ресурслари ичиде сув кучидан кенг фойдаланилмоқда. Оқим сувнинг энергия ресурслари катта ариқлардаги, дарёлардаги сув микдори ва уларнинг бопшланишидан қуишлиш жойигача бұлған үтиш масофасига қараб бағоланади. Аммо бу сувнинг ҳаммасидан фойдаланиб бўлмайди.

Йил давомида оқим тезлиги кескин ўзгаради, ҳамда дарёни бутунлай түсишнинг иложи йўқ.

Сув энергиясини қуриб чиқишида иккита ҳолат биринчи даражали аҳамиятга эга. Биринчиси - жуда катта камчилиги, агар жаҳондаги давлатлар ҳамма йирик дарёларни умуман түсишга келишишган бўлсаларда бундай тӯғонларнинг умри чекли, яъни киска бўлади. Ҳаракатдаги сув оқими таркибида суспензия қўринишидаги ишгичка лой заррачалари бор; оқим тўсилиб, сув тезлиги пасайиши, билан улар чўка бошлайди. Иккинчи ҳолат, аксинча, қулайдир. Узлаштирилмаган энг катта сув потенциали Жанубий Америка ва Африка учун хосдир. Бу қитъаларда кўмир заҳираларини унча кўп эмаслигини ҳисобга олинса, сув энергиясининг катта заҳираларни борлиги улар учун яхши энергия манбаси деса булади. Шу сабабли Жанубий ярим шар мамлакатларида узок вақт сув энергиясидан фойдаланиш ҳақиқатга яқин бўлиб кўринади.

Шамол ва океан энергиялари

Келаётган Куёш энергиясининг тахминан 46% ини океан, қуруклик ва атмосфера ютади. Бу энергия шамол, тўлқин ва оксан оқимларини келтириб чиқаришдан ташқари, денгизларни иситади ва обҳавонинг ўзгаришида сабабчи бўлади. Ҳеч бўлмаганда унинг бир қисмини потенциал ресурслар сифатида қараш мумкин. Глобаl миқёсда баҳоланганди шамол энергияси жуда улкан, аммо энергиянинг катта қисми булуғ орқасидаги баландтикларда эсувчи шамолларда тупланган ва демак, қуруклик юзасида фойдаланиб бўлмайди. Ер юзаси устида барқарор эсадиган шамоллар куввати 10^{12} Вт тенг ва унинг маълум бир қисми шамол тегирмонларида ишлатилиши мумкин.

Очиқ океанди Куёш нурлари биринчи навбатда унинг сиртини иситади, бунинг натижасида сувнинг қалиш қатламида ҳарорат градиенти хосил бўлади. Бу градиентдан келиб чиқсан ҳолда, океаннинг жуда катта иссиқ резервуаридан амалда, геотермал

схемаларда иссиқ сувлардан фойдаланишга ўхшаш усуллардағы, фойдаланиш мүмкін.

Бу ҳолда, ҳароратлар фарқини жуда кичиктігі билан боғлиқ қийинчиликтар туғилады, бұрын тропикларда ҳам 20°C дан ошмайды. Шунга қарамай Африканиң гарбий қирғозыда, Абиджан якинида, иккінчи жағон урушидан кейин фарангистоңдик мұханұссызлар томонидан океаннинг иссиқтік энергиясидан фойдаланиш учун унча катта бұлмаган тажриба станцияси курилды, бұрын станция қисқа вақт ишләди. Агар бундай қурилмалар қаочонлардир пайдо бұлса, энергияның яна битта астрономик катта манбасыдан фойдаланиш йўли очилади.

Күёш энергияси билан боғлиқ яна бир энергия манбасы тұлқинлардир. Улар океанлар устида әсадиган шамолылар таъсирида келиб чиқады, бундай тұлқинларнинг энергияси сувни күтарилиш энергиясидан бир неча минг марта күпдір. Масалан, баландлығы 1,8 м бұлған тұлқин, 9 метр сув қатламиның қарасатта келтирады, унинг ҳар бир метр тұлқин күламида таҳминан 10^4 Вт га тенг қувваты энергия бор. Ҳамма китъаларнинг қирғозларыда ҳар куни қаңдай катта микдордагы энергия сарфланишини үйлаб күринг! Күп йиллар давомида тұлқинлар күчидан фақат дөнгиз навигацияси соҳасидегінде фойдаланилар эди, охирги йилларға келиб ундан кең миқёсде электр энергиясини ишлаб чиқарып манбасы сифатыда қаралмоқда. Аммо, бу режанинг келажаги унчалик ишонарлы әмас. Патентланған схемалардан бири әгилувчан парда билан қоштанған ва гидравлик флюидлар билан тұлдирилған новлардан фойдаланишини күзде тутады. Агар бундай новлар дөнгиз тубига жойланыптырылса, қарасаттагы тұлқиілар оғирлигі остида қарастыранылған флюид новлар системасы орқали моторга үтады, у айланиб, генераторни ишга туширады. Иккінчи лойиха оптикалық мөшіндер (шарнирлар) билан маңқамланған, бир неча сузувчи соллардан иборат. Тұлқиілар үтгандан соллар юқоридан пастта, пастдан юқорига қараб тебранади ва

бу тебранишни турлича механик курилмаларни ҳаракатга келтиришда құлтанилиши мүмкін.

Энергиянинг биологик манбалари

Ұсимлик материалларини ёқилғи сифатида ишлатиш ёки улардан спирт, метан ва бошқа ёнаған кимёвий маҳсулоттар ишлаб чиқариш мүмкін. Демак, ұсимлик фотосинтезни таъминладиган қуёш нури билан бевосита боғлик, биологик масса Қуёш энергиясини яна бир манбаси ҳисобланади. Куруқликда ұсуви ұсимликтарнинг қуруқ массаси турлича баҳоланади, аммо үргача қиймати $2 \cdot 10^{12}$ т га тең. Ұсимликтарни қуруқ массасининг йиллик ортиши $0,15 \cdot 10^{12}$ т га тең деб ҳисобланади. Агар ёқилғи сифатида бир йиллик ортаётган ұсимлик массасини ёқсак, ҳозир биз истеъмол қилаётган энергиядан саккиз - үн баробар күп энергияни олиш мүмкін бўлар эди.

Албатта, бунга эришиб бўлмайди, чунки биз унда дараҳтсиз, озиқсиз, гупрокни унумсизлиги эса ҳалокатли ҳолга тушиб қоларди. Ұсимликин ёқилғи учун сунъий кўпайтириш, сўзсиз ёқилғи сифатида ишлатидаған биологик массани кўпайтиради.

Ер шарининг бальзи районларида энергиянинг бу яққол кўринишдаги манбанинн ўзлаштириш экспериментлари ўтказилмокда. Бразилияга үхшаш троник минтақаларда натижа анча яхши, аммо фойдали экинлар етиштириладиган мамлакатларда унчалик юқори эмас. Меъёрли мұътадил кенгликларда ҳам қишлоқ хўжалиги ва саноат чиқиндиларини ёқилғи сифатида ишлатиш мүмкін, бунинг учун мос турдаги энергия станцияларини ишга тушириш лозим.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш масаласига ишончсизлик билан қарааш тўғри эмас. Агар бугунги кунда унинг имкониятларидан чекланган тарзда фойдаланилаётган бўлса, келажакда янги технологиялар бу ҳолатни тубдан ўзгартириб юбориши мүмкін. Агар тадқиқотнинг бирор соҳаси инсонга, унинг қаифиётчилик ижодига қизиқарли туюлса, бу

турган ганки, қуёш энергиясидан фойдаланиш булар эди.

Назорат саволлари.

1. Ердаги энергия турлари ҳакида гапириб беринг.
2. Сувнинг кўтарилиш энергияси ҳакида нималарни биласиз?
3. Геотермал энергиядан қандай фойдаланиш мумкин?
4. Ядро ва қуёш энергиялари тўғрисида нималарни биласиз?
5. Шамол, океан энергиялари ва унинг биологик манбалари тўғрисида гапириб беринг.

19. ҮКИШ УЧУН ҚАЕРГА БОРИШ МУМКИН?

Илмий-техника тараққиёти – фан, олий ва ўрта махсус таълимни жадал ривожлантиришини тақозо этади. Ҳозирги шароитларда жаҳондаги ҳар бир мамлакат, ишлаб чиқариш соҳаси, алоҳида олинган корхона учун илмий куч-куватт ҳақиқий нуфуз белгиси бўлиб, бу унинг яшаш қобилиятини, салоҳиятини намойиш қилади. Инсоният тарихи фан ва таълим соҳаларини бунчалик тез ривожланишини кўрган эмас.

Республикамизнинг нефть-газ соҳасида аҳвол қандай деган савол туғилиши табиий. Унинг малакали кадрларга талаби қандай? Мустақиллик йилларида нефть ишлаб чиқариш 2,8 баробар, газ ишлаб чиқариш 1,3 баробар ошиди, аммо мутахассисларнинг ўсиши кузатилмади. Буни шундай изоҳлап мумкин: ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, комплекс механизациялап олимлар, муҳандислар, техниклар, ишчиларга бўлган талабни чеклаб қўяди. Баъзи бир мутахассислар яқин 10-15 йил давомида илмий-техник ривожланишини кадрларнинг ҳозирги ўсиш суръатини сақлаб қолади, деган фикрни билдирипмокда. Аммо, амалиёт янги ва ривожланаётган йўналишлар, яъни ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий асослари, автоматлаштирилган лойихалаш тизими (АЛТ), ижтимоий ва муҳандислик психологияси ва бошқалар учун кадрлар тайёрлаш зарурлигини кўрсатмокда. Бу ва бошқа янги ихтисосликлар бўйича муҳандисларни тайёрлаш малакали кадрларни янада кўпайишига хизмат қилади. Мамлакатимизнинг нефть-газ соҳаси учун яхши мутахассисларни тайёрлаш бўйича олий ва ўрта махсус таълим ходимлари олдида муҳим вазифалар турибди. Бунга кура, фақат, айни вақтда анъанавий тартибдаги мутахассисларни тайёрлаш билан чекланиб қолмай, эътиборни янги йўналишлар бўйича малакали кадрларни тайёрлашга қаратиш талаб этилади.

Фан ва техниканинг янги истиқболли йўналишлари бўйича нефть-газ саноати учун муҳандис кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш олий мактабларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу оддий муҳандисларни, раҳбар кадрларни назарий

билимини ва амалий малакасини ошириш, уларни ҳозирги замон ишлаб чиқарыш талаблари даражасида булишини таъмилаш зарурити билан бевосита боғлиқлар.

Хар кандай соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш жуда зарур, бу борада хатоликка йўл қўйиш мамлакат иқтисодиётини оғир аҳволига солиб қўяди.

Шимолий денигиздаги конларни излаш, қидириш ва ишлашга тайёрлашда Буюк Британия ўз вақтида жуда катта қийинликларга дуч келган. Чунки мамлакатда керакли мутахассисларни тайёрлаш ҳақида олдиндан тайёргарлик қилинмаган. Шу муносабат билан 1975 йилда “Морнинг стар” газетаси ёзишича, конларни қидириш ва ишлашга тайёрлаш Америка капитали эгалик қилиган ҳалқаро концернлар қулига ўтиб кетиш хавфи туғилган. Нефтни қидириш, қазиб олиш, транспорт қилиш ва қайта ишлапти устидан назорат ўрнатиш учун Британия миллий нефть корпорациясини ташкил этишига қаратилган ҳукумат ҳаракатлари факат маблағ этишмаганини туфайли эмас, балки зарур миллий кадрлар булмаганини сабабли ҳам анча қийин кечди. Факат Англия фирмалари ва мамлакат ҳукуматининг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли кадрлар қийинчиликтининг олди олиниди.

Ҳозирги замон иқтисодиёти ва фани учун хусусиятли булган ижтимоий ишлаб чиқариш, динамик дифференциациялаш ва интеграциялаш йўналишида илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш нефть-газ саноати учун турли хилдаги янги ва анъанавий мухандис кадрларни тайёрлашни тақозо этади. Нефть-газ саноати учун мутахассислар тайёрлашда факат сонига эмас, балки унинг сифатига катта аҳамият бериш керак.

Республикамизда нефть-газ саноати йўналишилари бўйича касб-хунар колледжлари томонидан кадрларни тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар 18.1-жадвалда келтирилган. Жадвалдан куриниб турибдикি, мутахассисларни тайёрлаш барча ихтисосликлар бўйича амалга оширишмокда: “Нефть ва газ қулукларини ишлатинг” (015022); Газ ва нефтьни қайта ишлап (015024); “Нефть-газ жиҳозларини таъмирлаш” (015025); “Нефть ва газни ташиш ва саклаш” (015020); “Газ

тармоқлари тизими воситаларини үрнатиш ва таъмирлапш" (050002); "Газ ва электр воситаларини үрнатиш" (110002), 2002 йилда Республика колледжларига режа асосида 1575 киши қабул қилинди.

Нефть-газ йўналишидаги колледжларни тутатганлар Республика олий ўкув юртларида ўз касбларига оид билимларини оширишлари мумкин. Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Мирзо Улугбек номидаги Миллий университет, Қарши иқтисодиёт мұғандислик институти, Фарғона политехника институти, Тошкент меморчилик курилиш институти ана шундай олий ўкув юртлари жумласига киради.

Бу ўкув юртларида "Нефть-газ геологияси", "Излап ва қидиришнинг геофизик усуллари", "Нефть ва газ қудуктарини бургушаш", "Нефть ва газ конларини ишлаш ва ишлатиш", "Нефть ва газ ишлаб чиқаришнинг физик жараёнлари", "Нефть ва газ конларини лойиҳалаш ва ишлатиш", "Газ-нефть кувурлари ва улардан фойдаланиш", "Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва ишлаб чиқариш", "Нефть ва газ саноати машиналари ва жиҳозлари", "Ёқилиғи-энергетикаси комплекси тармоғида бошқариш", "Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси" ва бошқа йўналишларда билим берилди.

Холоса қилиб айтиш мумкинки, Республикамизнинг нефть-газ соҳаси йўналишларида ким ўқиши хоҳласа ва юкори малакали мутахассис бўлишини орзу килса, марҳамат ҳамма шароитлар яратиб қўйилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Абидов А.А. Приоритетные инвестиционные проекты на современном этапе развития нефтегазовой отрасли Узбекистана // Узбекский журнал нефти и газа, 2001., №3, С.5-7.
2. Агзамов А.Х., Хайитов О.Ги др. Влияние структуры запасов на нефтеотдачу пластов // Узбекский журнал нефти и газа, 2001., №4, С. 29-30.
3. Агзамов А.Х., Ҳайитов О.Ғ., Акрамов Б.Ш. ва бошқалар. Юқори қовушқоғи нефть конлари заҳирашардан самарали фойдаланиш муаммолари //ТошҶТУ хабарлари. № 4. 2001., С.3-5.
4. Агзамов А.Х., Халиматов И.Х.,Хайитов О.Г., Пути повышения качества подготовки специалистов для нефтегазовой отрасли. Каңлар тайёрлапп милгий дастури асосида мұхандис педагоглар тайёрлаш истиқболлари мавзусидаги илмий-назарий анжуман. Тошкент. 2001., 105-106 б.
5. Азамов А.С. Резервы и возможности развития нефтегазового комплекса Республики Узбекистан // Узбекский журнал нефти и газа, 2000., №4, С. 4-5.
6. Ахмедов А.А., Абидов А.А. "Второе дыхание" нефтегазового комплекса Республики Узбекистан // Узбекский журнал нефти и газа, 1998., №4, С. 4-7.
7. Воздвиженский Б.И., Ребрик Б.М. В глубь Земли. Разведочное бурение - от прошлого к будущему. М.: Недра, 1989., 168с.
8. Гаврилов В.П. Черное золото планеты. М.: Недра, 1990., 160с.
9. Жумаев Х.Б. О возможностях реализации инвесторами совместных проектов по поискам, разведке и последующей разработке нефтяных и газовых месторождений в Узбекистане // Узбекский журнал нефти и газа, 1998., №3, С. 36-40.

10. Жумасев Х.Б. Нефтегазовые инвестиционные возможности Республики Узбекистан // Узбекский журнал нефти и газа, 1997., №2, С. 4-7.
11. Закиров А.А., Белокопытов В.М., Чигринский Ю.Е. Топливо - энергетический комплекс Узбекистана: проблемы, пути интенсификации, перспективы развития. Т.: Мехнат, 1986., 140с.
12. Информационно-аналитический сборник "Зарубежная информация", 2001., №11, С. 41-46.
13. Информационно-аналитический сборник "Зарубежная информация", 2001., №12, С. 39-42.
14. Козлов А.Л., Нурланов В.А., Пронин В.Н. и др. Природное топливо планеты. М.: Недра, 1981., 160с.
15. Ливитин З.С., Ходжиматов А.Х. История нефтяной промышленности Узбекистана (развитие отрасли и формирование кадров). Т.: Мехнат, 1985., 148с.
16. Нефтяная статистика, 1998, №5, С. 51-55.
17. Нефть, газ и нефтехимия за рубежом, 1988., №2, С. 31-35.
18. Скиннер Б. Хватит ли человечеству земных ресурсов?: Пер. с англ. М.: Мир, 1989., 264с.
19. Судо М.М. Нефть и горючие газы в современном мире. М.: Недра, 1984., 184с.
20. Статистическая информация, 2000., №2, С. 35-41.
21. Табер А.М. Нефть - прошлое, настоящее, будущее. М.: Просвещение, 1987., 128с.
22. Тоня А.П., Азаров О.В. Динамика производства и потребления энергоресурсов в нефтегазовой отрасли, методика постановки задач энергосбережения //Узбекский журнал нефти и газа, 2001., №4, С. 7-8.
23. Хайитов О.Г. Мирзарахимов М.С. и др. Влияние геолого-физических и технологических факторов на эффективность разработки подгазовых нефтяных залежей //Вестник ТашГТУ. №4. 2001., С. 93-96.

24. Агзамов А.Х., Ҳайитов О.Ф., Асадова Ҳ. О совершенствовании подготовки кадров для нефтегазовой отрасли Узбекистана. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида муҳандис-педагоглар тайёрлаш истиқболлари мавзусидаги илмий-амалий анжуман. ТошДТУ. 2004. 102-106 б.
25. Ҳайитов О.Ф. Касб-хунар колледжида мутахассислик фанларини уқитиш истиқболлари. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида муҳандис-педагоглар тайёрлаши истиқболлари мавзусидаги илмий-амалий анжуман. ТошДТУ. 2004. 122-124 б.
26. Ҳайитов О.Г., Бурлуцская И.П., Зуфарова Ш.Х. Лабораторные исследования горных пород и флюидов. ТашГТУ. Т.: 2003. 231 с.
27. Холисматов И.Х., Ҳайитов О.Ф. Мавлонов А.В. Нефть ва газ геологияси ва геокимёси. ТошДТУ. Т.: 2003. 171 б.
28. Холисматов И.Х., Ҳайитов О.Ф. Мавлонов А.В., Иброҳимов З.С., Кудряков В.С. Ўзбекистон Республикасининг нефть ва газ гидрогеологияси. ТошДТУ. Т.: 2003. 152 б.

МУНДАРИЖА

Кириш -----	3
1. Ернинг тузилиши ҳақида нималарни биласиз?-----	11
2. Нефть ва газ нима?-----	19
3. Ёнувчи газ – қандай газ?-----	26
4. Нефть ва ёнувчи газларнинг келиб чиқиши ҳақида нималарни биласиз?-----	32
5. Нефтлар ва ёнувчи газлар қандай хоссаларга эга?-----	46
6. Нефть ва ёнувчи газларни тупламлари қандай ҳосил бўлган?-----	54
7. Нефть ва газ конлари қандай қидирилади? 64	
8. Ўзбекистоннинг нефть ва газ конлари қаерларда жойлашган?-----	75
9. Нефть ва газ қудукларини бургулаш усуллари ва технологиялари ҳақида нималарни биласиз?-----	81
10. Нефть ва газ қудукларини ишлатиш усуллари ҳақида нималарни биласиз?-----	91
11. Нефть ва газ конлари қандай ишлатилади?-----	104
12. Нефть олиш даражасини қандай ошириш мумкин?-----	112
13. Газ конини тузилиши ва ишлатилиши ҳақида нималарни биласиз?-----	122
14. Нефть ва ёнувчи газдан қандай фойдаланилади?-----	134
15. Нефть ва газ олиш қандай кўпаймоқда? Нефть ва газ инсонлар эҳтиёжи учун етарлими?-----	145
16. Нефть ва газни жадал олиш оқибатлари ҳақида нималарни биласизми?-----	150
17. Нефть ва газнинг бошқа манбалари борми?-----	158
18. Келажак энергиялари ҳақида нималарни биласиз?-----	168
19. Ўқиши учун қасрга бориш мумкин?-----	179
Адабиётлар-----	182

ОГЛАВЛЕНИЕ

Введение-----	3
1. Что вы знаете о строении земли?-----	11
2. Что такое нефть и газ?-----	19
3. Каков он - горючий газ?-----	26
4. Что вы знаете о происхождении нефть и газа?-----	32
5. Каковы свойства нефти и горючих газов?46	
6. Как образуются скопления нефти и горючих газов?-----	54
7. Как ищут месторождения нефти и газа?--64	
8. Где размещаются нефтяные и газовые месторождения Узбекистана?-----75	
9. Что вы знаете о способах и технологии бурения нефтяных и газовых скважин?-----81	
10. Что вы знаете о способах эксплуатации нефтяных и газовых скважин?-----91	
11. Как разрабатываются нефтяные и газовые месторождения?-----104	
12. Как можно увеличить степень извлечения нефти?-----112	
13. Как устроен и работает газовый промысел?--122	
14. Как транспортируют и хранят газ?-----134	
15. Как используются нефть и горючий газ?-145	
16. Что вы знаете о последствиях интенсивной добычи нефти и газа?-----150	
17. Есть ли другие источники нефти?-----158	
18. Что вы знаете об энергии будущего?-----168	
19. Куда пойти учиться?-----179	
Литература-----	182

Босишга рухсат этилди 17.08.2004 й. Бичими 60x84 1/16.
Шартли босма табоги 11,75. Нусхаси 150 дона. Буюртма № 547.
ТДТУ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш, Талабалар кӯчаси 54.